

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 343.3(5751)

ЖОББОРОВ ХУСНИДДИН НУРИДДИН ЎҒЛИ

**МАНСАБДОРЛИК ЖИНОЯТЛАРИ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УШБУ
ТУРДАГИ ЖИНОЯТЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ МАСАЛАЛАРИ**

5A240116- Жиноят қонунчилигини қўллаш назарияси ва амалиёти
мутахассислиги бўйича Магистр академик даражасини олиш учун
ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: ю.ф.д,
профессор Р.А. Зуфаров

ТОШКЕНТ – 2018

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ	3
I БОБ. МАНСАБДОРЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ	
1.1. Мансабдорлик жиноятлари тушунчаси ва унинг белгилари.....	11
1.2. Мансабдорлик жиноятларининг турлари ва уларнинг ижтимоий келиб чиқиши.....	20
Биринчи боб бўйича хулосалар.....	27
II БОБ. МАНСАБДОРЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИНГ ЖИНОЯТ-ХУҚУҚИЙ ТАВСИФИ	
2.1. Мансабдорлик жиноятлари таркибининг объектив белгилари...	29
2.2. Мансабдорлик жиноятлари таркибининг субъектив белгилари..	40
2.3. Мансабдорлик жиноятларининг ўзаро фарқловчи жиҳатлари....	48
Иккинчи боб бўйича хулосалар.....	55
III БОБ. МАНСАБДОРЛИК ЖИНОЯТЛАРИ ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА КРИМНОЛОГИК ТАВСИФИ, ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА	
3.1. Мансабдорлик жиноятлари келиб чиқиш сабаблари ва шартлари.....	57
3.2. Мансабдорлик жиноятлари билан курашишнинг ўзига хос хусусиятлари ва мазкур турдаги жиноятлар профилактикасининг асосий йўналишлари.....	67
3.3. Мансабдорлик жиноятлари ва улар профилактикасида хорижий давлатлар тажрибаси.....	75
Учинчи боб бўйича хулосалар.....	84
ХУЛОСА	85
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	
ИЛОВА	

КИРИШ

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари мансабдорлик жиноятлари ва ушбу турдаги жиноятларга қарши курашиш тизимини ҳам қайта кўриб чиқишни тақазо этади.

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш мақсадида истиқболли дастурлар орқали изчил ва босқичма-босқич суд-ҳуқуқ ислоҳотлари амалга оширилаётган бугунги кунда, қонун устуворлигини таъминлаш, шахс ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини мустаҳкамлашга асосий эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек, “Бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бу – қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборат”¹.

Хусусан, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланганлиги ҳамда унинг иккинчи йўналиши “Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари”² деб номланиши бугунги кунда жамиятда жиноятчилик, коррупция ва мансабдорлик жиноятларининг олдини олиш ва уларнинг содир этиш даражасини камайтириш, шунингдек мазкур соҳада жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш, коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва

¹ Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият. Т.14. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006. – 280 б.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда

коррупцияга қарши курашиш тадбирларининг самарадорлигини оширишда асосий дастуриламал десак асло муболаға бўлмайди.

Шу билан бирга, мансабдорлик жиноятлари доирасини аниқ белгилаб олиш, уларнинг белгилари, мазкур турдаги жиноятларни квалификация қилиш ва профилактикасини янада такомиллаштириш масалалари ҳозирги кунда долзарб аҳамиятга эга. Чунки мансабдорлик жиноятлари тушунчаси ва доираси ҳозирги вақтда ҳам назариётчи олимлар, ҳам ҳуқуқни қўллаш соҳасида фаолият кўрсатувчи мутахассислар ўртасида кўплаб мунозараларга сабаб бўлмоқда. Мазкур соҳа вакиллариининг таъкидлашича, мансабдорлик жиноятлари мансабдор шахс ўзига берилган ҳокимият ва мансаб ваколатларидан фойдаланган ҳолда ёки мажбуриятларини қасддан бузиб бажариши натижасида давлат, жамоат манфаатларига ёхуд фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўладиган қилмишдир¹.

Шу жиҳатдан олиб караганда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг айнан қайси моддаларида назарда тутилган жиноятлар мансабдорлик жиноятлари сифатида эътироф этилиши, мазкур жиноятларнинг олдини олиш чора-тадбирлари қай даражада ташкил этилганлиги, шунингдек, мазкур жиноятлар белгиланган нормалардаги “жиддий зиён” тушунчасининг аниқ талқини йўқлиги кўплаб саволларни келтириб чиқармоқда. Шундан келиб чиқиб, мансабдорлик жиноятлари тушунчаси, ушбу жиноятларнинг аниқ доираси ва профилактикаси масалаларини аниқлаштириш зарурияти вужудга келади.

Ўзбекистон Республикасида жиноятчиликка, хусусан мансабдорлик жиноятлари содир этилишига қарши кураш нечоғлик кескин олиб борилишига қарамай, ташқи омилларнинг жиноятчиликка таъсир ўтказиши, эркин бозор муносабатларининг ривожланиши янги турдаги

¹ Ахраров Б.Дж. Бошқарув тартибига қарши мансабдорлик жиноятлари учун жавобгарлик муаммолари: Юрид. фан. докт. ... дисс. автореф. – Тошкент: ТДЮИ, 2008. – 8-9-бетлар.

жиноятчиликнинг вужудга келишига, мансабдорлик жиноятлари, пора олиш, пора бериш, пора олиш-беришда воситачилик қилиш каби коррупцион жиноятларнинг тобора кўпайиб боришига сабаб бўлмоқда. Шу жиҳатдан, мазкур институтни янада такомиллаштириш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш, бунда профилактика чораларини тизимли ишлаб чиқиб, йўлга қўйиш ва амалиётга жорий этиш долзарб аҳамият касб этади.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Ваколат доирасидан четга чиқиб, барча соҳаларга аралашиш, Ватан ва халқ манфаати бир четда қолиб, ўз манфаати йўлида “идора” номини рўқач қилиш даври ўтди. Яъни, энди биронта фуқаро қалбаки далиллар, тухмат ва бўҳтонлар асосида жавобгарликка тортилмаслиги шарт¹”.

Юқоридаги масалаларнинг ечимини топиш аввало, қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш, уларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни ва бу орқали мансабдорлик жиноятлари доирасига аниқлик киритиш, мазкур жиноятларни квалификация қилиш, уларнинг профилактикасида аниқ чоралар тизимини белгилаб, уларни янада кенгайтириш ва янада мустаҳкамлашни талаб қилади.

Мазкур масалалар ўрганилаётган мавзунинг долзарблигини белгилаб беради.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот объектига Ўзбекистон Республикасида мансабдорлик жиноятлари ва уларнинг профилактикаси соҳасида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар киради.

Тадқиқот предмети мансабдорлик жиноятларини олдини олиш ва ушбу жиноятларни содир этган субъектлар фаолияти, уларга жазо тайинлашда юзага келадиган жиноят-ҳуқуқий ва бошқа муносабатларни

¹ Мирзиёев Ш.М. “Тартиб-интизом ва масъулиятни кучайтириш, жиноятчиликнинг олдини олиш муҳитини мустаҳкамлаш – ҳуқуқбузарлик профилактикаси самарадорлигининг асосий омилидир”. 15.11.2017 йилда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида белгиланган вазифалар ижроси, бу борада мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидан.

тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ушбу жиноятга оид суд-тергов амалиёти, ушбу муаммога бағишланган илмий асарлар ва статистика материаллари ташкил этади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Тадқиқотнинг мақсади мамлакатимизда мансабдорлик жиноятлари ва мазкур турдаги жиноятлар профилактикасининг қонунчиликда белгиланган асосларини таҳлил қилиш ва қонун ҳужжатлари нормаларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- мансабдорлик жиноятлари тушунчасини таҳлил қилиш;
- мансабдорлик жиноятларини белгилаб берувчи нормалар доирасини аниқ белгилаб олиш;
- Ўзбекистон Республикасида мансабдорлик жиноятлари ва мазкур турдаги жиноятлар профилактикаси механизминини таҳлил қилиш;
- мансабдорлик жиноятлари таркибининг объектив ва субъектив белгиларини таҳлил қилиш;
- хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилигида мансабдорлик жиноятлари ва мазкур турдаги жиноятлар профилактикаси масалаларини таҳлил қилиш;
- мансабдорлик жиноятлари ва мазкур турдаги жиноятлар профилактикаси соҳасида юзага келаётган амалий муаммоларни ҳал қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш.

Тадқиқот мавзусининг илмий янгилиги. Тадқиқотнинг илмий янгилиги шу билан белгиланадики, тадқиқот иишда мансабдорлик жиноятларининг келиб чиқиш сабаблари, белгиларини ва уларнинг ҳуқуқий табиатини янада ёритиб беришга ҳаракат қилинган. Ушбу мавзуга муаллиф томонидан назарий ва амалий жиҳатдан ёндашилган. Мансабдорлик жиноятлари ва мазкур турдаги жиноятлар профилактикаси масалаларини такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган таклиф ва

тавсиялар орқали мазкур соҳадаги изланишлар бўйича янги йўналишларни очиб беришга ҳаракат қилинди.

Диссертациядаги янгилик яна шундаки, тадқиқотчи Ўзбекистон Республикасига оид аниқ материал ёрдамида мансабдорлик жиноятлари механизмига таъсир кўрсатувчи барча ўзаро боғлиқ омиллар, алоқалар ва жараёнларга тизимли ёндашганлиги ва муаммони тадқиқ этишга уларни комплекс кўриб чиқиш мавқеидан туриб ҳаракат қилганлигидадир. Жиноят ишларини, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг статистика маълумотларини криминологик ўрганиш, мансабдорлик жиноятларининг ўзига хос хусусиятларни аниқлаш имконини берди. Тадқиқот натижалари, муайян даражада, кўрсатилган муаммоларни назарий жиҳатдан ишлаб чиқишда мавжуд бўлган нуқсонларни бартараф этади.

Тадқиқотнинг асосий масала ва фаразлари.

- жиноят ҳукуқида мансабдорлик жиноятлари тушунчасини юридик таҳлил этиш;
- мансабдорлик жиноятларининг ўзига хос хусусиятлари, белгилари ва турлари, объектив ва субъектив белгиларини кўрсатиб бериш;
- мансабдорлик жиноятларининг келиб чиқиш сабаблари ва шартлари, мансабдорлик жиноятлари билан курашишнинг ўзига хос хусусиятлари ва мазкур турдаги жиноятлар профилактикасининг асосий йўналишларини аниқлаш;
- мансабдорлик жиноятлари ва мазкур турдаги жиноятлар профилактикаси масалаларини таҳлил қилиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексини такомиллаштириш бўйича таклифлар, суд амалиётини ривожлантиришга оид назарий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;
- хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилигида мансабдорлик жиноятлари ва мазкур турдаги жиноятлар профилактикаси масалаларини тадқиқ этиш.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили). Умумий тарзда, мансабдорлик жиноятлари айрим турларининг жиноят-хукукий жихатларига оид умумий муаммоларга Қ.Р.Абдурасулова, Ш.Ё.Абдуқодиров, Б.Д.Ахраров, Б.А.Блиндер, Р.А.Зуфаров, Р.Қобулов, У.М.Мирзаев, И.Исмоилов, М.Ҳ.Рустамбоев, М.Собиров, А.С.Якубов, С.Г.Закутский, З.Х.Гулямов, А.Х.Сатторов ва бошқаларнинг илмий ишларида эътибор берилган¹.

Хорижий олимлар ичида мазкур мавзуга оид салмоқли тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, М.Т.Оздоев, М.Н.Ряевкин, В.Н.Борков, В.И.Мушаев, Б.В.Здравомыслов, В.Ф.Кириченко, М.Д.Лысов, А.Б.Сахаров, А.Я.Светлов, Б.С.Утевскийлар², томонидан ўрганилган. Бундан ташқари В.И.Динека, Н.В.Бугаевская, Ю.В.Портнова, М.Н.Хачатурянларнинг³

¹ Абдурасулова Қ.Р. Коррупция жиноятчилиги ва унинг олдини олиш чоралари ҳақида //Суд ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар фаолиятидаги коррупция: унинг ўзига хос хусусиятлари ва унга қарши курашиш усуллари. Илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: ТДЮИ, 2003.; Абдуқодиров Ш.Ё. Қонунга хилоф тадбиркорликка қарши курашнинг жиноят-хукукий ва криминологик муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Т., 2007.; Ахраров Б.Д. Мансабдорлик жиноятлари учун жиноий жавобгарлик муаммолари. Т. “Адолат” 2007.; Блиндер Б.А., Закутский С.Г. Уголовное право УзССР. – Т.: Укитувчи, 2002.; Закутский С.Г., Мирзажонов К.М. Уголовная ответственность за взяточничество //Повышение эффективности борьбы с должностными и хозяйственными преступлениями. – Т.: Узбекистан, 1988.; Зуфаров Р.А. Уголовная ответственность за получение взятки.: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Т., 1994.; Гулямов З.Х. Проблемы борьбы с преступлениями против правосудия: теория и практика.: Автореф. дис. ... докт. юрид. наук. - Т., 2002.; Кабулов Р. Уголовно-правовые меры борьбы с хищениями: теория и практика.: Автореф. дисс. ... докт. юрид. наук. – Т., 1997.; Исмоилов И. Жиноятчиликда уюшганлик: назария ва амалиёт муаммолари. – Т.: ИИВ Академияси, 2005.; Мирзаев У.М. Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилганлик учун жавобгарлик. Т. ТДЮИ. 2011.; Собиров М. Иқтисодий жиноятчиликнинг бозор иқтисодиёти шароитидаги ижтимоий криминологик жихатлари: Юрид. фан. докт. ... дис. автореф. – Т., 2002.; Расулов А.А., Иногомов Ш.Х., Бакунов П.Б. Уголовная ответственность за приписки в области хлопководство //Повышения эффективности борьбы с должностными и хозяйственными преступлениями. – Т., 1987.; Рустамбаев М.Х. Квалификация превышения власти или служебных полномочий при отягчающих обстоятельствах //Повышение эффективности борьбы с должностными и хозяйственными преступлениями. – Т., 1987. – С. 45-53.; Якубов А.С. Теория проблемы формирования правовой основы учения о преступлении. – Т.: Академия МВД РУз, 1996; Сатторов А.Х. Борьба с должностными злоупотреблениями в подсобных сельских хозяйствах предприятий, учреждений и организаций: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. - Т., 1990. ва бошқалар.

² М.Т.Оздоев Должностные преступления: уголовно-правовой анализи предупреждение. Дис....канд.юрид.наук: 12.00.08:Москва,2005.; М.Н.Ряевкин Уголовно-правовые и криминологические меры противодействия апроступлениям, совершаемым должностными лицами. Дис....канд.юрид.наук: 12.00.08:Ростов на Дон,2004.; В.Н.Борков Получение взятки: вопросы квалификации. Дис....канд.юрид.наук: 12.00.08:Омск,2004.; В.И.Мушев Криминологическая характеристика и уголовно-правовые меры противодействия взяточничеству. Дис....канд.юрид.наук: 12.00.08:С-Петербург,2004.; Б.В.Здравомыслов Новый УК о преступлениях против государственной власти, интересов государственной службы и службы в органах местного самоуправления // Юридический мир. 1997. № 3...; М.Д.Лысов Наказание и его применение за должностные преступления. Казань, 1977.; А.Б.Сахаров Ответственность за должностные преступления по советскому уголовному праву. М., 1956.

³В.И.Динека Должностные и служебные преступления: субъект, полномочия, ответственность //Криминологический журнал. 2002. №2.; Н.В.Бугаевская. Должностное лицо как субъект преступления.

ишларида ҳам мансабдорлик жиноятлари ва бу билан боғлиқ баъзи масалалар ёритилган.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Тадқиқотда илмий билишнинг замонавий услублари, жумладан ижтимоий ҳодисаларни ўрганишга диалектик ёндашув услубидан фойдаланилган. Диссертацияда тадқиқ этилган муаммолар мажмуини ўрганишда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов ва Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ишлари ва чиқишлари алоҳида аҳамият касб этади.

Диссертацияни ёзишда мантикий-ҳуқуқий, тизимли-таркибий, статистик ва қиёсий-ҳуқуқий тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган жиноятчиликка қарши кураш, суд-ҳуқуқ ислохотлари, жиноят қонунларини либераллаштириш, мансабдорлик жиноятлари ва уларнинг профилактикаси билан боғлиқ жиноят ишлари таҳлиллари тадқиқот ишининг методологик асосини ташкил этади.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти шундан иборатки, унинг натижалари мансабдорлик жиноятлари соҳасидаги муаммоларни ўрганишда, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари тайёрлашда, маърузалар ўқиш ва амалий машғулотлар ўтказилишида олимлар томонидан фойдаланилиши мумкин. Қонунчилик ва уни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга тааллуқли таклифлар ҳамда тавсиялардан эса тегишли қонун лойиҳалари, Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи назариясини ривожлантириш, суд-тергов амалиёти, Олий суд Пленуми қарорлари тайёрланишида фойдаланилиши мумкин.

Дис....канд.юрид.наук: 12.00.08:Рязань,2003.; Ю.В.Портнова.Должностное лицо как специальный субъект преступления:Дис....канд.юрид.наук:12.00.08:Москва,2004.; М.Н.Хачатурян, Специальный субъект с признаками государственного должностного лица и государственного гражданского служащего.:Дис. ... канд.юрид.наук :12.00.08:Ростов на Дону,2005.

Тадқиқотчи мансабдорлик жиноятларининг ўзига хос хусусиятлари ва мазкур турдаги жиноятлар профилактикасининг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик таҳлили натижаларидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг амалий ишларида (мансабдорлик жиноятларини аниқлаш ва олдини олишда, чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга ошириш кабиларда), шунингдек ушбу муаммога доир кейинги илмий тадқиқотларда фойдаланилиши мумкин.

Иш тузилмасининг тавсифи. Диссертация кириш, саккизта параграфни ўз ичига олган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

I БОБ. МАНСАБДОРЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

1.1. Мансабдорлик жиноятлари тушунчаси ва унинг белгилари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 121-моддасига биноан, “Қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ёрдам кўрсатишлари мумкин”, дейилади. Асосий қонуннинг бу талаблари давлат ҳокимияти, давлат хизмати ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг фаолият механизмларида ёки уларнинг соҳаларида мансабдор шахсларнинг масъулиятини оширади, давлат аппаратининг фуқаролар олдидаги ва фуқароларнинг давлат ва жамият олдидаги мажбуриятларини белгилаб беради. Давлат аппарати тизимида мансаб сохтакорлиги, ҳокимият ёки мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш, порахўрлик ёки уюшган жиноятчиликнинг ижтимоий хавфлилиги айнан шу тизим бузилишига ёки зарарланишига сабаб бўлади ва давлатнинг сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий тизимида путур етказди

Мансабдорлик жиноятлари ҳокимият ва бошқарув органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар – бу давлат ва маҳаллий ҳокимият ҳамда бошқарув органлари, шунингдек, мулкчилик шаклидан қатъий назар, корхона, муассаса ва ташкилотлар органларининг нормал, қонун билан тартибга солинган фаолиятига таъсир кўрсатувчи, муайян ҳокимият ва бошқарув органларининг мансабдор шахслари томонидан ўзларининг ваколатларидан фойдаланган ҳолда, шунингдек, махсус топшириқ (ваколат) бўйича бошқарув функциясини амалга оширувчи шахслар томонидан содир этилган хатти-ҳаракат¹.

Бу борада нафақат мансабдорлик жиноятларининг алоҳида турларининг асосий қонуниятларини ўрганиш, балки уларнинг умумий

¹ Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм. Т., Илм зиё-2006. 490 б.

жиноятчиликдаги ўрнини ўрганиш, давлат органлари ва давлат иштирокидаги ташкилотга нисбатан хусусиятларини, уларнинг ривожланиш йўллари ва йўналишларини ўрганиш фақат илмий тадқиқ этиш орқалигина амалга оширилиши мумкин.

Жиноят ҳуқуқи назариясида кейинги даврларда “коррупция ҳуқуқбузарлиги” мансабдорлик жиноятларини эса “коррупция” деб номланиши ҳолатлари пайдо бўлди¹. Бизнинг фикримизча, мансабдорлик жиноятлари ва коррупция тушунчалари турлича аҳамият касб этади ва айрим фарқлари ҳам мавжуд. Коррупция деганда мансабдор шахсларнинг давлат ҳокимияти ёки бошқаруви ваколатларидан фойдаланган ҳолда шахсий манфаатларни кўзлаб содир этиладиган жиноятчилик тушунилади. Коррупция фақат мансабдор шахсларнинг ваколатларидан келиб чиқиб, бундай мансабдор шахсларнинг ҳам айрим юқори тоифаларидангина келиб чиқиши билан характерланади ва бунда порахўрлик, суиистеъмолчилик, ваколат доирасидан четга чиқиш, мансаб сохтакорлиги каби жиноятларда ифодаланади. Коррупция мансабдорлик жиноятларининг мансабга совуққонлик билан қараш, мансабдор шахс томонидан содир этиладиган экологияга қарши жиноятларни ўзи ичига ололмайди. Лекин бундай жиноятлар ҳам мансабдорлик жиноятлари деб ҳисобланади. Хизмат мавқеидан фойдаланиш коррупция жиноятчилигидагидек шахснинг жиноий фаолияти механизмининг қисми сифатида эмас, балки мансабдорлик жинояти алоҳида турининг белгиси сифатида намоён бўлади.

Мансабдорлик жиноятларини “... уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма шаклларидаги кўринишлари давлат бошқарувини аянчли ахволга олиб келиши, унинг бузилиши ва емирилиши каби оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлиги билан хавфли бўлиши мумкин. Бундай

¹ Кадыков В.М. Некоторые проблемы коренной трансформации экономического механизма и криминализации российской экономики. Проблемы борьбы с преступностью, охраны прав и законных интересов граждан в условиях перехода к рыночной экономике. м.,1996 й.85-94 б.;Долгова А.И., Ванюшкин С.В. Коррупционная преступность. М., 1997 й.

жиноятчиликнинг коррупция даражасида содир этилиши энг хавфли тус олишидан далолат беради”¹. Шундай қилиб, коррупция днганда мансабдор шахслар томонидан ҳокимият ёки мансаб ваколатларидан ҳуқуққа зид ҳолда фойдаланиб, оммавий тарзда иқтисодий ёки бошқа манфаатдорликка эришишлик тушунилади.

М.Ражабованинг таъкидлашига кўра, - “хуфёна иқтисодиётни касбга айлантирган жиноятчи унсурлар жиноий фаолиятдан орттирган даромадларига қонуний тус беришда ҳам “одатдагидек” хуфёна, махфий усуллардан эҳтиёткорлик билан фойдаланади².

Шундай қилиб, юқорида таъкидланганларга биноан, мансабдорлик жиноятлари ва коррупцион жиноятлар энг аввало, ҳар қандай давлатнинг сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий жиҳатдан мукаммал эмаслиги, давлат апаратининг айрим манфаатларга бўйсундирилганлиги давлат хизматчиларининг моддий аҳволини тартибга солувчи, бир вақтнинг ўзида мажбуриятларини ҳам белгиловчи махсус дастуриламал қонунларнинг бўлмаслиги натижасида вужудга келади.

Хусусан, жиноят қонунчилигида мансабдорлик тушунчасини ёритиш бугунги кунга қадар турлича талқин қилиб келинган. Р.Ходжаев фикрича, мансабдорлик жиноятларида етказилган зарар миқдорини ҳам ҳисобга олиш лозимлиги³ қайд этилади.

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида мансабдор шахслар томонидан содир этиладиган жиноятларни таҳлил қилган ҳолда айтиш мумкинки, *мансабдорлик жиноятлари* бу мансабдор шахслар томонидан ўз ҳокимият ва мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш, улар доирасидан четга чиқиш, ўз ваколатлари ва вазифаларига лоқайдлик билан ёндашиш ёки лозим даражада бажармасликда ифодаланувчи ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб давлат ҳокимияти, давлат хизмати ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари, шунингдек нодавлат тижорат ва бошқа

¹ Ахраров Б.Дж. Мансабдорлик жиноятлари учун жавобгарлик. Т., “Адолат” – 2007. 12 б.

² Ражабова М. Жиноий жазоларни либераллаштириш: илмий ва амалий таҳлил. Т., Адолат. 2005. – 128 б.

³ Ходжаев Р. Мансаб ваколати ва жавобгарлик //Ҳаёт ва қонун. – Тошкент, 2001. – № 2-3. – Б.74-75.

нодавлат ташкилотининг нормал фаолиятига, фуқароларнинг қонун билан белгилаб қўйилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларига тажовуз қилувчи ижтимоий хавфли, айбли, ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатлардир.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида мансабдорлик жиноятлари тушунчаси берилмаган. Ваҳоланки, Ўзбекистон СССРнинг 1959 йилги Жиноят кодексида мансабдорлик жиноятлари алоҳида боб шаклида жойлаштирилган ва баъзи коррупцион жиноятлар ҳам мансабдорлик жиноятлари қаторига киритилган эди, аммо 1994 йилда қабул қилинган амалдаги Жиноят кодексида мазкур соҳа жиноятлари объекти бўйича жойлаштирилганлиги сабабли айрим иқтисодий ва бошқарув тартибига қарши жиноятлар алоҳида бобга ажратилган. Шу сабабли, айрим мансабдорлик жиноятлари белгиларига эга баъзи жиноятлар бошқа бобларга объекти бўйича жойлаштирилган.

Олимларнинг айримлари жиноят қонунининг бўлим ва боблари жиноятнинг махсус ва турдош объектларига кўра тузилиши керак¹, деб ҳисоблайди. А.С.Якубов эса “Жиноят кодекси Махсус қисми тизимини тузиш учун махсус объект асос бўлиши керак”, деган фикрни билдирган². Бошқа бир гуруҳ олимлар Жиноят кодексининг бўлимлари махсус объектга асосан, боби турдош объектга қараб, моддаси эса бевосита объектига кўра тузилиши керак³, дейди. Н.И.Ветровнинг фикрига кўра, Жиноят кодекси махсус қисми нормалари қилмишнинг махсус объектига асосан тизимлаштирилган. Ҳар бир бўлим ёки ҳатто боб ҳам ўзининг махсус объектига эга⁴.

Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясида “Мансабдорлик жиноятлари мансабдор шахс томонидан унинг мансаб ваколати билан белгиланган мажбуриятларини бузиши оқибатида фуқароларнинг

¹ Уголовное право Российской Федерации. Особенная часть / Б.В.Здравомыслов, В.Ф.Караулов и др.; Под ред. проф. Б.В.Здравомыслова. – М.: Юристъ, 2000. – С. 18.

² Якубов А.С. Предпосылки уголовно-правовой реформы в Республики Узбекистан. – Т., 1994. – С. 47.

³ Уголовное право Российской Федерации. Общая часть / С.В.Афиногенов, Л.Д.Ермакова и др.; Под ред. проф. Б.В.Здравомыслова. – М.: Юристъ, 1999. – С.112-113.

⁴ Ветров Н.И. Уголовное право. Общая часть. – М.: Юнити, 1999. – С.114.

ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига, давлат ёки жамият манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишидир. Мансабдорлик жиноятлари давлат ҳокимияти, давлат хизмати, маҳаллий ҳокимият ва ўзини-ўзи бошқариш органларининг нормал фаолиятига тажовуз қилади. Мансабдорлик жиноятлари мансабдор шахсининг мансаб ваколатлари билан белгиланган имкониятлардан фойдаланиб бирор бир ҳаракатни, ўз манфаатини кўзлаган ҳолда бажариши ёки бажармаслиги ёхуд ўз вазифа ва мажбуриятларига совуққонлик билан муносабатда бўлиши орқали содир этилади”¹, - деб таърифланади.

Яна бошқа бир манбада кўрсатилишича, мансабдорлик жиноятлари давлатнинг ҳокимият фаолияти амалга оширилишига салбий таъсир кўрсатувчи ва мансабдор шахслар ўз хизмат ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этиладиган жиноятлар бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар қаторига киритилган. Мазкур жиноятлар қаторига: ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш, мансабга совуққонлик билан қараш, ҳокимият ҳаракатсизлиги, мансаб сохтакорлиги, пора олиш, пора бериш, пора олиш ва беришда воситачилик қилиш каби жиноятлар киради².

Б.Аҳрамов ҳам мазкур тушунчага юқоридагига ўхшаш таъриф берган, яъни мансабдорлик жиноятлари мансабдор шахс ўзига берилган ҳокимият ва мансаб ваколатларидан фойдаланган ҳолда ёки мажбуриятларини қасддан ёхуд эҳтиётсизлик туфайли бузиб бажариши натижасида давлат, жамоат манфаатларига ёхуд фуқароларнинг ҳуқуқлари

¹ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т.5. – Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2003. – 449-б.

² Ашурова. М. Мансабдорлик жиноятлари ва коррупция. “Ҳуқуқ ва бурч”, 2010.

ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўладиган қилмиш¹.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси XV боби Бошқарув тартибига қарши жиноятлар деб номланган бўлиб, мазкур бобнинг баъзи моддалари: 205-212-моддаларда айнан соф мансабдорлик жиноятларининг миллий қонунчилигимиздаги турлари кўрсатиб ўтилган.

Демак, мансабдорлик жиноятлари бу ҳокимият органлари мансабдор шахсларининг ёки махсус ваколатли шахсларнинг ижтимоий хизмат мажбуриятларини бажаришда жиноий ҳаракатини тугаллаш учун ўз ваколатларидан фаол фойдаланган ҳолда содир этилиб, берилган ваколатлардан ноқонуний фойдаланиш йўли билан, ғаразли ёки бошқа паст ниятларда ўзга шахс яъни учинчи шахслар манфаатида ва уларнинг фойдасини кўзлаб хизмат вазифаларига хилоф равишда содир этилади.

Таъкидлаш ўринлики, мансабдорлик жиноятлари диспозициясида қўлланилган “жиддий зиён” тушунчасининг аниқ бир таърифи ёки меъёри мавжуд эмас. Жиддий зиён — етказилган моддий зиённинг хусусияти, маънавий зиённинг оғирлиги, жабрланган шахслар сони ва бошқа ҳолатлар ҳисобга олинган ҳолда аниқланади. Албатта, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги “Қарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 23-сонли Қарорида “жиддий зиён” тушунчасига қисман тушунтириш беиб ўтган, аммо бунда ҳам моддий зарар билан уйғунлашиш ҳолатини кўриш мумкин. Қарорнинг 4.5-бандига кўра, мансабдорлик жиноятига хос жиноий оқибат - жиддий зиён бўлиб, у ўз хусусияти ва кўламига кўра кўп миқдорни ташкил этади. Жиддий зиён Қуролли Кучлар, алоҳида хизматчилар ва бошқа шахсларга етказилиши ва турлича, ҳам моддий, ҳам моддий бўлмаган муайян тусда намоён бўлиши мумкин.

¹ Ахраров Б.Дж. Бошқарув тартибига қарши мансабдорлик жиноятлари учун жавобгарлик муаммолари: Юрид. фан. докт. ... дисс. автореф. – Тошкент: ТДЮИ, 2008. – 8-9-бетлар.

Жиноят тугалланган деб тан олиниси учун зарар амалда етказилган бўлиши шарт.

Жиддий зиён сифатида, жумладан, содир этилган жиноят туфайли бўлинмада (қисмда) ҳарбий интизомга путур етиши, жанговар топшириқнинг, ўқ отиш машғулотларининг, ишларнинг барбод бўлиши ҳарбий мулкка зиён етказиш ёки уни йўқ қилиш, жиддий моддий зарар етказиш, ҳарбий хизматчилар ва бошқа шахсларнинг шахсий ёки мулкый ҳуқуқларининг бузилиши кабилар тан олинади. Жиддий зиён тушунчаси ўз ичига ҳокимият ёки хизмат ваколати доирасидан четга чиқиш жинояти учун хос бўлган жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни ҳам олади. Қасддан одам ўлдириш ёки қасддан баданга оғир шикаст етказиш сифатида етказилган зарар ҳокимият ёки хизмат ваколатидан четга чиқиш жинояти аломатларидан ташқарига чиқади ва оғирроқ жиноят сифатида мустақил тавсифлашни тақозо этади¹.

Шу сабабли, амалдаги қонунчиликка “жиддий зиён” тушунчасининг аниқ белгиланган меъёрлар асосидаги таърифини келтириш керак ёхуд мазкур тушунчани кодекс нормалари диспозициясидан буткул чиқариб юборишни таклиф қиламиз.

Мансабдорлик жиноятлари тўғрисида сўз юритганда, албатта коррупцияни четлаб ўтиб бўлмайди. Зеро, коррупция мамлакатда адолат устуворлиги принципини таъминлашда асосий тўсиқ бўлиб ҳисобланади. “Коррупция” сўзининг келиб чиқиши латинча “corruptio” сўзидан келиб чиққанлигини инобатга оладиган бўлсак, бу – “бузиш, пора эвазига оғдириш” деган маънони англатади. Баъзи манбаларда “коррупция – мансабдор шахслар томонидан уларга берилган ҳуқуқлар ва ҳокимият имкониятларидан шахсий бойлик орттириш учун фойдаланишда ифодаланувчи сиёсат ёки давлат бошқаруви соҳасидаги жиноий фаолият”².

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги “Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 23-сон қарори, 4.1-банд // Тўплам, 3-жилд. – 58-б.

² Юридик энциклопедия – Тошкент: Шарқ – 2001. – 258 б.

Ҳуқуқ манбаларига мурожаат қиладиган бўлсак, Б.Дж.Ахроровнинг фикрича “Коррупция” сўзи адабиётларда турлича талқин қилинади. Унинг ягона тушунчаси йўқ, у бир неча жиноятларни ўзида мужассамлаштириши мумкин. Хатто халқаро ташкилотларнинг тавсияларидан ҳам унинг ягона тушунчасини яратиб бўлмайди. Ҳозирда бошқарув тартибига қарши мансабдорлик жиноятлари коррупция деб аталмоқда”¹.

Шунингдек, Р.А.Зуфаровнинг фикрга кўра, “Коррупция” сўзи латинча “corruptun” сўздан келиб чиққан бўлиб, “синган, бузилган” деган маънони англатади ва шахсий ҳаёт ҳамда корпоратив фойда йўлида жамоат манфаатларига путур етказишни англатади².

Кўриниб турибдики, коррупция ҳам бевосита мансабдорлик жиноятларининг бир тури ва бошқача номланиши бўлиб, бунда давлат органлари мансабдор шахслар фаолиятининг маълум бир нормалари ва меъёрлари бузилиб, бирон бир моддий манфаат кўриш мақсадида, яъни пул ёки бошқа турдаги бойлик орттириш, маълум бир юқорида даражага етишиш каби мақсадлар ётади. Жамиятда коррупция илдизи узилмас экан, мамлакат ҳаёти ва давлат бошқаруви соҳасида тараққиёт ва ўсиш, ривожланиш бўлмайди. Мазкур соҳада БМТ Бош Ассамблеясининг 2003 йил 31 октябрдаги 58-сессиясида қабул қилинган ва 2005 йил 14 декабрда кучга кирган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши Конвенцияси муҳим аҳамиятга эга бўлиб, коррупция қарши курашиш учун халқаро миқёсда дастлабки қадам бўлган. Мазкур Конвенция 8 бўлим ва 71 моддадан иборат бўлиб, ҳозирда бунга 172 давлат қўшилган. Унга кўра, юқоридаги давлатлар ўзларига қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш соҳасида коррупцияга қарши чораларни жорий қилиш мажбуриятини олади³.

¹ Ахроров Ю.Дж. Бошқарув тартибига қарши мансабдорлик жиноятлари учун жавобгарлик муаммолари: Юрид. фан. докт. ... дисс. автореф. – Тошкент: ТДЮИ, 2008. – 8-9-бетлар.

³ Зуфаров Р. Порахўрлик – коррупция негзи//Давлат ва ҳуқуқ. – 2000. № 4. – 41б.

Шунингдек, 2003 йил сентябрда “Коррупция билан курашиш бўйича Истамбул ҳаракатлар режаси” қабул қилинган бўлиб, мазкур Режага Арманистон, Озарбайжон, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари, Россия Федерацияси, Тожикистон ва Украина каби 170 та давлатлар иштирокчи ҳисобланади ва ушбу Ҳаракатлар Режасига Ўзбекистон Республикаси 2010 йилда қўшилган. Бугунги кунда коррупция ва унга қарши курашиш, олдини олишда ушбу Режа муҳим халқаро меъёрлардан бири бўлиб ҳисобланади. Истамбул Ҳаракатлар Режаси бўйича Ўзбекистондаги дастлабки музокаралар 2010 йил декабрда олиб борилган ва бунинг натижалари бўйича 21 та тавсия берилган. 2012 йил февралда мониторингнинг биринчи ва иккинчи раундлари бўйича ҳисобот тасдиқланган. Мазкур ҳисоботда Ўзбекистоннинг дастлабки тавсияларга мослиги баҳоланган ва ушбу тавсияларга мос рейтинг кўрсаткичлари намоиш этилган. Яқинда, 20 та тавсиядан 15 таси ўз кучида қолган, 6 таси янги тавсияга алмаштирилган, битта тавсия эса ўз кучини йўқотган. Истамбул режасининг кенгайтирилган мажлисларида Ўзбекистон кўрсатмаларнинг амалга оширилиши бўйича қабул қилинган чоратadbирларнинг қай даражада ўз ижросини топаётганлиги ҳақидаги ҳисоботларни мунтазам бериб борган. Ўзбекистон мазкур тармоқ доирасида фаол иштирокчи бўлиб қатнашган¹.

Коррупцияга қарши курашиш борасида Ўзбекистон Республикасида ҳам қатор ислохотлар амалга оширилиб, хусусан 2017 йил 3 январда Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сонли Қонуни қабул қилиниб, мазкур қонун коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадини кўзлайди. Мазкур Қонуннинг 3-моддаси “коррупция” тушунчасини ёритиб, унга кўра “коррупция - шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг

¹Антикоррупционные реформы в Узбекистане. 3-ий раунд мониторинга в рамках Стамбульского плана действий по борьбе с коррупцией. Организация Экономического Сотрудничества и Развития. 2015

манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга ҳилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга ҳилоф равишда тақдим этишдир”. Зеро, коррупция макон ва замон танламайдиган, давлат бошқарувига салбий таъсир кўрсатадиган, жамият ҳаётини ва давлат бошқарувини кескин издан чиқарадиган иллатдир. Шунинг учун, мазкур иллатга қарши курашиш нафақат мамлакат ичида, балки халқаро миқёсда олиб борилиши керак бўлган муҳим ва устувор вазифадир.

1.2. Мансабдорлик жиноятларининг турлари ва уларнинг ижтимоий келиб чиқиши

Жиноятчилик, шу жумладан, мансабдорлик жиноятлари суд-ҳуқуқ ва бошқа соҳада амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади. Ушбу жиноятларга қарши курашишни тўғри ташкил этиш учун авваламбор мазкур жиноятларнинг ҳуқуқий тавсифига эътибор қаратиш лозим. Хусусан, мансабдорлик жиноятлари мансабдорнинг ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда давлат ёки жамоат манфаатларига ёхуд фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига жиддий зарар етишига сабаб бўлувчи ҳаракатлар содир этишида намоён бўлади.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг маълумотиغا кўра, мансабдорлик жиноятларининг содир этилиш статистикаси мансабдорлик жиноятларининг ўсиб бораётганидан далолат беради¹.

Б.Ахраров, мансабдорлик жиноятлари деганда, мансабдор шахс ўзига берилган ҳокимият ва мансаб ваколатларидан фойдаланган ҳолда ёки мажбуриятларини қасддан ёки эҳтиётсизлик туфайли бузиб бажариши натижасида давлат, жамият манфаатларига ёхуд фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўладиган қилмишни тушуниш керак деб ҳисоблайди².

В.Крюков эса мансабдорлик жиноятлари деганда, мансабдор шахслар

¹ Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг маълумотларига асосан.

² Ахраров Б.Дж. Бошқарув тартибига қарши мансабдорлик жиноятлари учун жавобгарлик муаммолари: Юрид. фан. докт. ... дисс. автореф. – Тошкент: ТДЮИ, 2008. – 8-9-бетлар.

томонидан ғаразли ёки бошқа шахсий манфаатдорлик мотивида содир этиладиган ва фуқаро, ташкилот ёхуд жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига жиддий зарар етказадиган ижтимоий хавфли, ҳуқуққа хилоф ҳаракатларни тушунади. Ҳуқуқшунос томонидан мансабдорлик жиноятлари сирасига мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашиш, пора олиш қабилар киритилган¹.

Хизматчининг давлат хизмати билан боғлиқ ижтимоий муносабатларда иштироки муайян муддатгача давом этиши мумкин. Жумладан, шартномада кўрсатилган вақтнинг тугаганлиги, ходимнинг шартнома муддати тугамасидан аввал шартномани бекор қилиш ҳақидаги ташаббуси билан ёхуд ходимнинг шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаганлиги ёки ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этганлиги муносабати билан давлат хизмати билан боғлиқ муносабатлар тугатилиши мумкин. Давлат хизмати билан боғлиқ муносабатлар меҳнат қонуни, махсус йўриқнома ёки буйруқлар билан ҳам тартибга солинади. Масалан, ҳарбий хизматчи ҳақидаги муносабатлар ҳарбий хизматни ўташ тартиби ҳақидаги қонун билан тартибга солинади. Турли соҳаларни бирлаштирувчи давлат хизмати мансабдор шахсларнинг хизмат ҳуқуқлари, мажбуриятлари, тақиқлари ва жавобгарлигини белгиловчи касбий мақомидир², дейди Р.Иргашев. Бу фикр бир тарафлама, яъни фақат мансабдор шахс мақоми сифатида тўғри бўлиши мумкин. Лекин давлат хизмати фақат мансабдор шахсларни эмас, умуман давлат хизмати ходимларини назарда тутди.

Давлат хизматида мансабдор ва мансабдор бўлмаган лавозимлар ҳам тушунилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

¹ Крюков В.В. Методика расследования должностных преступлений коррупционной направленности: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Челябинск: 2011. – С. 7-8..

²Иргашев Р. Проблемы государственной службы и правового статуса государственных служащих //Ҳуқуқ ва бурч. – Тошкент, 2007. – № 7. – Б. 44.

1997 йил 3 июлдаги Қарорига¹ асосан, давлат хизматчиларининг лавозимлари рўйхати мавжуд бўлиб, унга кўра Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти бошқаруви идораларининг барча вазифалари тузиб чиқилган ва унда мансаб билан боғлиқ лавозимлар ҳам, касбий ёки мутахассислик бўйича лавозимлар ҳам назарда тутилган. Мазкур рўйхатдаги хизматчиларнинг барчаси ҳам мансабдорлик функциясига (ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик ваколатларига) эга эмас.

Жиноят ҳукуқи назариясида халқаро жиноятларни содир этганлиги мансабдор шахсларнинг жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат, деб топилиши лозимлиги ҳақида ҳам фикрлар мавжуд. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқ соҳасидаги олимлар мансабдор шахслар ёки органларнинг бундай жиноятлардаги иштироки оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади², - деб таъкидлайдилар. Ушбу олимларнинг мансабдор шахслар томонидан халқаро жиноят содир этганликни жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат, деб топилиши кераклиги тўғрисидаги фикрлари тўғри, аммо бундай қилмиш учун давлат органларининг жиноий жавобгарлиги ҳақидаги таъкидларига қўшилмаймиз. Негаки, Ўзбекистон Республикаси ЖКда фақат жисмоний шахсларнинг жиноий жавобгарлиги белгиланган.

Мансабдорлик жиноятлари учун шахсни жавобгарликка тортишда унинг мансаб ваколатига эга бўлганлигининг ўзи кифоя қилмайди. Негаки, қонунда айнан мансабдор шахснинг ўзига берилган ҳокимият ёки мансаб ваколатидан фойдаланиб жиноят содир этганлиги зарурий белги деб ҳисобланиши лозим.

Ваколат - бу аниқ ҳолат учун муайян ҳуқуқ ва мажбуриятлар мажмуидир ва мансабдор шахс уларни аниқ бир шахсга, шахслар гуруҳига нисбатан тадбиқ эта олади, деб тушуниш тўғри эмас. Чунки қонунда мансабдорлик жиноятларининг субъекти сифатида ҳокимият вакиллари

¹ Давлат хизматчиларининг лавозимлари Рўйхати. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 3 июлдаги “Давлат хизматчиларининг лавозим маошларига йигирма фоизли устама ҳақ белгилаш тўғрисида”ги Қарорига илова.

² Одилқориев Х.Т., Очиллов Б.Э. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи. – Т.: ЖИДУ, 2002. – Б. 238.

ҳам назарда тутилган. Улар оммавий мансабдор шахс ваколатларига эга бўлиб, уларнинг ваколат доираси оммавий хусусият касб этади. Жиноят ҳукуқи назариясида мансабдор шахслар томонидан уларнинг мансаб ваколатига боғлиқ ҳолда содир этиладиган жиноятларнинг алоҳида гуруҳи ҳақида ҳам сўз юритилади. Адабиётларда улар “альтернатив мансабдорлик жиноятлари” деб аталади.

Мансабдорлик жиноятларининг пора олиш, пора бериш, пора олиш-беришда воситачилик қилиш каби одатдаги шаклларида ташқари, унинг амалда намоён бўлишининг қуйидаги шакллари фарқлаш мумкин:

- мансабдор шахслар, депутатлар тижорат фаолиятида шахсий ёки корпоратив наф кўриш учун бевосита иштирок этиши;
- давлат пул маблағларини ўзлаштириш ниятида тижорат тузилмаларига ўтказиш учун ўз мансаб мавқеидан фойдаланиш;
- ўз корпоратив (сиёсий, диний, миллий ва ш.к.) гуруҳига давлат ресурслари ҳисобидан имтиёзлар бериш;
- шахсий ёки корпоратив наф кўриш мақсадида оммавий ахборот воситаларига тазйиқ ўтказиш учун ўз мансаб мавқеидан фойдаланиш;
- мансабдор шахслар шахсий бойиш мақсадида тижорат тузилмаларида сохта шахслардан ва қариндошларидан фойдаланиши;
- шахсий ёки корпоратив наф кўриш мақсадида ахборотни манипуляция қилиш (бузиб кўрсатиш, бермаслик, бериш муддатларини чўзиш ва ш.к.) учун мансаб мавқеидан фойдаланиш;
- муайян гуруҳ манфаатларида норматив ҳужжатлар қабул қилиш ҳақидаги қарорларни илгари суриш;
- айрим номзодларнинг сайлов фондларига давлат молиявий ва моддий ресурсларини тақдим этиш¹.

Демак, давлат хизмати тизимида мансабдорлик жиноятлари турлари ва шакллари жуда ранг-баранг бўлиб, улар қуйидагиларда намоён бўлади:

¹ Основы борьбы с организованной преступностью / Под ред. В.С. Овчинского и др. 2-ое изд. перераб. – СПб.: ИНФРА-М, 2003. – С. 190-191.

- фойдали шартномалар тузишга имконият яратганлик учун гўёки маслаҳат хизматларига ҳақ тўлаш шаклида ҳақ бериш, эълон қилинган мақолалар ёки маърузалар учун ҳаддан ташқари кўп миқдорда гонорар ёзиш;

- хизматдаги фирибгарлик ҳамда ўзгалар мулкини талон-торож қилишнинг бошқа шакллари, давлат буюртмаларини жойлаштирганлик учун воситачилик ҳақи олиш;

- давлат хизматчиларига турли хизматлар кўрсатиш ёки бошқача диққат-эътибор бериш;

- масалани ҳал этишдан манфаатдор шериклар ҳисобига чет элга хизмат сафарига, дам олишга ёки даволанишга юбориш;

- масалаларни тез ҳал қилиш, ҳужжатларни бериш учун яширин тарзда пора ундириш ёки ҳақ беришни талаб қилиш;

- қариндош-уруғлари, дўстлари, танишларини ишга жойлаштириш;

- раҳбарлар ўзига бўйсунувчи ходимлар ундирган порадан улуш олиш.

Жиноят қонуни нуқтаи назарида оладиган бўлсак, соф мансабдорлик жиноятлари яъни ЖК 205-212-моддаларидан ташқари, қуйидаги коррупциявий мансабдорлик жиноятлари турларини кўрсатиш мумкин:

- мансаб мавқеини суиистеъмол қилган ҳолда ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш (ЖК 167-модда иккинчи қисмининг “г” кичик банди);

- Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда битимлар тузиш (ЖК 175-моддаси);

- хизмат лавозими дан фойдаланган ҳолда божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (ЖК 182-моддаси иккинчи қисми “г” кичик банди);

- рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ва табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (ЖК 183-моддаси);

- солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш (ЖК 184-моддаси);
- бюджет ва смета-штат интизомини бузиш (ЖК 184¹-моддаси);
- қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш (ЖК 214-моддасининг “г” банди чет элга чиқиши учун махсус келишув талаб қилинадиган мансабдор шахс томонидан);
- адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқариш (ЖК 231-моддаси);
- қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ёки ҳибсга олиш (ЖК 234-моддаси);
- қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-кимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш (ЖК 235-моддаси);
- тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиш (ЖК 236-моддаси);
- жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш (ЖК 243-моддаси).

Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, айрим тадқиқотчилар мансабдорлик жиноятлари тури қаторига Жиноят кодексида назарда тутилган бошқа бир қатор жиноятларни – банкротликни яшириш (ЖК 181-моддаси), экология хавфсизлигига оид нормалар ва талабларни бузиш (ЖК 193-моддаси), жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш (ЖК 244¹-моддаси) ва бошқа бир қатор жиноят таркибларини ҳам киритишади¹. Лекин бундай ёндошув баҳсли бўлиб, қайд этилган жиноятларга уларнинг умумий, махсус ва бевосита объектидан келиб чиқиб баҳо бериш мақсадга мувофиқ, яъни улар тегишлича хўжалик фаолияти, экология соҳасидаги, жамоат хавфсизлигига

¹ Абдураслова Қ., Қурбонов О. Коррупция: асосий тушунча ва шакллари. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2009. – Б. 9.

қарши жиноятлар ҳисобланади. Қолаверса, санаб ўтилган жиноятларда мансабдорлик жиноятларига хос бўлган асосий белгилар мавжуд эмас.

Бундан ташқари, Жиноят кодексининг фақатгина 205-212-моддаларида назарда тутилган жиноятларгина мансабдорлик жиноятлари сифатида тушунилиши керак деб ҳисоблаш ҳам бир тарафдан тўғри, аммо бизнингча, юқорида санаб ўтилган баъзи жиноятлар ҳам мансабдор шахслар томонидан содир этилишини ҳисобга оладиган бўлсак, мантиқий жиҳатдан мазкур жиноятларнинг айнан мансабдор шахслар томонидан содир этилган банди бўйича мансабдорлик жиноятлари каторига киритишимиз мумкин.

Мансабдорлик жиноятлари Жиноят кодексининг бир қанча бобларида берилган. Ушбу жиноятлар шахснинг мансаб ваколатлари билан узвий боғлиқ бўлиб, бу жиноятлар ижтимоий хавфлилигининг алоҳида хусусияти уларнинг айнан мансабдор шахс томонидан содир этилиши билан ифодаланади. Ушбу қилмишлар учун Жиноят кодексининг турли бобларида жавобгарлик белгиланганлиги сабабли ҳам айбдорларга нисбатан тўғри, аниқ ва қилмишга мувофиқ равишда жавобгарлик белгилаш имконияти мавжуд эмас. Ушбу жиноятларнинг барчасини алоҳида бобга бирлаштирилиши ва жиноий жавобгарликни қилмишнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига мос равишда мувофиқлаштирилиши амалиётда қонунийлик таъминлаш учун замин яратади.

Айрим адабиётларда мансабдорлик жиноятлари субъектнинг жиноят-ҳуқуқий мақомига кўра шартли равишда уч гуруҳга бўлинади:

- умумий мансабдорлик жиноятлари (давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти билан боғлиқ ҳолда содир этиладиган жиноятлар);

- махсус мансабдорлик жиноятлари (қўшимча специфик белгиларга эга, шунингдек, давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мансабдор шахслари томонидан содир этиладиган жиноятлар);

- альтернатив мансабдорлик жиноятлари (мансабдор шахс бўлган ҳамда мансабдор шахс бўлмаган шахслар томонидан ҳам содир этиладиган жиноятлар)¹.

Юқоридаги тушунчаларни таҳлил қилиш асносида шундай хулосага келиш мумкин, яъни мансабдорлик жиноятлари: мансабдор ёки моддий жавобгар шахс мақомига эга бўлган шахс томонидан содир этилади; шахс томонидан ўз хизмат вазифаларидан фойдаланган ҳолда содир этилади; тақдим этилган ваколатлардан ноқонуний фойдаланиш йўли билан содир этилади; ғаразли мақсадда ёхуд учинчи шахслар фойда олишига эришиш мақсадида содир этилади; хизмат манфаатларига зид равишда содир этилади.

Биринчи боб бўйича хулосалар:

1. Мансабдорлик жиноятлари тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ: **“Мансабдорлик жиноятлари** - бу мансабдор шахслар томонидан ўзининг ҳокимият ва мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш, улар доирасидан четга чиқиш, ўз ваколатлари ва вазифаларига лоқайдлик билан ёндашиш ёки лозим даражада бажармасликда ифодаланувчи, ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб давлат ҳокимияти, бошқарув ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари, шунингдек нодавлат тижорат ва бошқа нодавлат ташкилотнинг нормал фаолиятига, фуқароларнинг қонун билан белгилаб қўйилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларига тажовуз қилувчи ижтимоий хавфли, айбли, ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатлардир.

2. Мансабдорлик жиноятлари тушунчасига берилган таърифлар таҳлили унинг қуйидаги белгиларини ажратиш имконини беради: бу, аввало, аниқ юридик аломатларга эга бўлган ижтимоий-ҳуқуқий ҳодисадир; мансабдорлик жиноятлари пировард натижада жамият ҳаётининг кундалик меъёрига айланиши оқибатида бутун фуқаролик

¹ Российское уголовное право. Особенная часть / Под ред. Л.В. Иногамовой-Хегай, В.С. Комиссарова, А.И. Рарога. - М., 2003. С.45.

жамияти ва давлатнинг инқирозига олиб келади; мазкур ҳуқуқбузарлик субъектларининг муайян доираси мавжуд (бу, аввало, давлат хизмати ходимлари, давлат функцияларини бажариш ваколатига эга бўлган шахслар, шунингдек хусусий секторда бошқарув функцияларини бажаришга ваколатли бўлган шахслар); кўрсатилган субъектлар ўз мансаб мавқеидан, хизмат лавозимидан, ҳуқуқий мақомидан ва эгаллаган лавозимининг нуфузидан хизмат (яъни давлат хизмати ва хусусий сектор ташкилотларидаги хизмат) манфаатларига ҳамда ҳуқуқ ва ахлоқнинг белгиланган қоидаларига зид равишда фойдаланадилар; кўрсатилган субъектларнинг мазкур фаолияти шахсий бойиш мақсадида ёки ўзга шахсларнинг манфаатларида ёхуд корпоратив манфаатларда амалга оширилиши мумкин.

3. Давлат хизмати тизимида мансабдорлик жиноятлари шакллари юқорида таъкидлаб ўтилган шаклларда яъни латент жиноятлар тарзида намоён бўлади. Масалан, фойдали шартномалар тузишга имконият яратганлик учун гўёки маслаҳат хизматларига ҳақ тўлаш шаклида ҳақ бериш, эълон қилинган мақолалар ёки маърузалар учун ҳаддан ташқари кўп миқдорда гонорар ёзиш; хизматдаги фирибгарлик ҳамда ўзгалар мулкини талон-торож қилишнинг бошқа шакллари, давлат буюртмаларини жойлаштирганлик учун воситачилик ҳақи олиш; давлат хизматчиларига турли хизматлар кўрсатиш ёки бошқача диққат-эътибор бериш; масалани ҳал этишдан манфаатдор шериклар ҳисобига чет элга хизмат сафарига, дам олишга ёки даволанишга юбориш; масалаларни тез ҳал қилиш, ҳужжатларни бериш учун яширин тарзда пора ундириш ёки ҳақ беришни талаб қилиш ва бошқалар.

II БОБ. МАНСАБДОРЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИНГ ЖИНОЯТ-ХУҚУҚИЙ ТАВСИФИ

2.1. Мансабдорлик жиноятлари таркибининг объектив белгилари

Жиноят таркиби элементларидан бири жиноят таркибининг объектив белгиси кўплаб илмий ишларнинг мавзуи бўлган¹. Назария ва суд амалиётида бу масалага алохида эътибор берилишининг асосий сабаби, жиноят таркиби объектив томонини тўғри аниқлаш, қилмишни тўғри квалификация қилиш, ўхшаш жиноятларни бир-биридан, жиноий қилмишни маъмурий ёки интизомий ҳуқуқбузарликдан фарқлаш имконини беради. Мансабдорлик жиноятларининг объекти ва объектив томони биргаликда мансабдорлик жиноятлари учун жавобгарликнинг объектив чегараларини яъни белгиларини кўрсатиб беради. Шахснинг хулқини, мақсадини баҳолашнинг зарурий асоси унинг содир қилган қилмиши ҳисобланади. Масалага бундай қараш содир қилинган аниқ ҳаракатларнинг объектив хусусиятларига нисбатан субъектив муносабатларни белгилайди.

Қилмиш ўз-ўзидан жиноят деб топилмай, қонун чиқарувчи томонидан чиқарилган жиноят-ҳуқуқий нормаларда, аниқроғи, ЖК Махсус қисми аниқ моддаларида белгиланган жиноят белгилари билан солиштирилгандан кейингина шундай тўхтамга келиш мумкин.

Жиноят таркибининг барча белгиларини ташкил этувчи ижтимоий ҳавфли қилмиш содир этиш жиноий жавобгарликка тортиш учун етарли асосдир, яъни жиноят-ҳуқуқий таъқибни амалга оширувчи орган гумонланувчи (айбланувчи)ни жиноий жавобгарликка тортиш учун унинг қилмишида жиноят таркиби мавжудлигини аниқлаши лозим.

¹ Жиноят ҳукуки. Умумий қисм. Дарслик. / М.А.Абдухоликов, Б.Д.Ахроров ва бошқ. М.Усмоналиев умумий таҳрири остида. - Т.: Адолат, 2000. - Б.71-83.; Якубов А.С. Териотические проблемы формирования правовой основы учения о преступлениях: предпосылки реальность, перспективы. - Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2001. - С.98-100.; Рустамбоев М.Х., Жиноят ҳукуки (Умумий қисм). Дарслик. - Т.: ИЛМ ЗИҲО, 2005. - Б. 120-141.; Рустамбоев М.Х. Узбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Умумий қисм. - Т.: ИЛМ ЗИҲО, 2006. - Б. 104-118.; Усмоналиев М. Жиноят ҳукуки (Умумий қисм). - Т.: Янги аср авлоди, 2005. - Б. 165-191.; Узбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Илмий-амалий шарҳлар. / Фуломов З.Х., Зуфаров Р. А. ва бош. - Т.: Адолат, 2000. - Б. 132-148.

ЖК Махсус қисми моддалари жиноятнинг конструкциясини, яъни объектив ва субъектив элементларини ажратиб кўрсатади.

Жиноят таркиби элементлари сифатида қуйидагилар ҳисобланади:

- жиноят объекти;
- жиноятнинг объектив томони;
- жиноятнинг субъектив томони;
- жиноят субъекти.

Ҳар қандай жиноят – инсон хулқ-атворининг ташқи кўриниши, яъни онг ва ирода назорати остида содир қилинадиган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик кўринишидаги қилмишдир.

Жиноят объекти жиноят қонуни билан қўриқладиган энг устувор ва ижтимоий жиҳатдан муҳим бўлган, умумлашган ҳолда соф ижтимоий категория бўлган ижтимоий муносабат бўлиб, жиноят содир этилиши натижасида уларга зарар етказилади ёки зарар етказилиши хавфи остида қолади¹.

Жиноят объектининг аҳамияти шундаки, у ҳар бир жиноятнинг зарурий элементи бўлиб, биринчи навбатда аниқланиши лозим. Тажовуз объектисиз ҳеч қандай аниқ жиноят таркиби мавжуд бўлмайди. Жиноят объектини тўғри аниқлаш қилмишни тўғри квалификация қилиш ва жиноят таркибини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади, шунингдек, жиноий қилмишларни маъмурий ҳуқуқбузарликлардан фарқлаш имкониятини беради.

Жиноятнинг объекти муаммосини таҳлил қилган олимлар доимий равишда унинг асосини ҳуқуқ нормаси, унда ўрнатган тартиб қоидалари мавжудлиги билан боғлайдилар. Бу фикрни ривожлантириб М.Усмоналиев “тажовуз қилинган объектнинг аҳамияти жамият учун қанчалик юқори бўлса, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфилилик даражаси ҳам юқори бўлади”² дейди. А.И.Траининнинг таъкидлашига кўра, “ҳар қандай

¹ М.Х.Рутамбоев. Ўзбекистон республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Дарслик. 1-том. “ILM ZIYO”, Т.:2010

² Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм). – Т.: Янги аср авлоди, 2005. – Б.131-132.

жиноят, у ҳаракат ёки ҳаракатсизлик билан содир этилишидан қатъи назар, ҳар доим ҳам тажовуз объектига путур етказилади¹. Ҳеч қандай муносабатга путур етказмайдиган жиноят табиатда бўлмайди. Объект “Махсус қисм” тизимини белгилашда катта аҳамият касб этади ва жиноятнинг табиати ва ижтимоий хавфлилик даражасини белгиловчи жиноят таркибининг зарурий белгиси ҳисобланади”²⁰. А.Б.Сахаровнинг фикрича, “мансабдорлик жиноятларининг объектини давлат аппарати фаолиятининг асоси ташкил этади”². Шу жиҳатдан олиб қараганда, мансабдорлик жиноятларининг объектини нафақат давлат ҳокимияти органлари фаолияти, балки бевосита ушбу фаолиятни таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳам ташкил этади. В.Е.Мельникова мансабдорлик жиноятларининг объекти сифатида “давлат ва жамоат аппарати тартибга солувчи ижтимоий муносабатлар тушунилади”³ дейди. А.Х.Саттаровнинг фикрича давлат ёки жамоат аппарати фаолиятини ташкил этувчи ва жамият талабларига мос келувчи бир тоифали ижтимоий муносабатлар гуруҳи тушунилади⁴, дейди.

А.Б.Сахаровнинг фикрига кўра, мансабдорлик жиноятларида махсус ва бевосита объектлар бир-бирига ўхшашдир⁵. Бироқ, Б.Ж.Ахроров ушбу фикрга қарши сифатида, махсус объект тушунчасига асосланган ҳолда конкрет объектга етказилган зарарнинг даражасини аниқлаш қийин, албатта. Мазкур турдаги жиноятлар объектини ташкил қилувчи ижтимоий муносабатлар мазмунига қатор зарурий элементлар киради: а) ижтимоий муносабатнинг моддий ёки моддий бўлмаган фойда келтирувчи воситаси (шахс манфаатлари, давлат хизмат фаолиятида давлат органлари ва уларнинг хизматчилари муносабатларидан келиб чиқадиган ижтимоий муносабатлар ва ҳ.к.лар); б) турли хилдаги ижтимоий манфаатларни вужудга келтирувчи ижтимоий муносабатларнинг иштирокчилари

¹ Трайнин А.Н. Объект преступления. М.:2001. – Б. 137.

² Сахаров А.Б. Общая характеристика преступлений. М.:2003 – Б. 26.

³ Мельникова В.Е. Должностные преступления. Вопросы уголовно-правовой квалификации. – М.: ВЮЗИ, 1985. – С. 6.

⁴ Саттаров А.Х. Борьба с должностными злоупотреблениями в подсобных сельских хозяйствах предприятий, учреждений и организаций. Автореф. ... канд. юрид. наук. – Т., 1990. – С. 10.

⁵ Сахаров А.Б. Юкорида келтирилган адабиёт. – Б. 30-31.

(корхона, ташкилот ёки муассасаларда хизмат қилиш); давлат органи ва унинг хизматчиси ўртасидаги муносабатлар, ҳокимият вакили ва фуқаро ўртасидаги муносабат ва ҳ.к.лар; ижтимоий муносабатлар тарафлари ўртасидаги боғлиқлик (хизматчи, ҳокимият органи, мансабдор, жисмоний ва юридик шахс ва ҳ.к.лар)¹. Ҳақиқатдан ҳам, олимлар мансабдорлик жиноятларининг объектини талқин қилишда турлича ёндашувлардан келиб чиқади. Шу сабабли, махсус ва бевосита объектни алоҳида ижтимоий муносабатлар сифатида ажратиш ушбу жиноятларнинг амалиётда янада аниқ ва тўғри квалификация қилишга ёрдам беради.

ЖК Махсус қисми норма ва қоидалари ўрганилганда, жиноят таркибининг кўриб чиқилаётган элементига хос томонларни кўриш мумкин:

– биринчидан, объектив томон жиноят-процессуал тартибда исбот қилинадиган ва ўрнатиладиган, жиноят объектига қарши қаратилган тажовузни таърифлайдиган жиноятнинг белгилари мажмуини ифодаловчи шахс қилмишининг ташқи кўриниши;

– иккинчидан, объектив томонни ифодаладиган белгилар (ҳолатлар) ижтимоий аҳамиятли ҳисобланади ва қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги ҳамда даражасини билдириб туради;

– учинчидан, бу белгилар умумий ифодага эга, яъни реал воқеликда содир қилинадиган жиноятлардан келиб чиқади;

Жиноят таркибининг объектив томони – тажовузнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини ифодаладиган, жиноят қонуни билан кўриқланадиган объектга қарши қаратилган ижтимоий хавфли тажовузнинг ташқи ҳолатини характерловчи объектив, ижтимоий ва юридик аҳамиятга эга бўлган белгилар йиғиндисидир².

Мансабдорлик жиноятлари объектив томонининг умумий

¹ Ахраров Б.Дж. Бошқарув тартибига қарши мансабдорлик жиноятлари учун жавобгарлик муаммолари: Юрид. фан. докт. ... дисс. автореф. – Тошкент: ТДЮИ, 2008.

² Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарх. (Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашр.) Умумий қисм / Тошкент: “Адолат”, 2016. – 134-б.

белгиларидан бири ЖК 205-моддасида берилган бўлиб, унда, “Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, яъни мансабдор шахснинг ўз мансаб ваколатидан қасддан фойдаланиши фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса”, дейилади. Ўрганилаётган жиноятлар моддий таркибли бўлиб, жиноят объектив томонининг қуйидаги зарурий белгилари мавжуд бўлиши талаб этилади: а) ижтимоий хавфли ҳаракат ёки ҳаракатсизлик; б) жиноий оқибат; в) улар ўртасидаги сабабий боғланишнинг мавжудлиги.

Жиноят жиноий оқибат рўй бериши билан тугалланган ҳисобланади ва оқибатнинг кўлами жавобгарликни оғир ёки енгиллигига таъсир этади. Жиноят таркиби объектив томоннинг зарурий белгиларига алоҳида тўхталиб ўтишни лозим, деб топдик.

Мансабдорлик жиноятлари фаол ҳаракат ёки ўзига юклатилган вазифаларини қасддан бажармаслик - ҳаракатсизлик билан ҳам содир этилади. Мансабдорлик жиноятларидаги ҳаракат, дейилганида мансабдор шахснинг ўз хизмат вазифаси юзасидан унга берилган ваколатлардан фойдаланган ҳолда содир қилинадиган ғайриқонуний ҳаракатлари тушунилади. Бундай ҳаракатсизлик Ўзбекистон Республикаси ЖК 208-моддаси (ҳокимият ҳаракатсизлиги) билан квалификация қилиниши мумкин. ЎзССРнинг 1959 йилги ЖКда бундай ҳаракатсизлик ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилишнинг бир тури ҳисобланар эди. Қонун чиқарувчи орган бундай ҳолатларда ҳаракат ва ҳаракатсизликни бир-биридан ажратишни лозим топди. Суд амалиётининг таҳлили ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ҳокимият ҳаракатсизлигига нисбатан кўпроқ содир қилинишини кўрсатди. Жиноят ишларини ўрганиш, асосан ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш билан содир этишда бўлиб, ҳокимият ҳаракатсизлиги билан содир этилган жиноятлар умуман учрамайди.

Суд амалиётида бундай ҳаракатларни квалификация қилишда айрим

қийинчиликлар мавжудлиги сабабли судлар ҳаракатни кўпроқ маънавий зарар билан боғлашга ҳаракат қиладилар.

Мансабдорлик жиноятларида ҳаракатнинг айнан мансаб ваколати билан боғлиқ эканлиги уларнинг асосий хусусияти, деб ҳисобланиши керак. Лекин, жиноятнинг айнан шу белгисини аниқлаш жиноятни квалификация қилишда муайян қийинчиликлар туғдиради. Бу эса, жиноят объектив томонига нисбатан турлича фикрларни вужудга келтиради. Бу аввало, мансаб ваколати доираси тушунчасига тааллуқли бўлиб, ушбу масаланинг ҳал этилиши ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эгадир.

Айрим муаллифлар мансабдорлик жиноятлари фақат хизмат ваколати доирасида содир қилиниши мумкин, деб ҳисоблайдилар, А.Аснис мансаб суиистеъмоллигида шахс хизмат ваколатлари доирасида ҳаракат қилади¹, дейди. Худди шундай фикрни илгарироқ В.Ф.Кириченко ҳам билдирган эди. Бу фикрнинг тўғрилигини асослаш учун ЖКнинг 205-моддасига эътибор бериш лозим. Қонунда мансабдор шахснинг ўз хизмат мансаби ваколатидан фойдаланиши деганда, ҳокимият ёки мансаб суиистеъмоллиги жиноятида расман мансаб ваколати доирасида содир этиладиган ҳаракатлар назарда тутилади. Бундай фикр тарафдорлари, яна мансабдор шахс ўз ваколати доирасида маълум қилмиш содир этиш ёки ўз ходимларига шунга ўхшаш буйруқ бериш имкониятларига эга бўлади, деб ҳисоблайдилар². Ушбу нуқтаи назар тарафдорлари ҳокимият ёки мансаб ваколатидан фойдаланишни тор маънода таърифлайдилар.

Бу фикрдан фарқли равишда бошқа олимлар “мансаб ваколатидан фойдаланиш” иборасини кенгроқ талқин қилишни афзал кўрадилар. Улар ҳокимият ёки мансаб ваколатидан фойдаланиш деганда (ЖКнинг 205-моддасига биноан) ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ҳаракатлари, шунингдек, мансаб обрўсидан фойдаланиш ёки бошқа мансабдор шахслар билан дўстона алоқаларидан фойдаланиш ҳам

¹ Аснис А. Разграничение превышения власти или служебных полномочий и злоупотребления властью или служебными полномочиями // Социалистическая законность. - Москва, 1987. - № 12. - С. 34.

² Блиндер Б. А., Закутский С. Г. Юкорида курсатилган адабиёт. - Б. 141.

тушунилади, дейдилар .

Бизнингча, иккинчи фикр тарафдорларининг фикрига қўшилса бўлади ва улар фикрининг тўғрилигини асослаб, қўшимча асослар келтириш мумкин. Биринчидан, ҳар қандай мансабдор шахс ҳуқуқлар ва мажбуриятлар мажмуидан иборат бўлган махсус ҳуқуқларни берувчи ваколатларга эга бўлади. Корхона, муассасалар фаолиятини тўғри бошқариш шартларидан бири ушбу ташкилотлар мансабдор шахсларининг ўз ваколатларини тўғри амалга оширишдир. Лекин таҳлил қилинаётган жинойтнинг ўзига хос хусусиятлари мансабдор шахснинг ҳокимият бошқарув муносабатларидаги фаолиятида намоён бўлиб, ўзаро муносабатлар: бир-бирига ёрдам қилиш, хизмат қилиш туйғуларини, “хизмат обрўси” самарадорлигини оширади. Бундай муносабатлардан ғараз ниятда, манманлик йўлида фойдаланиш фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларига, давлат ёки жамоат апаратининг нормал ишлашига жиддий зиён етказади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан мансабдор шахс тушунчаси кенг доирада талқин қилинади, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорида “... давлат, кооператив, жамоат ва бошқа корхона, муассаса ва ташкилотларда мансабдорлик вазифасини доимий ёки вақтинчалик бажараётган ходимлар...”¹, деб тушунтирилади, ушбу қарорда гарчанд эгаллаб турган лавозимидан фойдаланиб, пора берувчининг манфаатларини ҳимоя қилиш учун ҳеч қандай ҳаракат содир эта олмаса ҳам, лекин пора эвазига, мавқеидан фойдаланиб, бошқа мансабдор шахс томонидан шундай ҳаракатлар бажарилиши учун шароит яратиши мумкин бўлган мансабдор шахслар ҳам тушунилиши кераклиги таъкидланади. Бундай ҳолатларда мансабдор шахс ўз хизмат мансабидан фойдаланибгина қолмай, хатто мансаб обрўсидан, ҳамкасблари билан

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари туплами. 1991-2006. 2 жилдли. - Т.: Адолат, 2006. Биринчи жилд. - Б. 236.

ўзаро алоқалари, ёки ўз таъсирини ўтказувчи бошқа чоралардан ҳам фойдаланади.

Учинчидан, масаланинг бундай ҳал этилиши қонун матнидан ҳам келиб чиқади. ЖК 205-моддасида нафақат мансабдор шахснинг ҳуқуқлари, балки мансаб ваколати билан боғлиқ имкониятлари ҳам назарда тутилади.

Жиноят ҳуқуқи назариясида айрим ўзаро алоқалар ҳам хизмат ваколатидан фойдаланиш, деб ҳисобланганлиги тўғрисидаги фикрни учратиш мумкин¹. Лекин бундай фикр қонун моҳиятига тўғри келмайди, ҳатто бундай фикр мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш чегараларини ҳам йўқотади. Табиийки, ҳар қандай илтимослар, таклифлар мансабдор шахснинг қандай мансабни эгаллаб турган бўлишидан қатъи назар мансабни суиистеъмол қилиш, деб баҳоланавермайди. Лекин, суд амалиётида мансаб обрўси суиистеъмол қилинганлиги билан боғлиқ мансабни суиистеъмол қилиш жуда кам учрайди.

Мансабдорлик жиноятлари объектив томонининг навбатдаги зарурий белгиси - ҳаракат айбланувчининг хизмат вазифасидан келиб чиқиб содир этилишидир. Қилмишнинг бу хусусияти тўғридан тўғри қонун матнларида баён қилинган. Бу белги ушбу жиноятни бошқа ўхшаш мансабдорлик жиноятларидан фарқлаш имкониятини беради. Шунини ҳам таъкидлаш керакки, ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш объектив томонининг зарурий белгиси фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилиши каби жиноий оқибатларнинг келиб чиқишидир².

Мансабга совуққонлик билан қараш жинояти объектив томондан мансабдор шахснинг ўз вазифаларига лоқайдлик ёки виждонсизларча муносабатда бўлиши оқибатида уларни бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган

¹ Зуфаров Р.А. Уголовная ответственность за получения взятки.. - Т.: ТГЮИ, 2004. - Б. 42.

² Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ. (Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашр.) махсус қисм / Тошкент: "Адолат", 2016. – 544-б.

манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлишида ифодаланади.

Мазкур жиноят объектив томонининг ҳам зарурий белгиси юқоридаги ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш жинояти каби объектив томонининг зарурий белгиси фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қоун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилиши каби жиний оқибатларнинг келиб чиқишидир¹.

Жиноят кодексининг 208-моддасидаги ҳокимият ҳаракатсизлиги жинояти объектив томондан мансабдор шахснинг ўз хизмат вазифасига кўра бажариши шарт ва мумкин бўлган ҳаракатларни бажармаслиги натижасида фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қоун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлишида, шунингдек, бундан ҳаракатсизлик туфайли жиноятга йўл қўйилишида ифодаланади.

Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш жиноятининг бевосита объекти давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг нормал фаолият юритишини, уларнинг обрўсини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар, қўшимча бевосита объекти фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган ижтимоий муносабатлар эканлиги инобатга олинадиган бўлса, мазкур жиноят объектив томондан ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш, яъни мансабдор шахснинг қонунда белгиланган ваколатлари доирасидан четга чиқадиган ҳаракатларни содир этиши давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зарар етказилишига сабаб бўлишида кўринади. Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш айбдор ҳулқ-атворининг фаол шаклини кўзда тутати. Бу, ўз навбатида, мансаб ваколатларидан четга чиқиш жинояти фақатгина

¹ Ўша манбада.

ҳаракат орқали содир этилишини англатиб, бу жиноят ҳаракатсизликдан содир этилмайди¹.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумида белгиланганидек, мансаб ваколати доирасидан четга чиқишнинг асосий кўринишлари деганда: мансабдор шахс томонидан бошқа шахснинг ваколати доирасига кирувчи ҳаракатларнинг содир этилиши; коллегиял орган ваколатига кирувчи ҳаракатни мансабдор шахс томонидан якка тартибда содир этилиши; ҳеч ким ва ҳеч қандай ҳолатда амалга оширишга ҳақли бўлмаган ҳаракатларнинг мансабдор шахс томонидан содир этилиши ва бошқалар ҳисобланмоғи лозим².

Мансабдорлик жиноятлари объектив томонинин ўрганишда мансабдор шахслар ҳуқуқлари ва ваколатлар доираси муҳим ағамиятга эга бўлиб, буларнинг доираси қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат, мансаб йўриқномалари билан белгиланади. Шунинг учун, мансабдорлик жиноятларини квалификация қилиш ва жиноят таркиби мавжуд ёки мавжуд эмаслиги масалаласини ҳал қилишда қонун ёки бошқа норматив ҳужжаларда (устав, низоми ва бошқалар) мустаҳкамланганлигини ва қонунбузилиш ҳолатини аниқлаш лозим.

Мансабга совуққонлик билан қараш жинояти объектив томондан жиноят мансабдор шахснинг ўз вазифаларига лоқайдлик ёки виждонсизларча муносабатда бўлиши оқибатида уларни бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлишида ифодаланади. Демак, мансабга совуққонлик билан қараш жинояти ҳаракат яъни ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик, ҳаракатсизлик яъни ўз вазифаларини бажармаслик орқали содир этилади. Объектив

¹ М.Х.Рустамбоев Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ. Махсус қисм. Тошкент: “Адолат”, 2016.

² Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги “Иқтисодиёт соҳасида жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида”ги 11-сон қарори, 28-банд// Тўплам, 1-жилд. – 127-б.

томонининг зарурий белгиси кўп миқдоридаги зарар ёки жиддий зиён етказилганлигидир. Мансаб сохтакорлиги жинояти объектив томондан мансабдор шахснинг расмий ҳужжатларга бил туриб сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиши, ҳужжатларни қалбакилаштириши ёки била туриб, сохта ҳужжатлар тузиши ва тақдим этиши натижасида давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зарар етказилишига сабаб бўлишида ифодаланади.

Пора олиш жинояти объектив томонидан мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкӣй наф кўришида ифодаланади.

Пора бериш жинояти эса объектив томондан мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ва мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига унга бевосита ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкӣй манфаатдор этишда ифодаланади.

Пора олиш-беришда воситачилик қилиш жиноятининг объектив томони пора олиш ёки бериш хусусидаги келишувга эришига қаратилган фаолият бўлиб, бу порани бевосита беришда ифодаланади. Ушбу ҳаракатлардан манфаатдор бўлган пора берувчидан фарқли равишда воситачи пора берувчининг топшириғини бажараётган воситачи мансабдор шахснинг у ёки бу ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслигидан бирор-бир моддий мукофот ёки моддий манфаатларни қўлга киритишни кўзламайди. Воситачи ўзганинг манфаатларини намоён қилиб, ўз номидан ҳаракат қилмайди. Пора бериш масаласини пора берувчи ўзи мустақил ҳал қилади, воситачи уни амалга оширади¹.

¹ Юқрида келтирилган Пленум қарорида.

2.2. Мансабдорлик жиноятлари таркибининг субъектив белгилари

Жиноят ҳуқуқи назариясида жиноят таркибий элементлари ичида жиноят субъекти марказий ўринда тутиб, жиноят содир этиш пайтида қонунда назарда тутилган муайян ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс жиноят субъекти сифатида эътироф этилади.

Жиноят субъектига оид дастлабки қарашлар ва у ҳақидаги концепция И.Кант, Г.Гегель, А.Фейербах, И.Фихте ва бошқа файласуфларнинг жиноий-ҳуқуқий муаммоларни ҳал этишга қаратилган асарларида учрайди¹.

Бундай қараш тарафдорлари жиноят инсон иродасига боғлиқ равишда содир этилишини² ва айбиликнинг ҳуқуқий оқибати жазо тайинлашда намоён бўлишини таъкидлашади³.

Г.Гегел ўз жиноий-ҳуқуқий назариясига кўра жиноят субъекти ҳақида фикр юритар экан, жиноятчи шахс нафақат давлатнинг жазолаш объекти, балки жинояти учун жазоланиши лозим бўлган жиноят ҳуқуқи субъекти⁴, деб тушунтиради. Ўзининг “Ҳуқуқ фалсафаси” асарида шахсда ирода ва тафаккурнинг мавжудлигини ақли расолик эканлигини изоҳлайди. Бунда жиноят содир этган шахс жиноий қилмиши аҳамиятини англаш ва хоҳлаш қобилиятига эга субъект⁵ сифатида майдонга чиқади.

И.Кант фалсафасига асосланган А.Фейербах ўзининг машҳур жиноят ҳуқуқи дарслигида жиноят таркиби, хусусан, жиноят субъекти, жиноий жавобгарлик жиноят учун жазо ва иштирокчилик институтлари ишлаб чиқди. Кейинчалик унинг қарашлари А.Ф.Кистяковский,

¹Павлов В.Г. Субъект преступления в уголовном праве (историко-правовое исследование). – М., 2009. – С. 6.

²Пионтковский А.А. Уголовно-правовые воззрения Канта, А. Фейербаха и И. Фихте. – М., 2003. – С. 64.

³Кант И. Сочинения в шести томах. – Т. 4. – Ч. 2. – М., 1965. – С. 120, 132, 137.

⁴Павлов В.Г. Субъект преступления в уголовном праве (историко-правовое исследование). – М., 2009. – С. 7.

⁵Гегель Г. Ҳуқуқ фалсафаси. – М., 2007. Б.89-165.

В.Д.Спасович, Н.С.Таганцев ва бошқа рус олимлари асарларида давом эттирилди¹.

Жиноят ҳуқуқининг классик мактаби вакили Н.С.Таганцев фақатгина жиноят содир этилишида айбдор бўлган жисмоний шахсгина жиноят субъекти бўлишини таъкидлаган².

Юқоридаги фикрларга қўшилган ҳолда гарчи, жиноий-ҳуқуқий назарияга кўра жиноят жонсиз предметлар, ҳайвонлар ёки юридик шахслар томонидан содир этилиши мумкин деб қаралсада, ҳар қандай қилмиш, хусусан жиноят, қоида тариқасида, жисмоний шахс – инсон томонидан содир этилади, деб ҳисоблаймиз.

Жиноят субъекти бу жиноят қонунчилигида назарда тутилган жиноятни содир этган ва ушбу қонунда белгиланган ёшга етган ақли расо жисмоний шахсдир. ЖК 17-моддасида жиноят субъектининг умумий белгиларига таъриф берилган ҳамда улар қуйидаги учта зарурий элементлар мажмуи орқали ифодаланади:

- жисмоний шахслиги;
- ақли расолиги;
- ЖКга мувофиқ жиноий жавобгарликни келтириб чиқарувчи субъектнинг ёши.

Ушбу элемент (белги)лар биронтасининг мавжуд бўлмаслиги жиноят субъектининг, демак жиноят таркибининг мавжуд эмаслигидан далолат беради³.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят қонунчилигига кўра фақат жисмоний шахс субъект сифатида эътироф этилади. Бироқ, қатор хорижий давлатларда жиноят субъекти сифатида юридик шахслар жавобгарлиги

¹ Павлов В.Г. Субъект преступления в уголовном праве (историко-правовое исследование). – М., 2000. – С. 8.

² Таганцев Н.С. Русское уголовное право. Общая часть. – Т. 1. – М., 2004. – С. 144–145.

³ Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ. (Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашр.) махсус қисм / Тошкент: “Адолат”, 2016. – 544-б.

ҳам мустаҳкамланган¹. XX асрнинг сўнгига келиб айрим давлатлар қонунчилигига юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигини белгиловчи нормалар киритилди. Эркин рақобатни, истеъмолчи манфаатларини ҳимоя қилишда, иқтисодни, атроф-табiiй муҳитни қўриқлашда, соғлиқни сақлаш ва бошқа фаолият соҳаларини ҳимоя қилишда маъмурий, фуқаровий чораларнинг самарасизлиги охириги ўн йилликларда кўпгина давлатларнинг юридик шахслар жиноий жавобгарлиги муаммоси масаласига янгича қарашга ундади, хусусан, бу масала алоҳида давлатлар (Франция, АҚШ, Англия, Япония, Финляндия)да ўзининг қонуний ечимини топди². Шунингдек, Австрия, Бельгия, Голландия, Дания, Жанубий Корея, Ирландия, Канада, Норвегия, Хитой, Шотландия қонунчилигида ҳам юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги мустаҳкамланган.

Айрим олимлар томонидан Ўзбекистон Республикасида бозор ислохотларини чуқурлаштиришнинг бугунги шароитида жиноий-ҳуқуқий сиёсатнинг замонавий ривожланиш тенденциялари жиноят субъекти масаласига кенгроқ ёндашишни тақозо этишини, трансмиллий корпорациялар фаолият доираси тобора улкан масштабни қамраб олаётганлигини таъкидлаб, улар томонидан содир этиладиган жиноятлар учун юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги масаласининг ўрнатилиши лозимлиги ҳақида қизғин мунозарали фикр юритаётганликларини, миллий қонунчилигимизда ҳам юридик шахс сифатида корхона, ташкилот ва муассасаларнинг мақомида маъмурий ва жиноий жавобгарликни белгилаш илгари сурилмоқда³.

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигига кўра жиноят субъекти жисмоний шахс бўлиши Жиноят кодекси моддалари мазмунидан

¹ Никифоров А.С. Юридическое лицо как субъект преступления и уголовной ответственности. М.: ЮрИнфоР, 2002; Келина С.Г. Ответственность юридических лиц в проекте нового УК РФ // Уголовное право: новые идеи. М., 2004. С. 50, 60; Ситковский И.В. Уголовная ответственность юридических лиц. Автореф. дисс.... канд. юрид. наук. М., 2003, и др.

² Якубов А. С. Теоретические перспективы развития уголовно-правовой основы учения о преступлении. – Т., 2002. – С. 5–26.

³ Хаттобов Н. Юридик шахслар: уларнинг жавобгарлигига оид айрим мулоҳазалар//№02(122)/2016, Ҳуқуқ ва бурч. Б.61.

хам англашилади. Жумладан, ЖКнинг 12-моддасида белгиланган Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида жиноят содир этган шахсларга нисбатан амал қилиши тўғрисидаги нормада Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек Ўзбекистонда доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар, башарти бошқа давлат ҳудудида содир этган жиноят учун ўша давлат судининг ҳукми билан жазоланган бўлмасалар, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси билан жавобгарликка тортилишлари лозимлиги мустаҳкамланган. Шунингдек, чет эл фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон ҳудудида доимий яшамайдиган фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида содир этган жиноятлари учун фақат халқаро шартномалар ёки битимларда назарда тутилган ҳоллардагина ушбу Кодекс бўйича жавобгарликка тортиладилар.

Маълумки, жиноят субъекти белгилари содир этилган қилмишни квалификация қилишга таъсир этади. Жиноят субъекти учун муайян ёш чегаралари шахснинг ижтимоий-психологик шаклланиши эътиборга олинган ҳолда Жиноят кодексининг 17-моддасида мустаҳкамланган.

Жиноят ҳуқуқида қилмишнинг субъектив белгиси билан боғлиқ муаммоларни ўрганишга катта эътибор қаратилган. Маълумки, жиноятнинг субъектив белгилари деганда жиноят субъекти ва субъектив томони назарда тутилади. Жиноятларни квалификация қилишда айбнинг мавжудлиги, унинг шакли, жиноятнинг мотиви ва мақсадининг аниқланиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга ҳисобланади. Шахс ўзи содир этган ҳаракатларида айбли (қасддан ёки эҳтиётсизликдан) бўлгандагина жавобгарликка тортиш мумкин бўлади.

Субъектив томон жиноятнинг руҳий мазмунини таърифлаб, у жиноят ташқи кўриниши, яъни объектив томони билан чамбарчас боғланган. Агар жиноятнинг объектив томони – бу ташқи кўриниши бўлса, субъектив томони эса, тескарисси – ички мазмуни бўлади. Субъектив томон ўзида жиноят таркибининг муҳим элементини ифодалайди. Унинг йўқлиги эса, жиноят таркиби мавжудлигини рад этади, субъектив томонни тўғри

белгилаш эса, айбдорнинг хатти-ҳаракатларини тўғри, асосли ва адолатли квалификация қилинишини таъминлайди.

Жиноят таркибининг субъектив томони айбдорнинг жиноят қонунида жиноят сифатида назарда тутилган, айбдор ўзи содир этган ижтимоий хавфли қилмишига нисбатан бўлган руҳий муносабати бўлиб, унинг айби, мотиви, мақсади ва ҳис-туйғусини ифодалайди.

Жиноятнинг субъектив томонини ва унинг айрим белгиларини тўғри аниқлаш тергов ва суд амалиётида анча қийинчиликларни келтириб чиқариб, бу кўп ҳолларда содир қилинган қилмишни квалификация қилишда хатоларга олиб келади.

Жиноят таркибининг элементи сифатида субъектив томон интеллектуал, иродавий, ҳис-туйғу ҳолати каби турли вақтларда қилмишнинг ўзига боғлиқ ҳолатлар ва бир вақтнинг ўзида ёки келажакда юз берадиган ҳолатларда ифодаланади. Шу билан бирга жиноят қонунчилиги, энг муҳим воқеа-ҳодиса сифатида субъектив томонни ифодаловчи ва жиноятни квалификация қилишда ва жазо тайинлашда жиноят-ҳуқуқий аҳамиятга эгаллигини кўрсатади. Жиноят қонунчилигида айбдорнинг ўз қилмишига бўлган руҳий муносабати характериға кўра, жиноят таркибининг субъектив томони ўз ичига айб, мотив, мақсад ва ҳис-туйғу каби белгиларни олади¹.

Мансабдор шахснинг мансабдорлик жиноятларида айбдор деб топиш учун қуйидагиларға эътибор бериш лозим:

1) ҳар қандай мансабдор шахснинг фаолияти давлат механизмининг бир бўлагини ташкил қилади, у корхона, муассаса ёки ташкилот, ўзига бўйсунувчи жамоа ва айрим фуқаролар билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш учун ваколат ва мажбуриятларға эға. Унинг ўз вазифасига, мажбуриятларига бўлган муносабатидан давлат ва жамоат аппаратиға бўлган муносабати келиб чиқади. Бирок, М.Т.Оздоевнинг фикрича, -

¹ Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ. (Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашр.) Умумий қисм / Тошкент: “Адолат”, 2016. – 167-б.

жиноят содир этган мансабдор шахс давлат аппарати обрўсини эмас, унга билдирилган ишончни оқламаган шахс сифатида фақат ўзини шарманда қилади¹. Ваҳоланки, мансабдорлик жиноятини содир этган шахс нафақат ўзининг обрўси, балки бутун бир соҳа, давлат ҳокимияти, жамият обрўсига путур етказиб, унга бўлган халқ ишончини ҳам йўқолишига сабаб бўлади.

Иккинчидан, халқ хўжалигини бошқариш ва ўзига берилган ваколатлар доирасида мансабдор шахс ўзи бошқариб турган тармоқ аппаратининг ривожланишини белгилаб беради. Лекин шунга қарамай, бундай мансабдор шахснинг раҳбарлигида иш олиб борувчи, унинг буйруқларини бажарувчи, бўйсунувчи мансабдор шахслар ҳам мавжуд бўлади. Бундай ҳолда содир этилган қилмишда унинг айби бўлмаслиги ҳам мумкин. Бундан ташқари ҳуқуқбузарликка бундай муносабат бўлганида мансабдор шахсларнинг айбдорлик даражаси ҳам турлича бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам суд-тергов органлари ходимларидан мансабдор шахснинг айбдорлик даражасини аниқлашга алоҳида эътибор беришлари талаб этилади.

Лекин шахснинг қилмишини баҳолаш учун айбнинг мавжудлиги етарли бўлмайди, яъни жиноятнинг мотив ва мақсади ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Мансабдорлик жиноятларида, қонун матнидан кўриниб турибдики, мансабдор шахснинг ўз хизмат ваколатларидан фойдаланиб, ғайриқонуний ҳаракатларни содир этиши ғараз мақсадларни кўзлаб амалга оширилади. Бу ҳам жиноятни квалификация қилишда катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

Мансабдорлик жиноятлари объектив томонининг мураккаб тузилганлиги ушбу қилмишлар субъектив томонининг мураккаблашишига ҳам сабаб бўлди. Жумладан, ҳокимият ёки мансаб ваколатини

¹ М.Т.Оздоев Должностные преступления: уголовно-правовой анализи предупреждение. Дис....канд.юрид.наук: 12.00.08:Москва,2005.

суиистеъмол қилишнинг объектив томони мураккаб тузилганлиги айбга оид хусусиятларнинг мураккаблигини келтириб чиқаради. ЖК 205-моддасида ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш фақат қасддан содир этилиши белгилаб берилган, демак бу жиноятда айбнинг шакли фақат қасд бўлиши мумкин.

Шахснинг хизмат вазифасидан фойдаланиб содир этган ҳаракатида қасд мавжуд бўлмаса, бундай ҳаракатни мансабини суиистеъмол қилиш жинояти учун жавобгарлик белгиланган модда билан квалификация қилиб бўлмайди. Қонун мазмунидан маълумки, шахснинг содир этган ҳаракати ва унинг оқибатга нисбатан руҳий муносабати айбнинг шаклини белгилаб беради. Шахс рўй бериши мумкин бўлган оқибатни билади, унинг келиб чиқишини истайди ёки истамасада унга онгли равишда йўл қўяди. Демак, ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш тўғри ва эгри қасддан содир этилиши мумкин¹.

Шу билан бирга, назарияда бу борада бир-бирига қарама-қарши фикрлар билдирилган. Баъзи муаллифлар ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш фақат тўғри қасддан содир этилиши мумкин, деса², бошқалари эса, келиб чиққан оқибатга нисбатан қилмиш эгри қасддан ҳам содир этилиши мумкин дейдилар, бундай фикрни кўпроқ жиноят қонунларига берилган шарҳларда учратиш мумкин. Айбланувчи ўзининг мансаб ваколатидан фойдаланган ҳолда ҳаракат қилаётганлигини билади ва шуни истайди, шунингдек, қонунда назарда тутилган оқибатни келиб чиқишини истайди ёки онгли равишда унга йўл қўяди, дейдилар.

Айбнинг шакли ҳақидаги масала бир вақтнинг ўзида ҳаракатга ва унинг натижасида келиб чиққан оқибатга нисбатан алоҳида-алоҳида ўзаро қиёсланиб ёритилиши лозим. Шахснинг содир қилган қилмишига нисбатан руҳий муносабати аксарият муаллифларнинг фикрига кўра,

¹ Ахраров Б.Дж. Бошқарув тартибига қарши мансабдорлик жиноятлари учун жавобгарлик муаммолари: Юрид.фан док. дисс.... – Т., 2008.

² Рустамбоев М.Х., Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм. - Т.: Ўқитувчи, 2003. - Б. 328.; Кадыров М.М. Уголовное право Республики Узбекистан. Особенная часть. - Т.: Адолат, 2001. - С. 256.

фақат тўғри қасд шаклида бўлиши мумкин. Қонунда мансабдор шахснинг ўз мансаб ваколатидан била туриб фойдаланишининг белгиланганлиги қилмиш тўғри қасддан содир этилишидан далолат беради. Жиноятнинг субъекти сифатидаги мансабдор шахс ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўлиқ англаган, ўз касбининг етук мутахассиси ҳисобланади. Бу эса, у ўз ҳаракатлари оқибатини яхши тушунади, оқибатнинг келиб чиқишини истамаган ҳолда ҳаракат қилади, деган фикрнинг тўғри эмаслигидан далолат беради. ЖК 205-моддасини қўллаб, қилмишни квалификация қилишда, судлар, одатда субъект (эгри қасдга имкон қолдирмаган ҳолда) ҳаракатни онгли равишда унинг оқибати рўй беришини истаган ҳолда содир этганлигини таъкидлаб ўтган.

Шахс ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилганида ўзига берилган ҳуқуқлар ёки хизмат имкониятларидан фойдалаётганини билади, қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини англайди (тафаккурий ҳолат) содир этишни истайди ва содир этишга интилади (иродавий ҳолат).

Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш жиноятининг субъектив томони айбнинг қасд шаклида кўринади. Хусусан, айбдор ўзи содир қилаётган қилмишининг ўзига берилган ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш ҳаракатларининг ижтимоий хавфлилигини англайди, натижада фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказиши мумкинлигини олдиндан кўра билади ва хоҳлайди, бу эса жиноятнинг тўғри қасддан содир этилишини, ёки бунга онгли равишда йўл қўйиши мазкур жиноятни эгри қасддан содир этилишини анлатади.

Таъкидлаш керакки, мазкур жиноят содир этилган ҳар бир ҳолатда ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш ҳамда вужудга келган оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланишни аниқлаш лозим, чунки фақатгина шу ҳолатда мансабдор шахс томонидан содир этилган қилмиш ушбу жиноят бўйича квалификация қилинади.

2.3. Мансабдорлик жиноятларининг ўзаро фарқловчи жиҳатлари

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ўзгаришлар асосини демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим тамойилларидан бири бўлган қонун устуворлиги ташкил этади. Шу боис, суд тизимини босқичма-босқич ислоҳ қилиш мақсадида изчиллик билан олиб борилаётган давлат сиёсати мамлакат ижтимоий-иқтисодий негизига путур етказувчи омил сифатида намоён бўлаётган коррупциянинг ҳар қандай кўринишдаги таҳдидига қарши курашишни кучайтиришни тақозо қилади. Маълумки, мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш, айниқса, мансабдорлар томонидан содир этилаётган порахўрлик жиноятларининг олдини олиш ва уларни фош этиш борасида кескин чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Коррупцияга қарши курашиш тизими асосан мансабдор шахсларнинг пора олиш ҳолатларини аниқлашга қаратилган бўлиб, уларни пора олишга қизиқтирувчи, воситачилик қилувчи ва бевосита пора берувчиларнинг кўп ҳолатларда жиноий жавобгарликдан қутулиб қолаётганлиги ушбу тоифа жиноятларни камайитишга қаратилган ишларнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиб келди. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги Қонуни асосида Жиноят кодексининг айрим моддаларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар бу тоифали жиноятларга қарши курашишга қаратилган фаолиятимизнинг самарадорлигини оширади.

Хусусан, мазкур қонун билан Жиноят кодексининг пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилганлик учун жавобгарлик белгиланган 211, 212-моддаларига қуйидаги иккита йўналишда ўзгартириш киритилди.

Биринчиси, пора бериш ёки пора олиш-беришда воситачилик қилганлик учун жазолар тури, миқдори ва муддатлари ўзгартирилиб, пора

олиш учун бериладиган жазолар тури билан бир хилда белгиланди, яъни эндиликда порахўрлик жиноятлари учун жазолар бирхиллаштирилди.

Иккинчиси, Жиноят кодексининг 211-моддасида пора берувчи шахс, 212-моддасида пора олиш-беришда воситачилик қилувчи шахс, башарти, жиноий ҳаракатлар содир этилгандан кейин бу ҳақда ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, жавобгарликдан озод этилишига оид рағбатлантирувчи қоида белгиланган эди.

Янги қонун билан ушбу қоидага ҳам ўзгартиш киритилди. Унга кўра, пора берувчи ва пора олиш-беришда воситачилик қилувчи шахслар учун белгиланган юқоридаги каби рағбатлантирувчи қонданинг қўллаш асослари чегараланди. Эндиликда пора берувчи ва пора-олиш беришда воситачилик қилувчи шахслар бундай жиноят ҳақида ҳар қандай вақтда хабар берганлиги учун жавобгарликдан озод этилмаслиги, балки жиноий ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилсагина жавобгарликдан озод қилиниши белгиланди.

Қисқаси, янги қонун билан пора берувчи ёки пора олиш-беришда воситачилик қилувчи шахслар жиноий ҳаракатлар содир этилган вақтдан ўттиз сутка ўтгандан кейин бу ҳақда хабар берган бўлсалар, улар жиноий жавобгарликдан озод этилмаслиги, балки умумий тартибда пора бериш ёки пора олиш-беришда воситачилик қилганлик учун жавобгарликка тортилиши қатъий белгилаб қўйилди.

Мансабдорлик жиноятлари ўртасидаги фарқни аниқлашда шунга эътибор бериш керакки, аксарият ҳолларда давлат органи ёхуд давлат иштирокидаги ташкилот ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсларини аниқлашда турли анлашилмовчиликлар юзага келади. Хусусан, амалдаги Жиноят кодексининг VIII бўлими “Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси” бўлимида давлат иштирокидаги ташкилотгагина таъриф берилган. Бунга кўра, давлат иштирокидаги ташкилот 1) устав фондида давлат улуши мавжуд бўлган тижорат

ташкilotи; 2) тўлиқ ёки қисман давлат органи ёки давлат ташкilotи томонидан ташкил этилган ёки таъсис этилган нотижорат ташкilotи. Мазкур атамани тушуниш мумкин, аммо давлат органи деганда айнан қайси органларни тушуниш керак? Ушбу саволнинг жавоби қатор манбаларда келтирилган.

Юридик энциклопедияда бегиланишича, *давлат органи* — бу ижтимоий ҳаётнинг аниқ бир соҳасини бошқариш юзасидан давлат вазифаларини бажарадиган ва тегишли давлат-ҳокимий ваколатларга эга бўлган ташкilot ёки муассасадир. Давлат органлари сирасига вазирликлар, бошқармалар, прокуратура органлари, солиқ инспекциялари, ижтимоий таъминот муассасалари, жамоат тартибини сақлаш органлари ва бошқа ташкilotлар киради. Давлат органлари қонунга биноан ташкил этилади ва унда давлат органининг ҳокимий ваколатлари ҳажми белгилаб кўйилади; ўз оператив бошқарувида давлат мулкига, молиявий маблағларга, банкда ўз ҳисоб рақамига ҳамда бюджетдан таъминланиш манбасига эга бўлади. Давлат органлари турли мезонлар асосида, жумладан, ҳокимиятлар бўлинишига асосан қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органларига, фаолиятининг мазмунига кўра сиёсий, хўжалик, ижтимоий-маданий давлат органларига, фаолият олиб борадиган ҳудуди доирасига қараб марказий ва маҳаллий органларга таснифланади¹.

Бошқа манбада эса, *давлат органи* деганда, ҳокимият ваколатлари берилган, давлат томонидан ўз функцияларини амалга ошириш учун ваколат ва давлат белиглаган тартибда фаолият юритувчи фуқаро ёки фуқаролар жамоасини тушуниш лозим².

Давлат органлари энг аввало давлат ҳокимияти органлари ҳисобланади. Жумладан, Республика ва маҳаллий аҳамиятдаги давлат муассасаларининг мансабдор шахслари шундай ҳисобланиши мумкин.

¹ Ўзбекистон юридик энциклопедияси. “АДОЛАТ” Тошкент - 2016

² Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарх. (Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашр.) махсус қисм / Тошкент: “Адолат”, 2016. – 544-б.

Бошқарув, ижтимоий-маданий вазифаларни ёки тижоратчиликдан иборат бўлмаган бошқа вазифаларни амалга ошириш учун мулкдор томонидан ташқил этилган ва тўла ёки қисман молифвий таъминлаб туриладиган ташкилот *муассаса* дейилади¹.

Мансабдорлик жиноятлари диспозициясда юқоридаги тушунчалардан ташқари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи тушунчаси ҳам келтирилган. Демак, Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонунининг (2013 йил 22 апрель) 3-моддасида ушбу тушунчага таъриф берилган бўлиб, унга кўра фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши фуқароларнинг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда ҳал қилиш борасидаги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган мустақил фаолиятидир.

Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар, шунингдек шаҳарлардаги, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ҳамда овуллардаги маҳаллалар фуқаролар йиғинлари (бундан буён матнда фуқаролар йиғини деб юритилади) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидир. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди ва қонун ҳужжатлари билан берилган ўз ваколатларини тегишли ҳудуд доирасида амалга оширади².

Демак, ушбу нормадан англаш мумкинки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти органлари ҳисобланмайди.

Шунингдек, мансабдорлик жиноятларини квалификация қилишда баъзан бошқарув органлари ходимлари таркибини аниқлашда ҳам қатор муаммоларга дуч келинади. Яъни, қайси лавозимлар ёки мутахассислик

¹ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. 1-қисм. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 2-сонга илова.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон, 219-модда.

бўйича шахслар ушбу жиноятлар субъекти сифатида жиноий жавобгарликка тортилади?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 августдаги 363-сонли “Бошқарув ходимларининг сонини тартибга солиш ва уларга сарфланадиган харажатларни мақбуллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди (Илова №3). Мазкур қарорга асосан, Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг бошқарув, хизмат кўрсатувчи ва техник ходимларининг лавозимлари рўйхати мулк шаклидан ва молиялаш манбаидан қатъи назар давлат ва хўжалик бошқаруви органларидаги бошқарув, хизмат кўрсатувчи ва техник ходимларнинг лавозимларини ўз ичига олади. Мазкур қарор асосида давлат ва хўжалик бошқарув органларининг мансабдор шахслари, бошқарув ходимларини давлат ва хўжалик бошқарув органларининг хизматчилардан фарқлаш имконини беради.

Мансабдорлик жиноятларини квалификация қилиш масалалари бир канча миллий ва хорижий ҳуқуқшунос олимлар томонидан тадқиқ этилган¹. Жумладан, мазкур тадқиқотларда бошқарув тартибига қарши мансабдорлик жиноятлари, порахўрликка оид мансабдорлик ишлари ва шу каби мансабдорлик жиноятларини квалификация қилиш масалалари ёритилган.

Мансабдорлик жиноятларига оид нормалар қайси бобда жойлашганлигидан қатъи назар, ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш деярли барча коррупция жиноятлари объектив томонининг бош элементи ҳисобланади. Зотан, ҳокимият ёки мансаб

¹ Ахбаров Б.Дж. Бошқарув тартибига қарши мансабдорлик жиноятлари учун жавобгарлик муаммолари: Юрид.фан док. дисс.... – Т., 2008.; Зуфаров Р.А. Порахўрликка қарши курашнинг жиноят ҳуқуқий ва криминалогик жиҳатлари: назария ва амалиёт.: Юрид. фан. докт. ... дис.автореф. – Т., 2005.; Кабулов Р. ва бошқ. Жиноятларни квалификация қилиш: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012.;В.И.Динека Должностные и служебные преступления: субъект, полномочия, ответственность//Криминологический журнал. 2002.№2.; Н.В.Бугаевская. Должностное лицо как субъект преступления.Дис....канд.юрид.наук: 12.00.08:Рязань, 2003.; Ю.В.Портнова. Должностное лицо как специальный субъект преступления: Дис....канд.юрид.наук:12.00.08: Москва, 2004.; М.Н.Хачатурян, Специальный субъект с признаками государственного должностного лица и государственного гражданского служащего.: Дис. ... канд.юрид.наук :12.00.08: Ростов на Дону, 2005.

ваколатини суиистеъмол қилиш жиноий хулқ-атворнинг, авваламбор, мансабдор шахс томонидан ўз мансаб ваколатларидан хизмат манфаатларига зид равишда фойдаланишида ифодаланадиган энг умумий шаклидир.

Содир этилган мансабдорлик жиноятларининг оқибатлари хилма-хил эканлигига қарамай, уларнинг баъзи бирларига қараб мазкур жиноятларни гуруҳлаш мумкин. Жумладан, оғир оқибатлар қуйидаги мансабдорлик жиноятлари учун жиноий жавобгарликка тортишнинг шarti бўлиб хизмат қилиши мумкин: ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш (205-модда), ҳокимият ёки мансаб ваколатидан четга чиқиш (206-модда), ҳокимият ҳаракатсизлиги (208-модда), шунингдек ҳарбий мансабдорлик жиноятлари – ҳокимиятни суиистеъмол қилиш, ҳокимият ваколатидан четга чиқиш ёки ҳокимият ҳаракатсизлиги (301-модда).

Мансабдорлик жиноятларидан бир нечтаси – ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш (205-модда), ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш (206-модда), мансабга совуққонлик билан қараш (207-модда), ҳокимият ҳаракатсизлиги (208-модда) каби жиноятларда жиноий қилмишнинг оқибатларига нисбатан “жиддий зиён етказилиши” кўрсаткичи белгиланган. Аммо, бу таърифга модданинг диспозициясида ҳам, моддага берилган изоҳда ҳам ойдинлик киритилмаган. Бизнингча, зиён жиддий деб эътироф этилиши ва реал моддий зарар ҳамда турли манфаатларга зиён етказиш (конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни бузиш, ҳокимият органларининг обрўсига путур етказиш, уларнинг ишига халақит бериш ва ҳ.к.) кўринишида бўлиши мумкин.

Юқорида айтилганлар турли мансабдорлик жиноятларининг объектив томонини тавсифловчи белгиларнинг кўпчилиги нисбий хусусиятга эга бўлиб, бу амалиётнинг барқарорлиги ва самарадорлигини анча пасайтиради, мансабдорлик жиноятларини талқин қилишдагина эмас,

уларни амалда қўллашда ҳам зиддиятларни келтириб чиқаради, деган хулосага келиш имконини беради.

Бошқа жиноятлар билан бўлгани сингари, қонунни қўлловчи мазкур жиноятлар тоифаси бўйича ҳам субъектив томоннинг белгиларини аниқлаши шарт. Қонунга мувофиқ, мансабдорлик жиноятларини содир этишга тўғри қасднинг мавжудлигини, шунингдек айбдор мазкур жиноятни ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб содир этганлигини исботлашнинг зарурлиги суд-тергов амалиёти учун катта қийинчилик туғдиради. Аммо, бу ва бошқа қийинчиликлар, бизнингча, мансабдорлик жиноятларига қарши курашнинг тўғри қасд, эгри қасд ёки эҳтиётсизлик билан аралаштириб юборилган енгиллаштирилган жиноят-ҳуқуқий модели учун асос бўла олмайди.

Мансабдорлик жиноятлари асосан шахсан ёки воситачилар орқали мулкӣ наф кўриш ва, авваламбор, мулкӣ хусусиятга эга имтиёзларни кўлга киритишга йўналтирилган ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб содир этилади. Яъни, барча мансабдорлик жиноятларининг субъектив томони тўғри қасднинг, аксарият жиноятлар - ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатдорликнинг мавжудлиги билан тавсифланади. Қонун ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатдорликнинг мавжудлигини порахўрликнинг барча таркибларига нисбатан мажбурий белги деб бевосита кўрсатган бўлмаса-да, мазкур ЖК 210-212-моддалари диспозицияларининг мазмунини мантиқӣ талқин қилишдан келиб чиқади.

Мансабдорлик жиноятлари ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб содир этилиши қуйидаги моддаларнинг диспозицияларида тўғридан тўғри кўрсатилган: ЖК 209-моддасида мансаб сохтакорлиги жинояти белгиланган бўлиб, мазкур жиноят таркиби доирасида бирон-бир қилмиш ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб содир этилган бўлмаса, бундай ҳаракатлар, ҳатто улар мансабдор шахс томонидан содир этилган бўлса ҳам, мансабдорлик жиноятлари деб топилиши, статистикада ҳисобга олиниши мумкин эмас.

Мансаб сохтакорлиги (209-модда) ва пора олиш (210-модда) жиноятларининг субъектлари мансабдорлик жиноятлари субъектларининг асосий, “анъанавий” гуруҳини ташкил этади. Пора бериш ҳамда пора олиш-беришда воситачилик қилиш жиноятларининг субъектлари ҳар доим ҳам мансабдор шахслар ҳисобланмаса-да, уларнинг ҳаракатларида мансабдорлик жиноятларининг барча муҳим белгилари мавжудлиги туфайли, мазкур субъектларни ҳам мансабдорлик жиноятларининг субъектлари жумласига киритиш лозим.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Умумий ва Махсус қисмлари нормаларининг аксарияти, таъбир жоиз бўлса, мансабдорлик жиноятларига қарши курашга “хизмат кўрсатишга тайёр”. Шу билан бирга, мансабдорлик жиноятларига оид моддалар Махсус қисмнинг алоҳида бобида бирлаштирилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Мазкур ғоянинг амалга оширилиши, бизнингча, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг коррупция жиноятларини аниқлаш, уларни малакали тергов қилиш ва судларда кўриб чиқиш фаолиятининг самарадорлигини оширади, илмий кучларни коррупцияга қарши кураш муаммоларининг криминологик, жиноят-ҳуқуқий ва жиноят-процессуал ечимларини топишнинг самарали йўллари излашга йўналтиради.

Иккинчи боб бўйича хулосалар:

1. Мансабдорлик жиноятлари ҳисобланган ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш, мансабга совуққонлик билан қараш, ҳокимият ҳаракатсизлиги, мансаб сохтакорлиги жиноятларида юзага келган оқибатни жиддий ёки жиддий бўлмаган зиён сифатида баҳолаш юқорида санаб ўтилган мансабдорлик жиноятларини интизомий ёки бошқа, жиноий бўлмаган жавобгарликни келтириб чиқарувчи мансабдорлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлардан ажратишнинг асосий мезонларидан биридир.

2. Юридик адабиётларни, бир қанча олимлар фикрлари ва бошқа манбаларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, аксарият мансабдорлик

жиноятлари диспозицияларида кўрсатилган “кўп миқдорда зарар” ва “жиддий зиён” тушунчалари ўртасида сезиларли фарқларни аниқлаш қийинчилик туғдиради, чунки улардан фақат биринчиси яъни зарар миқдори жиноят қонунида аниқ белгилаб берилган, “жиддий зиён” тушунчаси эса иш ҳолатларидан келиб чиқиб белгиланиши назарий китобларда ва Олий суд Пленум қарорларида қисқача ёритиб ўтилган, масалан ЖКнинг 118-119-моддаларида назарда тутилган оғир оқибатлар қайси ҳолатлар бўлиши мумкинлигига қатор ҳолатлар келтирилган¹, аммо кўрсатилган ҳолтадардаги “жиддий зиён” ҳам зарар билан уйғунлашиб кетган ҳамда фақат ҳарбий мансабдорлик жиноятларида қўлланиладиган ҳолатлар келтириб ўтилган. Шунинг учун, мансабдорлик жиноятлари диспозициясидан “жиддий зиён” сўзини чиқариб ташлаш ёки “жиддий зиён” тушунчаси бўйича наъмунавий ҳолатларни Пленум қарорида кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2010 йил 29 октябрдаги “Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондиришга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 13-сон Қарори. 16-банд// Тўплам, 1-жилд. – 86-б.; Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги “Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 23-сон қарори, 4.1-банд // Тўплам, 3-жилд. – 58-б.

III БОБ. МАНСАБДОРЛИК ЖИНОЯТЛАРИ ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА КРИМНОЛОГИК ТАВСИФИ, ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

3.1. Мансабдорлик жиноятлари келиб чиқиш сабаблари ва шартлари

Мансабдорлик жиноятларига криминологик тавсиф учун унинг ҳолати, тузилиши, даражаси ва динамикасини ўрганиш лозим. Кейинги йиллар мобайнида содир этилган жиноятларнинг миқдор ва сифат кўрсаткичлари, мансабдорлик жиноятларини содир этганларга чиқарилган суд ҳукмлари, жиноят қонунларининг ривожланиш хусусиятлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари ва айрим жиноят ишлари бўйича чиқарилган қарор ва ажримлари асосларида ўрганилади ва таҳлил қилинади.

Ўрганилган тадқиқот натижаларига кўра мансабдорлик жиноятлари умумий жиноятчиликнинг 7,2%дан 3,1%ни ташкил қилмоқда. Ушбу жиноятлар латентлик даражасининг юқорилиги (95%)¹, аксарият жиноятларнинг тергов ёки судда кўрилиш жараёнида тўхтатилганлигини инобатга олинса, бу кўрсаткич ҳақиқатда, расмий рўйхатга нисбатан яна юқорилашиши мумкин. Таҳлил қилинаётган давр мобайнида мансабдорлик жиноятларининг олдини олиш ва уларга қарши кураш чораларининг самарадорлиги таҳлил қилинса, бу масалаларда ижобий ўзгариш деярли сезилмайди. Лекин айрим йилларда жиноятчиликка қарши кураш чоратadbирларнинг кучайтирилганлиги бундан мустасно, ушбу тадбирлар туфайли расмий рўйхатга олинган мансабдорлик жиноятлари миқдори ошганлиги сезилади². Мансабдорлик жиноятларининг хусусиятларини аниқлаш учун биз жавобгарликка тортилган мансабдор шахсларни эмас, балки содир этилган жиноятларнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларини таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

Статистик маълумотларга кўра, 2014-2017 йиллар давомида Тошкент шаҳрида ҳокимият ёки мансаб ваколатини сууистеъмол қилиш

¹ Под ред. акад. В.Н.Кудрявцева и проф. В.Е.Эминова. Криминология – М., 2005. – С.114.

² И.Исмаилов, Қ.Р.Абдурасулова ва бошқ. Криминология. Махсус қисм: Дарслик. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, Т.:2015. – 682 б.

(205-модда) ва ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш (206-модда) жиноятлари 2014 йилга қараганда 2017 йилда сезиларли даражада ошган¹. Хусусан, 2014 йилда ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш жинояти бўйича жами 29 та иш (35 шахсга) кўриб чиқилган бўлса, 2017 йилда бу кўрсаткич 63 та иш (104 шахс)ни, ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш жинояти 2014 йилда 7 та иш (8 шахсга) кўрилган бўлса, 2017 йилда бу 24 та иш (31 шахс) ни ташкил қилган. Бошқа мансабдорлик жиноятларида эса анчагина камайиш ҳолатлари кузатилган (1-2-иловалар).

Мансабдорлик жиноятларининг миқдориغا нисбатан жавобгарликка тортилган шахслар сони кўпроқ бўлиши табиий, чунки қатор жиноят ишлари бўйича бир гуруҳ мансабдор шахслар жавобгарликка тортилган.

Мансабдор шахс муайян соҳанинг мутахассиси эканлиги, унга мансабга оид муайян ваколатлар: жуда кўп миқдордаги мулкни бошқариш; бошқа шахслар қила олмайдиган ҳужжатлар билан боғлиқ ишларни бажариш ва ҳ.к. ваколатларнинг берилганлиги, айрим нопок мансабдор шахсларнинг коррупция жиноятларини содир этишга катта имкониятлар яратади. Мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан ўзгалар мулкни талон-торож қилиш (ЖК 167-моддаси 2-қисм «г» банди), солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш (184-модда), божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (182-модда), банкротликни яшириш (181-модда), Ўзбекистон Республикаси манфаатларига хилоф равишда битимлар тузиш (175-модда), бюджет интизомини бузиш (184¹-модда), сифатсиз маҳсулот чиқариш ёки сотиш (186-модда) каби жиноятлар мансабдорлик жиноятлари сифатида расмий рўйхатга киритилмайди, чунки улар иқтисодиёт ёки хўжалик соҳасидаги жиноятлар рўйхатига киритилади. Шунинг учун ҳам мансабдорлик жиноятларини аниқлаш анча мураккаб. Бундан ташқари

¹ Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди статистика маълумотларидан.

иктисодий ёки хўжалик жиноятлари “соф” мансабдорлик жиноятларига нисбатан бир неча марта кўп содир этилади.

Мансабдорлик жиноятларининг айрим турлари шунингдек, шахсга, одил судловга, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар билан бирга содир этилади. Юқоридаги жиноятларнинг мансабдор шахслар томонидан ҳам содир этилишини эътиборга оладиган бўлсак, улар томонидан Жиноят кодексининг кўп бобларида назарда тутилган қилмишлар амалга оширилиши мумкинлигини кўрамиз. Мансабдорлик жиноятларининг даражаси ҳақида маълумотларнинг ноаниқлиги бошқарув аппаратидаги раҳбарий вазифалари сонининг ўзгариб туриши, кадрларни тез-тез ўзгартирилиши билан боғлиқдир. Бундай ўзгаришлар натижасида кимларни мансабдор шахслар тоифасига киритиш ёки киритмаслиги муаммосининг вужудга келганлиги сабабли ҳам жиноятчилик динамикаси ҳақида аниқ маълумотга эга бўлишнинг имкони бўлмайди.

Мансабдорлик жиноятларининг аксарияти юқори турувчи ёки назорат органларининг текширувлари натижасида аниқланганлиги маълум бўлди. Мансабдорлик жиноятларининг муайян қисми бошқа жиноятларни тергов қилиш жараёнида аниқланган (17%)¹. Жиноят содир этганликда гумон қилиниб, сўроқ бераётган шахснинг у ёки бошқа мансабдор шахсга пора берганлиги, мансаб ваколатини суиистеъмол қилганлиги ёки четга чиққанлиги, мансаб сохтакорлигини содир этганлиги, мансабга совуққонлик билан муносабатда бўлганлиги каби ҳолатлар аниқланган. Мансабдорлик жиноятлари энг кўпи (57%)² матбуотда чоп этилган танқидий мақолалар, фуқароларнинг ариза ёки шикоятлари асосида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан текширувлар ўтказилиши натижасида аниқланган. Мансабдорлик жиноятлари ўз навбатида уюшган гуруҳлар ёки жиноий уюшмалар томонидан амалга оширилган қилмишларнинг асосий қисмини ташкил этади. Тадқиқ этилаётган

¹ Тожибоев Қ. Мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзгалар мулкини талон-тарож қилганлик учун жавобгарлик. – Т., 2016. – Б.36-37

² Ўша манбада.

жиноятларнинг аксарияти (73%) ғараз мақсадларда ва бошқа шахс билан иштирокчиликда содир этилган, порахўрлик (ЖК 210-модда) ва ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш (ЖК 167-модда) жиноятлари билан биргаликда содир этилиши амалда кўп учрайди.

Мансабдорлик жиноятлари криминологик хусусиятларига кўра пора берувчи ва пора олувчининг ўзаро жиноий бирлашуви шаклидаги уюшганлиги билан характерланади. Уларнинг ҳаракатлари бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлиб, ҳар икки томон ҳам, муайян манфаатни кўзлайди. Уларнинг орасидаги муносабатлари ўзаро боғлиқ бўлиб, мулк талон-торож қилинади. Маълумотларга кўра, 500 та жиноят ишининг 25%¹да пора хизмат вазифасига кўра ўзига бўйсунувчи мансабдор шахс томонидан берилганлиги, 45% ҳолатларда, давлат, ҳокимият муносабатларини амалга ошириш жараёнида фуқаролардан пора олиш ва 30% ҳолатларда ўзини кейинчалик муҳофаза қилиш ва жиноий фаолиятини давом эттириш мақсадида содир этилганлиги маълум бўлди. Жиноят ишлари, расмий статистиканинг таҳлили пора олиш ва ўзини кейин-чалик муҳофаза қилиш ва жиноий фаолиятини давом эттириш мақсадида бошқарув тартибига қарши мансабдорлик жиноятларининг кўпайганлигидан далолат беради. Ўтган асрнинг 90-йиллари бошларида бу кўрсаткич бор-йўғи 10%²ни ташкил қилар эди.

Ўтган асрнинг 1990-1994-йилларида бу жиноятлар динамикасида ўсиш бўлганлигини кўриш мумкин, лекин шу йилларда мансабдорлик жиноятлари жуда кўп содир этилганлигини кўрамиз. Бунинг сабаби ўша вақтдаги ўтиш даври қийинчиликлари: айнан иқтисодий ва сиёсий соҳадаги ўзгаришлар билан бевосита боғлиқ бўлган. Кейинчалик жиноятчиликка қарши кураш чоралари, шаклларининг ўзгариши, янги қонунларнинг қабул қилинганлиги, жиноий жавобгарликнинг такомиллаштирилганлиги, жамиятдаги сиёсий, иқтисодий муаммоларнинг

¹ И.Исмаилов, Қ.Р.Абдурасулова ва бошқ. Криминология. Махсус қисм: Дарслик – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 682 б.

² Ўша манбада.

ҳал этилгани, мулк шаклининг кўпайганлиги умуман жиноятчилик, жумладан, мансабдорлик жиноятларининг ҳам бирмунча камайишига олиб келди. Умуман жиноятчиликда мансабдорлик жиноятлари ҳиссасининг камайиши кузатилса-да, мансабдорлик жиноятлари ичида ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, порахўрлик жиноятларининг камаймаётгани, аксинча айрим йилларда бошқа мансабдорлик жиноятларига нисбатан кўпайганлигини кузатиш мумкин. Тадқиқотимиз натижаларига кўра мансабдорлик жиноятлари субъектлари – мансабдор шахслар ижтимоий таркибининг тубдан ўзгарганлигини кузатиш мумкин. Аксарият жиноят ишларининг 25%-46%да бошқарув тартибига қарши мансабдорлик жиноятларининг субъектлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари, 55%дан ортиғида ҳокимият, божхона, солиқ органларининг мансабдор шахслари бўлган. Бундай хусусиятлар бир қатор муаллифлар томонидан ҳам таъкидланади¹.

Рўйхатга олинган жиноят ишларининг аксарияти ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизимида содир этилганлиги алоҳида муаммо деб ўйлаймиз. Ўзларининг хизмат ваколатларига биноан бу жойларда содир этиладиган мансабдорлик жиноятлари тезкор қидирув фаолиятини амалга ошириш, иқтисодий жиноятлар ёки коррупцияга қарши хизмат бўлинмаларида (45%), назорат-навбатчилик хизматлари, текшириб ўтказиш, чегара, божхона хизматлари бўлинмаларида (35%), ушбу қилмишларнинг 20% ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг бошқа йўналишларида содир этилган². Албатта, коррупция, мансабдорлик жиноятларига қарши курашиш самарадорлигига фақат жиноят қонун нормаларини ўзгартириш ёки уларни такомиллаштириш билан эришиб бўлмайди. Бундай натижага ушбу жиноятларга қарши курашнинг анча

¹ Шестак А.Д. Уголовно-правовые и криминологические проблемы борьбы с должностными преступлениями в сфере охраны общественного порядка: Дис... канд. юрид. наук. – М., 2003. – С.45.; Тарасова Е.В. Квалификация преступлений, совершаемых должностными лицами путём использования своего служебного положения. – СПб, 2003. – С.180.

² Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг статистика маълумотларидан.

мукаммал замонавий услубларини ишлаб чиқиш, профилактика чоратadbирларини тўғри белгилаш билан эришиш мумкин.

Алоҳида тоифадаги жиноятларнинг криминологик хусусиятлари, уларнинг сабаблари ва шарт-шароитлари, уларни содир этган шахслар ва жиноятчиликнинг тавсифини илмий тадқиқ қилишда аҳамият касб этади. Албатта, бундай тадқиқ қилиш хусусиятлари ҳам илмий асослантирилган ва фаннинг услублари орқали амалга оширилганида асосли хулосаларга эга бўла олади¹.

Мансабдорлик жиноятларининг ўзгариши жамият, давлат бошқарув тизими ривожланиши ва ўзгариши билан чамбарчас боғлиқдир. Ўзбекистонда ҳозирда содир этилаётган мансабдорлик жиноятларининг хусусиятлари мустақиллик давригача бўлган жиноятлардан фарқ қилишини кўриш мумкин. Ўзбекистон Республикасида мустақилликка эришилганидан сўнг бошқарувнинг янги шакли ўрнатилгани, тадбиркорлик ва ишлаб чиқариш муносабатларининг ўзгарганлиги муносабати билан мансабдорлик жиноятларининг ҳам хусусиятлари ўзгарди. Аввалги қонундаги мансабдорлик жиноятлари тизимида божхона, тадбиркорлик, солиқ соҳасидаги мансабдорлик жиноятларининг суд амалиётида учрамаганлиги айнан давлат бошқарувининг ривожланиши билан боғлиқдир. Республикамиз ҳудудида илгари мансабдорлик жиноятларидан порахўрлик, мулкни талон-торож қилиш, мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш нисбатан кўп содир қилинган.

Ўзбекистон Республикасида жиноятчиликка қарши кураш нечоғлиқ кескин олиб борилишига қарамай, ташқи омилларнинг жиноятчиликка таъсир ўтказишига, эркин бозор муносабатларининг ривожланиши янги турдаги жиноятчиликнинг вужудга келишига олиб келди. Бунинг натижасида жиноят содир этиш усуллариининг такомиллашиши, аҳолининг табақаларга ажралиши ҳам жиноятчиликка ўз таъсирини ўтказмоқда. Бошқарув тартибини муҳофаза қилинишининг ташкил этилишида ички

¹ Клепицкий И.А., Резанов В.И. Получение взятки в уголовном праве России. – М., 2001. – С.82.

ишлар идораларида янги хизматларнинг ташкил этилганлиги бир тарафдан ҳимоя қилиш ишларининг тўғри йўлга қўйилганини кўрсатса, иккинчи тарафдан бу соҳада ҳам мансабдорлик жиноятларининг мавжудлигини кўрсатади. Статистик маълумотларга кўра, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари томонидан содир этилган бу турдаги жиноятлар барча мансабдорлик жиноятларининг 24,5%ини ташкил этган. Бу соҳадаги жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги уларнинг кўпайиб бориши билан эмас, балки бу жиноятларнинг уюшган ёки коррупцион кўринишда бўлиши билан хавfli ҳисобланади. Ушбу жиноятчилик бу соҳадаги кўринишларининг ўзгариши ва янгича шакллариининг пайдо бўлиши обектив ва субектив омиллар билан бевосита боғлиқ ҳисобланади. Давлат миқёсида бўлаётган сиёсий, иқтисодий ўзгаришлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизимидаги жиноятчиликнинг кўрсаткичларига ҳам ўз таъсирини ўтказади. Агар мансабдорлик жиноятларида уюшган жиноятчилик ёки коррупцион жиноятчилик хусусиятлари мавжудлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу шаклдаги жиноятчиликнинг айнан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига бориб тақалиши уларнинг сабабларини белгилаб беради. Коррупция жиноятчилиги нафақат мансабдорлик жиноятларини, балки бошқа, ҳатто зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларни ҳам ўз ичига олганлиги муносабати билан айрим мансабдор шахслар, давлат органларининг юқори турувчи мансабдор шахсларини оғдириб олинишини инобатга олиб айтиш мумкинки, коррупция ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизимидаги мансабдорлик жиноятларининг кўпайишига ҳам ўз таъсирини ўтказади¹.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизимида ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига баъзан қонунлардаги камчиликлар ёки қонунлар коллизияси сабаб бўлиши мумкин. Бундай камчиликлар қонунларнинг нотўғри талқин қилинишига, айрим ҳолларда

¹ Алауханов Е.О., Турсынбаев Д.Е. Борьба с коррупцией в государственных органах Республики Казахстан: Учебное пособие / Под ред. Е.О.Алауханова. – Алматы, 2008. – С.171.

фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари, давлат ёки жамоат манфаатларининг бузилишига олиб келади. Аксарият ҳолларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ўзаро бир-бирлари билан келишмасдан тузган қарорлари ёки ички қоидалари ҳам шундай ҳолатларни вужудга келишига сабаб бўлади. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиши муносабати билан Солиқ қўмитаси ва божхона бошқармаларининг пайдо бўлиши ва бу соҳаларга оид алоҳида қонунларнинг қабул қилиниши натижасида бу қонунларнинг бошқа қонунларга мос келмай қолганлиги ҳақида талай мисоллар келтириш мумкин¹. Солиққа оид қонунчиликнинг қабул қилиниши билан бу соҳадаги қонуности норматив ҳужжатларни ўрганиб чиқиши шуни кўрсатадики, бу соҳадаги норматив ҳужжатлар қонунчиликнинг қарийб 85%ни ташкил этганлигини ва бу қонуности норматив ҳужжатларнинг айрим қоидалари солиқ қонунларига мос эмаслигини ҳам кўриш мумкин. Шунингдек, бундай жиноятларнинг келиб чиқишида давлат сиёсати иқтисодий масалаларнинг тўғри ўйланмаганлиги, уларни татбиқ этилиши, юқори ташкилотлар томонидан ёки ички назоратнинг паст даражада ташкил этилганлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ишни ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни ташкил этишнинг ҳамда расмийлаштириш жараёнларининг ўта мураккаблиги натижасида, бир-бирига зид бўлган йўриқномаларнинг чиқарилиши ва уларни бажарилишини назорат қилинишининг кучайтирилиши ҳолатларида, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари мансабдор шахсларининг жиноятларни кўпроқ фош этишга интилишлари натижаси ҳам мансабдорлик жиноятларининг сабабларидан ҳисобланади².

Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонуни 73-моддасининг 3-қисмида “Суд қарорининг бекор қилиниши ёки ўзгартирилишининг ўзи, суд қарорини чиқаришда қатнашган суднинг, агар

¹ Габричадзе Б.Н., Забоев В.Е. Таможенная служба в РФ. – М., 2004. – С.41-46.

² Гармаев Ю.П. Должностные преступления в таможенных органах. – М., 2002. – С.17-20.

у атайлаб қонун бузилишига ёки жиддий оқибатларга олиб келган виждонсизликка йўл қўймаган бўлса, жавобгар бўлишига сабаб бўлмайди¹”,- дейилади. Қонуннинг бу нормаси судлар томонидан содир этилган хатоларнинг жавобгарликка тортилмаслиги учун сунъий замин яратади. Жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги қонунларда мансабдор шахсларнинг содир этган ҳуқуқбузарликлари учун жавобгарлиги назарда тутилган бўлишига қарамай, “Судлар тўғрисида”ги қонунда бундай норманинг белгиланиши қонунлар коллизиясини вужудга келтиради. Қонунларнинг ўзаро бир-бирига мутаносиб эмаслиги ҳуқуқбузарлик ёки жиноятчилик даражасига ҳам ўз таъсирини ўтказди ёки жиноятчилик ҳақидаги умумий ҳолатларнинг аниқ бўлишига ҳам имкон бермайди. Тўғри, судларнинг хизмат фаолиятида қилмишни нотўғри квалификация қилиш ёки нотўғри қарорлар қабул қилиш ҳоллари бўлиши мумкин, бундай ҳолатларнинг ҳар бири учун суднинг жавобгарлигини белгилайвериш ҳам тўғри бўлмайди. Лекин, ЖК 207-моддасида мансабдор шахсларнинг мансаб ваколатларига совуққонлик билан қараганликлари, ЖКнинг 231-моддасида адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқарганлик учун жиноий жавобгарлик белгилангани ҳам инобатга олиниши лозим. Судянинг совуққонлиги ёки вазифаларига лоқайдлик билан қараганлиги сабабли адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори ёки ажримнинг чиқарилиши жабрланувчи ёки айбланувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларининг бузилишига сабаб бўлади, жабрланувчи жисмоний ёки моддий зарар кўрмаган бўлса-да, маънавий зарар ҳам жиддий оқибат бўлиши мумкин. Бундай лоқайдлик ёки бепарволик учун судяни жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги қонун нормаси айнан ЖК 207-моддасига зиддир.

Мансабдорлик жиноятлари тизимида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари мансабдор шахсларини жиноий жавобгар қилинишининг ўзига хос тартиби белгиланган. ЖК XVI бобида “Одил судловга қарши

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2001 йил 1-2-сон, 10-модда.

жиноятлар” учун жиноий жавобгарликнинг белгиланганлиги нафақат судлар, балки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари учун ҳам мажбурият ва жавобгарликни назарда тутати. Жиноят ёки бошқа қонунларда шахснинг у ёки бу қилмиши учун жавобгарлик белгилаган бўлса-ю, бошқа қонунда уни айнан шундай қилмиши учун жавобгарликдан озод қилиш ҳуқуқбузарлик содир этилишига тўғридан-тўғри имкон яратиш билан тенгдир.

Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонунида шундай норма бўлишига қарамай, амалиётда судьяларни жавобгар қилиш ҳақидаги ҳукмлар мавжуд. Албатта, мансабдор шахсларнинг ўз мансаб ваколатларини суиистеъмол қилганлиги ва мансабга совуққонлик билан қараганлигининг ижтимоий хавфлилик даражаси юқори ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари содир этган ҳуқуқбузарликларининг оқибатлари эса оғирроқ ҳисобланади. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари мансабдор шахслари масъулдирлар. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасида давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдида масъуллиги белгилаб қўйилган.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда судлар томонидан адолатли қарор ва ҳукмларнинг қабул қилиниши катта аҳамият касб этади, айнан адолатли ҳукм ёки қарор одил судловнинг асосини белгилаб беради. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари мансабдор шахсларининг ҳуқуқбузарликларига ҳозирги даврда жиддий эътибор берилиб, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва адолат ўрнатиш йўлида қатор тадбирларнинг амалга оширилаётганлиги диққатга лойиқ ҳисобланади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари мансабдор шахсларининг турли жазога тортилганликлари билан бир қаторда улар томонидан йўл қўйилган хатолари ва суиистеъмолчиликдан қўрилган зарарларнинг ўрнини қоплаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилганлиги инсоннинг бузилган ҳуқуқларининг тиклашга бўлган муносабатни англатади. Шунингдек, бу

соҳадаги мансабдорлик жиноятларининг содир этилиш хусусиятлари айниқса ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик билан боғлиқ равишда ўзгарганлиги уни алоҳида муаммо сифатида ўрганишни талаб қилади.

3.2. Мансабдорлик жиноятлари билан курашишнинг ўзига хос хусусиятлари ва мазкур турдаги жиноятлар профилактикасининг асосий йўналишлари.

Мамлакатимизда ҳукукий демократик давлатнинг муҳим тамойили – қонун устуворлиги ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш йўналишида ҳуқуқбузарлик, айниқса, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган пухта ўйланган, мақсадли чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда. Зеро, қонун устувор, ҳуқуқ-тартибот мустаҳкам давлатда жамиятнинг барқарор ўсиши, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли таъминлаш юқори даражада қафолатланади.

Шу боис, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва унга қарши курашишга оид норматив-ҳукукий ҳужжатлар ҳуқуқбузарликка қарши у содир этилганидан кейин курашиш эмас, балки унинг содир этилишининг олдини олиш ёки унга йўл қўймаслик принципи асосида ишлаб чиқилишига алоҳида эътибор қаратилди.

2010 йилда МДХга аъзо давлатлар орасида биринчи бўлиб «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилингани келажагимиз пойдевори бўлган вояга етмаган шахсларни дунёқараши ва ҳукукий онги шаклланаётган вақтдан бошлаб қонунларга итоат ва ҳурмат руҳида тарбиялаш, назоратсизлигига йўл қўймаслик, энг муҳими, улар томонидан содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олди олинишини қонун даражасида қафолатламоқда.

Бугунги глобаллашув шароитида ҳар қандай хавф ёки тажовуз, хоҳ у ички бўлсин, хоҳ ташқи мамалакат хавфсизлиги ва унинг халқига, давлат тузилиши ва жамият манфаатларига жиддий зарар қелтирмасдан қолмайди. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев

томонидан амалдаги қонунларни ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш ва давр талаб қиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишга жиддий эътибор бериб келинмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўзида ҳам жиноятчиликка қарши курашиш ва содир этилаётган ҳуқуқбузарликларни олдини олиш борасида қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги¹ (2017 йил 3 январь), “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги² (2017 йил 8 сентябрь) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сонли қарори³ (2017 йил 24 март) қабул қилинди ва мазкур ҳужжатларда давлат ташкилотлари ва кенг жамоатчилик олдида турган муҳим вазифалар аниқ ва равшан белгилаб олинди.

Шунингдек, «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Қонуни⁴ (2012 йил 25 декабрь)да жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, барҳам бериш ва фош этиш, шунингдек, жиноятларни тайёрлаш ва содир этишга дахлдор шахсларни аниқлаш ҳамда топиш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига таҳдид солаётган шахслар, ҳодисалар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) ҳақида ахборот тўплаш тезкор-қидирув фаолиятининг асосий вазифалари сифатида мустаҳкамланди.

Бу борада энг муҳим масалалардан бири – жамиятда аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига, хусусан, мактабгача таълим муассасаларидан олий таълимгача бўлган таълим жараёнида қонунларни, ҳуқуқий тизимимизнинг асосларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди.

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 2-модда.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 976-модда.

³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 12-сон, 184-модда, 37-сон, 982-модда.

⁴ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2012 йил, 52-сон, 585-модда

2017 йил апрель ойида жаҳон миқёсидаги қонун устуворлигининг навбатдаги индексини эълон қилган “The World Justice Project” мустақил халқаро ташкилотининг йиллик маърузасида Ўзбекистон “ҳуқуқ тартибот ва ҳавфсизликни таъминлаш” бўйича дунёнинг 99 та давлати орасида 3-ўринни эгаллагани ҳам мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар, айниқса, жинойтчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш чора-тадбирларининг самарадорлигини тасдиқлайди¹.

Бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш, хусусан, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид ягона, тизимли ва комплекс ёндашувни таъминлаш мақсадида 2014 йил 15 майда Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни² қабул қилиниб, унда қонуннинг уч ой ўтгач кучга кириши кўрсатилди.

Қонунда ҳуқуқбузарлик деганда, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда кўрсатилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳамда Жиноят кодексида белгиланган жиноятлар тушунилиши қатъий белгиланиб, қонун муҳим муносабатларни, жумладан ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид турли қонунлардаги ёки қонуности ҳужжатларидаги тегишли нормаларни унификациялаш ва қонун даражасида мустаҳкамлаш, шунингдек, янги, бугунги кун талабларидан келиб чиқадиган муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини ягона қонунда мустаҳкамлаш ва бошқалар.

Зотан, мазкур қонунда аниқ таърифи берилганидек, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси–ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек, уларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида

¹ Мухторов Н. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси янги қонуннинг мазмуни ва ўзига хос жиҳатлари. “Ҳуқуқ ва бурч”, 2017, 29-сон.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 221-модда; 2015 й., 32-сон, 425-модда.

қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизимидир.

Қонуннинг асосий мазмуни ва энг муҳим ўзига хос жиҳатлари шундаки, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар, хусусан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар – ички ишлар, прокуратура, миллий хавфсизлик хизмати, адлия, давлат божхона хизмати, давлат солиқ хизмати органлари, шунингдек, ижтимоий соҳа ва таълим муассасалари – меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, таълимни, соғлиқни сақлаш тизимини давлат томонидан бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари ҳамда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, таълим, соғлиқни сақлаш тизимини давлат томонидан бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари, шунингдек, табиатни муҳофаза қилиш органларининг ҳам ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи субъектлар сифатида белгилангани қонуннинг ўзига хос жиҳатларидан биридир.

Бу жараёнда таълим муассасаларининг ўрни ва ролини ошириш долзарб ҳисобланади. Чунки аксарият ҳолатларда таълим муассасаларида таълим ва тарбия жараёнининг тўғри йўлга қўйилмагани, жумладан, ўқув жараёнларида ҳуқуқий таълим ва тарбиянинг суст ташкил этилгани, болаларнинг бўш вақтлари тўғри ташкил этилмагани, ўз қизиқиши ва имконияти даражасида касб-хунарга йўналтирилмагани оқибатида ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар содир этилиши, бора-бора бундай ёшларда ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллик ортиб бориши эҳтимоли юқори ҳисобланади. Шунингдек, ишсизлик, яъни шахснинг муайян ижтимоий фойдали меҳнат билан банд бўлмаслиги, шахсий ёки оилавий эҳтиёжларини қондира оладиган даражадаги иш ҳақиға эга бўлмаслиги ҳам бу каби салбий оқибатларнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Шу ўринда Президент Ш.Мирзиёевнинг: “Қонунларни қабул қилиш – бу ишнинг бир қисми, холос. Асосий масала – қонунларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга ва масъул ижрочиларга ўз вақтида етказиш, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиш ҳамда қонун талабларига қатъий амал қилишни таъминлашдан иборатдир. Афсуски, мазкур йўналишдаги ишлар талаб даражасида эмас. Бунинг оқибатида охириги уч йилда давлат органларининг 157 та қарори ўз кучини йўқотган қонунлар асосида чиқарилган¹”, – деган мазмундаги таъкидларидан келиб чиқиб, эндиликда қонун кучга киргунга қадар бўлган муддатда ва ундан кейинги даврда мазкур қонун ижросини тўла таъминлашга қаратилган аниқ чоратadbирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Мансабдорлик жиноятларини том маънода коррупциянинг бир кўриниши деб айтиш мумкин. Чунки, мазкур турдаги жиноятларнинг асосида давлат ҳокимияти, давлат хизмати, маҳаллий ҳокимият ва ўзини-ўзи бошқариш органларининг нормал фаолиятига тажовуз қилиш каби жиноий аспектлар ташкил этиб, бу мансабдор шахснинг мансаб ваколатлари билан белгиланган имкониятлардан фойдаланиб, бирор бир ҳаракатни ўз манфаатини кўзлаган ҳолда бажариши ёки бажармаслиги ёхуд ўз вазифа ва мажбуриятларига совуққонлик билан муносабатда бўлиши орқали содир этилади.

Шу сабабли, Ўзбекистон Республикасида мансабдорлик жиноятларига қарши курашиш, коррупциянинг олдини олиш борасида нафақат миллий қонунчилигимиз такомиллаштирилган, балки халқаро ҳуқуқ меъёрларини ҳам етарлича миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш чоралари кўрилаган. Айниқса, ўтган давр мобайнида мансабдорлик жиноятлари ва коррупцияга қарши курашиш ҳамда мазкур турдаги жиноятларнинг олдини олишга қаратилган мустаҳкам ҳуқуқий база шакллантирилди. Республикамизда ва халқаро

¹ Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. 07.12.2016 йил.

майдонда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳомийлигида қайд қилинган ЭКОСОС (БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий кенгаши) нинг “Коррупцияга қарши кураш резолюция” (1995 йил), “Давлат мансабдор шахсларининг халқаро ахлоқ кодекси” (1996 йил), “Халқаро тижорат ташкилотларида коррупция ва порахўрликка қарши кураш ҳақидаги декларация” (1997 йил), “Милларлараро уюшган жиноятчиликка қарши кураш конвенцияси” (2000 йил), 2003 йил сентябрда Истанбулда қабул қилинган “Коррупция билан курашиш бўйича ҳаракатлар режаси” ва бошқа ҳужжатларнинг қабул қилинганлиги мазкур жиноятларга қарши курашда муҳим омил вазифасини ўтайди.

Натижада, жорий йилнинг ўн ойида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан жиноят содир этиш ҳолатлари 9 минг 698 тага ёки 14 фоизга, жиноят-қидирув йўналишида эса 4 минг 562 тага ёки 11 фоизга¹ камайишига эришилди. Таъкидлаш керакки, жиноятчилик деганда нафақат оддий фуқаролар, балки мансабдор шахслар томонидан содир этиладиган жиноятлар содир этилиши ҳам тушунилади.

Мансабдорлик жиноятларини олдини олиш нафақат бугунги XXI асрда, балки қадим даврлардан бери долзарб масалалардан бири бўлиб келган. Бу борада юртбошимиз таъкидлаганидек, “Ҳуқуқбузарликлар ўз-ўзидан содир этилмайди. Асосий масала ҳуқуқбузарликларнинг оқибатлари билан курашиш эмас, балки барвақт олдини олиш, содир этишга имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни ўз вақтида бартараф этишдан иборатдир²”. Бугунги кундаги мансабдорлик жиноятлари аввалги даврларга қараганда анча фарқ қилиб, ҳозирги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, тараққиёт босқичлари ва аҳоли турмуш тарзи билан бевосита боғлиқ.

¹ Мирзиёев Ш.М. “Тартиб-интизом ва масъулиятни кучайтириш, жиноятчиликнинг олдини олиш муҳитини мустаҳкамлаш – ҳуқуқбузарлик профилактикаси самарадорлигининг асосий омилдир”. “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида белгиланган вазифалар ижроси, бу борада мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш масалалари”га бағишланган 15.11.2017 йилдаги видеоселектор йиғилишидан.

² Ўша ерда.

Мансабдорлик жиноятларининг криминологик тавсифининг мураккаблиги бу жиноятларнинг давлат бошқаруви билан боғлиқ ҳокимият ва давлат органлари ваколатларидан келиб чиққанлиги билан изоҳланади. Бундай фикрлар жиноят ҳуқуқи назариясида ҳам билдирилган¹. Мансабдорлик жиноятларининг криминологик тавсифи алоҳида қонуниятларига эга эканлиги ва бу қонуниятларга кўра давлат бошқаруви билан боғлиқ бошқа жиноятлардан фарқ қилинишини таъкидлаш лозим. Мансабдорлик жиноятларининг ўзгариши жамият, давлат бошқарув тизими ривожланиши ва ўзгариши билан чамбарчас боғлиқдир. Ўзбекистон Республикасида мустақилликка эришилганидан сўнг, бошқарувнинг янги шакли ўрнатилгани, тадбиркорлик ва ишлаб чиқариш муносабатларининг ўзгарганлиги муносабати билан мансабдорлик жиноятларининг ҳам хусусиятлари ўзгарди. Аввалги қонундаги мансабдорлик жиноятлари тизимида божхона, тадбиркорлик, солиқ соҳасидаги мансабдорлик жиноятларининг суд амалиётида учрамаганлиги айнан давлат бошқарувининг ривожланиши билан боғлиқдир. Республикамиз ҳудудида илгари бошқарув тартибига қарши мансабдорлик жиноятларидан порахўрлик, мулкни талон-торож қилиш, мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш нисбатан кўп содир қилинган.

Бугунги кунда, мамлакатимизда жиноятчиликни олдини олиш ва профилактика чора-тадбирларини янада кучайтириш борасида, юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан 2017 йил 9 февраль куни ички ишлар органлари ходимлари билан ўтказган “Инсон манфаатларини таъминлаш учун аввало унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, осуда ва фаровон ҳаёти ҳимоя қилинмоғи керак” мавзусида видеоселектор ўтказгани ушбу ислохотларни узвий давоми бўлди. Хусусан, мазкур видеоселекторда давлатимиз раҳбари томонидан ҳафтанинг пайшанба кунини “Жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика” куни, деб эълон қилишни таклиф этиш билан биргаликда шу куни ҳудудлар прокурорлари

¹ Антонян Ю.М., Голубев В.П., Кудряков Д.Н. Личность корыстного преступления. – М., 2000. – С.40-41.

ва ички ишлар бошқармалари бошлиқлари миллий телеканалларда чиқиш қилиб, содир этилган жиноятлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, олдини олиш бўйича тадбирлар ва профилактикаси ҳақида ахборот бериши белгилаб берилди. Видеоселекторда таъкидланганидек, “Тергов ва айблаш билан чекланмай, профилактика мақсади ҳар бир жиноят тавсилотларини ички ишлар органлари раҳбарлари, профилактика инспекторлари ва маҳалла фаоллари иштирокида чуқур таҳлил қилиш зарурлиги” таъкидланди.

Жиноят ҳуқуқи ва криминология фани ютуқлари, хорижий мамлакатларда мансабдорлик жиноятлари, пора олиш, пора бериш ва коррупциянинг ҳар қандай шакллари олдини олиш учун ўтказилган тадқиқотлар ва коррупцияга қарши курашда эришилган ютуқларни ўрганиб, бу борада амалга оширилиши лозим бўлган қуйидаги чора-тадбир (шарт)ларни санаб ўтиш мақсадга мувофиқдир:

- мансабдорлик жиноятларини буткул йўқотиб бўлмайди. Давлатнинг бу борадаги чоралари ва сиёсати коррупциявий жиноятларни юқори хавф (таваккалчилик) остидагина содир этиладиган ва кам фойда келтирадиган қилмишларга айлантиришга қаратилиши лозим;

- мансабдорлик жиноятларини чеклаш бир марталик чора бўлиб қолиши керак эмас. Ҳар қандай кампания тугаши билан мазкур турдаги жиноятлар янги ва мураккаб кўринишда пайдо бўлиши мумкин.

- фақат қонунчилик услублари (йўли) ва қайд этилган ҳолатларга қарши курашиш билан ушбу жиноятларни чеклаб бўлмайди. Қолаверса, аввало уни вужудга келтирувчи омилларга қарши курашиш керак.

- мансабдорлик жиноятларига қарши курашиш ва уни олдини олишга жамият ва давлатнинг, фуқаролар, ўзини ўзи бошқариш органлари, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг барча кучи йўналтирилган тақдирдагина самарали бўлади;

➤ давлат ва жамият манфаатларига мансабдорлик жиноятлари етказаетган зарар миқдори шунчалик юқорики, унга қарши курашиш учун кетадиган барча харажатлар бир неча барабар фойда келтириши муқаррар.

3.3. Мансабдорлик жиноятлари ва улар профилактикасида хориж давлатлар тажрибаси.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси XV боби Бошқарув тартибига қарши жиноятлар деб номланган бўлиб, мазкур бобнинг баъзи моддалари: 205-212-моддаларда айнан асосий мансабдорлик жиноятларининг миллий қонунчилигимиздаги турлари кўрсатиб ўтилган. Хориж давлатларидан, АҚШ федерал қонунчилигида мансабдорлик жиноятлари тўғрисида ягона боб мавжуд эмас. Штатларнинг кодексларида ҳам уларни таърифловчи ягона тизим кузатилмайди. АҚШ қонунлар тўпламининг ўн саккизинчи бўлимида мансабдорлик жиноятлари учун жавобгарлик тўртта бобда – “Порахўрлик, ноқонуний даромад ва оммавий мансабдор шахснинг ўз мавқеини суиистеъмол қилиши” (11 боб), “Сайловлар ва сиёсий фаолият” (29 боб), “Товламачилик ва таҳдид” (41 боб), “Ёлланган мансабдор шахс ва хизматчи” (93 боб)¹ каби бобларда белгиланган.

Бугунги кунда ҳар бир давлатда коррупциявий жиноятлар, жумладан барча мансабдорлик жиноятларини олдини олиш учун асосан давлат органлари ва корхона, ташкилот, муассасалар мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларини қонун йўли билан тўғри ва аниқ тартибга солиш, улар учун махсус қонунлар, давлат аппарати тизимида мансабдорлик жиноятларини олдини олиш ва профилактикасига қаратилган комплекс маъмурий чора-тадбирлар ишлаб чиқиб амалиётга жорий этиш ҳар тарафлама ҳозирги давр талабларига мос бўлади. Чет эл давлатларининг бир нечтасида айнан мана шундай қонунлар ишлаб чиқилган бўлиб, булар

¹ Власихин В.А., Николайчик В.М., Определение преступлений, относящихся к коррупции, по американскому законодательству (обзор нормативных актов и литературы) // Проблемы борьбы коррупцией. – М., 2005.- С. 160-185

мансабдор шахсларнинг обрўси ва ахлоқ кодекслари ҳисобланади. Ана шундай давлатлар сифатида АҚШ, Франция, Голландия, Россия каби мамлакатларни мисол қилиб келтириш мумкин. Хусусан, АҚШда мансабдорлик жиноятларини олдини олиш учун махсус норматив ҳужжатлар қабул қилинган ва 1990 йил 17 октябрда “Ҳукумат ходимлари ва хизматчиларининг одоб-ахлоқ принциплари тўғрисида”ги Қонун, 1978 йилда “Ҳокимият муассасаларидаги этика тўғрисида”ги Қонун, Гурманиянинг “Давлат хизматчилари тўғрисида”ги Қонуни, “Давлат хизматидаги одоб режими тўғрисида”ги Қонун, “Федерал ходимлар тўғрисида”ги Қонун, Францияда 1946 йилда “Давлат хизматчиларининг асосий мақоми тўғрисида”ги Қонун каби норматив ҳужжатлар қабул қилинган. Айниқса, Франциянинг 1946 йилги қонунида хизматдаги шахсларнинг ахлоқий масъулияти, давлат хизматининг обрўси, жамият олдидаги мажбуриятларига алоҳида урғу берилган¹.

Мансабдорлик жиноятларига қарши муваффақиятли кураш тизимини барпо этиш бу борада кенг кўламли халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш, унга танқидий ёндошган ҳолда миллий қонунчилик ва амалиётга татбиқ этишни тақозо қилади.

Мансабдорлик жиноятларига қарши курашда халқаро институтлар ичида универсал ташкилот Бирлашган Миллатлар Ташкилоти муҳим роль ўйнайди. “Биз қачонки коррупциялашган элита фуқароларни таълим олиш, соғлиқни сақлаш, асосий инфраструктуралар ва амалдаги давлат хизматидан фойдаланишини чеклаб, ўз мамлакатидан юз миллионлаб ва ҳатто миллиардлаб долларларни талон-тарож қилган пайтда, узоқ вақт кўзимизни бошқа тарафга қаратиб турдик”², деб ёзган эди БМТнинг собиқ Бош қотиби Кофи Аннан ўзининг Коррупцияга қарши кураш бўйича

¹ Зуфаров Р.А. Международно-правовые проблемы борьбы с коррупцией. Проблемы борьбы с коррупцией: национальный и международный опыт. (материалы международного научно-практического семинара 20-21 октября 2009 года). Т.:2010.

² <http://www.unic.ru/bill.index.shtml>

учинчи Глобал форум иштирокчиларига йўллаган мурожаатида. 1990 йилларнинг ўрталаридан бошлаб бу халқаро ташкилот коррупция муаммосига жиддий эътибор бера бошлади.

БМТ томонидан қабул қилинган мансабдорлик жиноятларига қарши курашга йўналтирилган ҳужжатлар ичида 2003 йил декабрь ойида қабул қилинган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг коррупцияга қарши Конвенцияси муҳим ўрин тутди. Тинчликни ва халқаро хавфсизликни қўллаб-қувватлаш, давлатлараро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган универсал ташкилот БМТ даражасида ҳам оддий инсонлар манфаатларини қўзлаб коррупцияга қарши халқаро конвенция қабул қилинганлиги улкан аҳамиятга эга.

Бугунги кунда коррупциявий мансабдорлик жиноятларига қарши курашга ўзларининг фаолиятида алоҳида эътибор бериб келаётган қуйидаги халқаро ташкилотларни кўрсатиб ўтиш мумкин: БМТ, Европа Иттифоқи, Жаҳон банки, Трансперенси Интернейшнл халқаро ноҳукумат ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, Америка Давлатлари ташкилоти, Африка Иттифоқи, Араб давлатлари Лигаси, Бутунжаҳон божхона ташкилоти сингари халқаро ташкилотлар. Ушбу ташкилотлар томонидан коррупциянинг олдини олиш, унга қарши курашда ҳамкорлик қилиш ва бошқа давлатларни, халқаро бизнес ташкилотларини бу салбий феноменга қарши курашга жалб қилишга қаратилган қатор халқаро ҳужжатлар қабул қилинган. Кейинги ўн йилликда қатор халқаро ташкилотлар коррупцияга қарши курашда ташаббускорлик кўрсатиб, халқаро ҳамжамиятни бу иллатнинг олдини олишда ҳамкорликка даъват этиб келмоқда.

Хусусан, юқоридаги ташкилотлар томонидан ёки уларнинг иштирокида қабул қилинган қуйидаги халқаро шартномаларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Жумладан, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт Ташкилоти томонидан 1997 йил 21 ноябрда қабул қилинган Халқаро тижорат битимларида хорижий давлатлар мансабдор шахсларини

сотиб олишга қарши кураш тўғрисидаги Конвенция; Европа Кенгаши Вазирлар Қўмитаси томонидан 1999 йил 27 январда қабул қилинган Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги Конвенция; Европа Кенгаши Вазирлар Қўмитаси томонидан 1999 йил 27 январда қабул қилинган Коррупция учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тўғрисидаги Конвенция; Африка Иттифоқининг коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши кураш тўғрисидаги 2003 йил 12 июлдаги Конвенцияси.

Коррупцияга қарши курашда халқаро миқёсда қабул қилинган ва давлат хизмати сифатини кўтариш ҳамда давлат хизматчиларининг фуқаролар олдидаги масъулиятини ошириш ва ахлоқий жиҳатдан кўтаришга қаратилган халқаро ҳужжатларга қўшилиш, уларга амал қилиш ҳар қандай давлат учун муҳим аҳамиятга эга.

Коррупцияга қарши халқаро миқёсда ҳамкорликда курашнинг зарурати Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ташкилоти томонидан ҳам эътироф этилиб, унга аъзо давлатлар Парламентлараро Ассамблеяси томонидан 2003 йил 15 ноябрда 22-15-сон қарор билан “Коррупцияга қарши сиёсатнинг қонунчилик асослари тўғрисида”ги Модел Қонун¹ қабул қилинган. Қонун МДХ давлатлари парламентлари учун коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги қонунларни қабул қилиш учун намунавий нормаларни ўз ичига олган тавсиявий характердаги қоидаларни қамраб олган. Мазкур қонун 35 та моддадан иборат бўлиб коррупцияга қарши кураш, унинг олдини олишга қаратилган бир қатор илғор ва мақбул нормаларни ҳам қамраб олган.

Коррупциянинг халқаро муносабатларга таъсирини ўрганган тадқиқотчилар “саноати ривожланган “биринчи дунё” мамлакатлари коррупция ёрдамида ўзларига маъқул келмаган ҳукуматларни ағдариб ташлаши, ўзларига хайрихоҳ режим ўрнатиши, амалдаги ҳокимиятга

¹ <http://pravo.levonevsky.org/bazaby/mdogov/index>.

оппозицияни моддий таъминлаш имкониятига эга бўлади”¹ деган хулосани билдиришган.

МДХ мамлакатларида коррупция ва унга қарши кураш фаолиятини ўрганган украиналик мутахассис Н.И.Мельник “МДХнинг кўп мамлакатларида коррупция давлат ва жамият бошқарувининг тизимли элементига айланган. Шу билан бирга, коррупция МДХ мамлакатларида ички ва ташқи сиёсатни амалга оширилишида сезиларли таъсир қилувчи омилга айланиб қолди. Бу мамлакатларнинг юқори даражада коррупциялашганлиги, айрим мансабдор шахсларнинг коррупцияга мойиллиги бошқа давлатлар томонидан уларнинг сиёсий раҳбариятига ички ва ташқи сиёсатга тааллуқли қарорлар қабул қилишида босим сифатида фойдаланилмоқда, яъни, бундай мамлакатларнинг сиёсий раҳбарияти бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар раҳбарларининг сиёсий қарамлигига тушиб қолади, натижада давлатлараро муносабатларда, кредитлар олишда, шартномалар тузиш ва шу кабиларда муаммолар келиб чиқмоқда²”, деб ёзади.

Дунёдаги энг ривожланган мамлакатларда ҳам коррупциявий жиноятлар содир этилади. Халқаро миқёсда коррупция, унинг тарқалганлик даражаси ҳамда жамият ва давлатга келтирадиган зарарини баҳолаш борасида кейинги йилларда хорижий давлатларда кенг тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ҳеч бир давлат коррупциядан, унинг зарарли оқибатларидан суғурта қилинмаган.

Айрим тадқиқотчилар коррупцияни ўзларича ғарб ва шарқ давлатларидаги коррупцияга (коррупциянинг ғарбча ва шарқча кўринишига) ажратишади. Бироқ, жаҳондаги мамлакатларни коррупциялашганлиги жиҳатдан шарқ ва ғарбга бўлиш ўзининг пухта асосларига эга эмас. Тарихий китоблар шундан далолат берадики,

¹ Тогонидзе Н.В. Государство и право №3, 2003. стр. 111-112

² Мельник Н.И. Особенности развития коррупционных процессов и осуществления антикоррупционной деятельности в странах СНГ, Коррупция в органах государственной власти: природа, меры противодействия, международное сотрудничество: Сборник статей / Под редакцией д.ю.н. П.Н. Панченко, к.ю.н. А.Ю.Чупровой, к.ю.н. А. И. Мизерия. – Н. Новгород, 2001. – С.116–125.

коррупция шарқ давлатларига ғарб колонизаторлари томонидан олиб келинади. Мисол учун, Индонезияга коррупцияни Голландияга қарашли бўлган Шарқий Ҳиндистон компанияси мансабдор шахслари орқали кириб келганлиги гапирилса, Филиппин испан колонизаторлари томонидан, Ҳиндистон Британия маъмурияти томонидан коррупция билан зарарланганлиги тадқиқотчилар томонидан қайд этилади. Филиппин ва Бангладешда ҳарбий коррупциялашган режимга қарши исён кўтарилганлиги ҳодисаси коррупцияни Шарқ маданий анъаналари бир қисми, деган фикрларни инкор этади.

Хитой давлат газетаси “Wen Wei Po”да берилган ахборотга кўра, 2003 йилнинг биринчи ярмида бошланган кенг кўламли коррупцияга қарши кураш кампанияси натижасида коммунистик партия сафидаги 1252 киши ўзини ўзи ўлдирган. Яна 8371 киши суддан у ёки бу тарзда яширинган. Коррупцияда айбланган 6583 киши эса, изсиз йўқолган. Анча бой ҳисобланган Гуандонг провинциясида партия арбоблари ва уларнинг фарзандлари ўзларининг мол-мулки билан чет элга чиқиб кетишининг 1240 ҳолати қайд этилган¹.

“Jen Min Jibao” газетасининг 2007 йил 14 мартдаги сонидида берилган маълумотларга кўра, биргина 2006 йил давомида 23,733 минг коррупция, порахўрлик ва мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш билан боғлиқ бўлган жиноят бўйича суд иши якунланганлиги маълум қилинган².

Хитой Жиноят кодексига кўра, коррупция дейилганда, ўзлаштириш, босиб олиш, алдаш йўли билан ёки жамоат мулкани давлат хизматчилари томонидан бошқа ноқонуний усуллар билан хизмат мавқеидан фойдаланиб олиши тушунилади. Хитой қонунчилиги коррупция жиноятлари учун айбдорларга ўлим жазосидек энг оғир жазони назарда тутди.

Японияда мансабдор шахслар ва сиёсий раҳбарлар коррупцияси жамоатчилик томонидан қаттиқ танқид остига олинади. 1997 йилда йирик

¹ http://www.rol.ru/news/04/01/30_029.html. Манба: NEWSru.com сайти.

² Государство и право № 8, 2008 Н.Х.Ахметшин, “Политико-правовые аспекты борьбы с коррупцией в КНР”. – С. 56-63.

компаниялар фаолияти билан боғлиқ айрим коррупциявий операциялар ошкор бўла бошлагандан сўнг, мамлакатдаги бошқарувчи Либерал-демократик партия молиявий фаолият амалга оширилиши тартибини бузувчиларга нисбатан чораларни кучайтириш, баъзи бир қилмишларни криминализация қилиш, яъни Жиноят қонунида жазо белгилаш таклифларини киритишди. Япония ҳукумати узоқ иккиланишлардан сўнг хорижий мансабдор шахслар ва сиёсатчиларни сотиб олиш билан фаолият юритувчи компанияларга қарши қаратилган халқаро шартнома тузиш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлай бошлади. Японияда 1993 йилда мафия раҳбарларидан бири Канэмарунинг ҳибсга олинishi билан шу нарса маълум бўлдики, у бош вазир бўлган Набору Такэсита, Тосики Кайфу, Киити Миядзавалар билан алоқада бўлган, ҳатто уларга ўз манфаатларини кўзлаб таъсир ўтказа олган. 1994 йилда Япония бош вазири Морихиро Хосокава молиявий қонунбузарликларда айбланиб истеъфога чиқарилган эди.

Ўтган асрнинг 90-йилларида япон тадқиқотчилари коррупциявий жиноятчиликни камайтиришда: ҳокимият тузилмалари фаолияти тўғрисида маълумотларни ошкоралаштириш, мансабдор шахсларни назорат қилиш учун марказий ва маҳаллий миқёсда мустақил омбудсман институтини жорий этиш, шу турдаги жиноятларга қаттиқ жазо тайинлаш (депутатликка сайланишдан маҳрум қилиш, умрбод юқори лавозимга кўтарилишдан маҳрум қилиш, сайлов гуруҳидаги шунга алоқадор кишиларни жазолаш), сайлов кампанияларини молиялашни тўла давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширишни таклиф этган эдилар. Японияда коррупцияга қарши курашиш билан бирга, нотўғри(туҳматдан) пора олиш ҳақида хабар бериш ҳам, пора олувчиларга нисбатан белгиланган жазога — уч йил муддатга каторга жазоси ёки жарима жазосига тортилиши мумкин. Жиноят қонунчилигида амалга оширилган ислохотлар орқали бир қатор мансабдорлик жиноятларига бериладиган жазолар оғирлаштирилди. Масалан, давлат ва жамоат арбобларининг мансабдорлик ваколатлари

билан ҳокимиятни суиистеъмол қилишига 2 йилгача каторга ёки турма қамоғи жазоси белгиланди. Илгари бундай жиноят учун 6 ойгача шундай жазога тортиларди.

Дания, Финляндия, Швеция, Янги Зелландия, Канада, Норвегия, Австралия, Люксембург, Швейцария, Ирландия, Германия, Буюк Британия, АҚШ ва Австрия ҳам коррупциялашмаганлиги жиҳатдан юқори ўринларда турадиган давлатлар саналади. Бу мамлакатларда коррупция ҳукумат томонидан миллий хавфсизлик масаласи, ички ва ташқи хавфсизликка таҳдид солувчи омил сифатида баҳоланади.

Ғарбий Европа мамлакатлари жиноят ҳуқуқида пора предмети анча кенг – мулкӣ ёки бошқа наф тарзида тушунилади. Бир қатор ҳолларда пора предмети сифатида тақдим этилган моддий ёки бошқа нафнинг хусусиятлари жиноятни таснифлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

АҚШ ва Буюк Британия жиноят қонунига биноан, оммавий ташкилотларнинг хизматчилари – мансабдор шахслар ҳам, бошқа ходимлар ҳам пора олганлик учун жавобгарликка тортилиши мумкин.

АҚШ, Буюк Британия жиноят қонунларидан фарқли ўлароқ, Италия, Франция ва ГФРда хизматчини пора эвазига оғдиришнинг олдини олишга қаратилган ҳуқуқӣ чоралар анча барқарордир. Францияда 1992 йилгача айбдорлар 1810 йилги ЖКнинг 177–183-моддалари билан жавобгарликка тортиб келинган; Италиянинг 1930 йилги Жиноят кодексига мансабдорлик жиноятларига доир жиддий ўзгартиришлар фақат 1990 йил киритилган. 1871 йили қабул қилинган Германия Жиноят кодексига порахўрликка оид меъёрлар деярли ўзгаришсиз қолган¹.

Буюк Британия статут ҳуқуқида порахўрлик учун жавобгарлик 1889, 1906, 1916 ва 1925 йилги қонунлар билан ўрнатилган, шунингдек суд прецедентлари билан тартибга солинган. Бу Англиянинг коррупцияга қарши қонун ҳужжатлари динамик хусусиятга эга эканлигидан далолат

¹ Абдурашулова Қ. Коррупцияга қарши кураш. Бу борада чет эл қонунларида нималар белгиланган? // Ҳаёт ва қонун, № 3 2003 йил.

беради. Муфассал, баъзан ҳаддан ортиқ деталлаштирилган таърифлар, умумий санкциялар билан бир хил махсус нормалар тузиш ёки таснифланган (имтиёзли) таркибларни (масалан, чойчақа бериш ва олиш учун жавобгарлик моддасини) заруратсиз киритиш АҚШ коррупцияга карши қонунчилигининг ўзига хос хусусиятларидир.

Айрим штатларда жиноят қонунчилигини кодификациялашда тавсиялари ҳисобга олинандиган АҚШнинг Намунавий Жиноят кодексида кўрсатилганидек, “оммавий хизматчи” атамаси “давлатнинг ҳар қандай мансабдор шахсини ёки хизматчисини, шу жумладан қонун чиқарувчи ва судьяни ҳамда давлат вазифасини амалга оширишда ёки бошқа тарзда иштирок этувчи ҳар қандай шахсни англатади”¹.

Германия ҳуқуқшуносларининг фикрига кўра, мансабдорлик жиноятлари нафақат субъект – мансабдор шахснинг белгиси бўйича, балки ҳимоя қилинадиган объект – давлат аппарати нормал амал қилиши бўйича ҳам бирлаштирилган. “Башарти шахс: а) амалдор ёки судья ҳисобланадиган; б) бошқа оммавий-ҳуқуқий хизмат муносабатларида бўлса; ёки в) оммавий бошқарув вазифаларини қайсидир ҳокимият органида ёхуд бошқа муассасада ё унинг топшириғига кўра амалга оширишга даъват этилган бўлса, у мансабдор шахс ҳисобланади”. Бундан ташқари, “бевосита оммавий хизмат қилишга даъват этилган”, яъни “мансабдор шахснинг ўзи бўлмаса-да, ҳокимиятнинг қайсидир органида оммавий бошқарув вазифаларини амалга ошираётган ёки бундай вазифаларни амалга оширувчи муассаса ёхуд бирлашмада банд бўлган ходим мансабдорлик жиноятларининг субъекти ҳисобланади”².

Францияда оммавий мансабдор шахсларнинг фаолияти турли норматив ҳужжатлар: ҳам қонунлар, ҳам қонун ости ҳужжатлари билан тартибга солинади. 1992 йилда қабул қилинган ва 1994 йилнинг

¹ Примерный уголовный кодекс США. / Под ред Б.С. Никифорова. – М., 2002. – С. 167.

² Ответственность за должностные преступления в зарубежных странах. / Отв. ред. Решетников Ф.М. – М., 2001. – С. 41-42; Уголовное право буржуазных стран: Общая часть. // Сборник нормативных актов. / Под ред. Игнатова А.Н. и Козочкина И.Д. – М., 2003. – С. 295.

сентябрида кучга кирган Франциянинг Жиноят кодекси оммавий мансабдор шахсни қуйидагича таърифлайди: 1) давлат ҳокимиятига эга бўлган шахслар (Франция Республикаси олий мансабдор шахслари); 2) давлат хизматида бўлган шахслар (тўртта тоифадаги амалдорлар); 3) сайланганлик мандатига эга бўлган шахслар.

Учинчи боб бўйича хулосалар.

1. “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда қонунчилик соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг узвий давомидир. Унинг алоҳида аҳамияти шундаки, нафақат, унинг ижросига масъул идора ходими, балки, ҳуқуқларини яхши билган ҳар бир инсон ҳам ён-атрофдаги жиноят кўчасига кириб қолаётган замондошига, яқини ёки маҳалладошига бу йўлнинг боши берк кўча эканлигини тушунтиришга интилади ва уни ножоиз йўлдан қайтаришни Ватан олдидаги бурчи деб билади. “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонун айнан шу мақсадни кўзлайди.

2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят қонунининг бошқа давлатлар қонунларидан фарқлари аниқланиб, энг либераллашган қонун тарзида тузилганлиги аниқланди. Айрим МДХ давлатлари жиноят қонунларини ўрганиш Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунининг бир мунча одилона ва либерал тузилганлиги аниқланди.

3. Мамлакатимизда мансабдорлик жиноятлари профилактикаси соҳаси ислох қилинганлигига қарамай, ушбу соҳада мавжуд бўшлиқларни тўлдириш, ушбу тизимни хориж давлатлари тажрибаси ва юқорида кўрсатилган тавсиялар ва таклифлар асосида янада замон талабларига мос қилиб такомиллаштириш зарур.

ХУЛОСА

Жиноят ҳуқуқи ва криминологияга оид илмий-назарий ва юридик адабиётларни, мансабдорлик жиноятлари тушунчаси ва уларнинг профилактикаси масаласини жиноят-ҳуқуқий жиҳатдан ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида уни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган ўз хулосаларимизни қуйидагича икки қисмдан иборат тарзда баён қилдик:

I. Жиноят ҳуқуқи ва криминология назариясини ривожлантириш

бўйича тавсиялар:

1. Мансабдорлик жиноятлари тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ: **“Мансабдорлик жиноятлари** – бу мансабдор шахслар томонидан ўзининг ҳокимият ва мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш, улар доирасидан четга чиқиш, ўз ваколатлари ва вазифаларига лоқайдлик билан ёндашиш ёки лозим даражада бажармасликда ифодаланувчи, ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб давлат ҳокимияти, бошқарув ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари, шунингдек нодавлат тижорат ва бошқа нодавлат ташкилотнинг нормал фаолиятига, фуқароларнинг қонун билан белгилаб қўйилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларига тажовуз қилувчи ижтимоий хавфли, айбли, ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатлардир.

бу ҳокимият ва бошқарув органлари мансабдор шахсларининг ёки махсус ваколатли шахсларнинг ижтимоий хизмат мажбуриятларини бажаришда жиноий ҳаракатини тугаллаш учун ўз ваколатларидан фаол фойдаланган ҳолда содир этилиб, берилган ваколатлардан ноқонуний фойдаланиш йўли билан, ғаразли ёки бошқа паст ниятларда ўзга шахс яъни учинчи шахслар манфаатида ва уларнинг фойдасини кўзлаб хизмат вазифаларига хилоф равишда содир этилади.

2. Давлат хизмати тизимида мансабдорлик жиноятларининг пора олиш ва пора бериш, пора олиш-беришда воситачилик қилиш каби одатдаги шаклларида ташқари, ушбу жиноятларнинг амалда намоён бўлишининг қуйидаги латент шакллари фарақлаш мумкин: фойдали

шартномалар тузишга имконият яратганлик учун гўёки маслаҳат хизматларига ҳақ тўлаш шаклида ҳақ бериш, эълон қилинган мақолалар ёки маърузалар учун ҳаддан ташқари кўп миқдорда гонорар ёзиш, хизматдаги фирибгарлик ҳамда ўзгалар мулкани талон-торож қилишнинг бошқа шакллари, давлат буюртмаларини жойлаштирганлик учун воситачилик ҳақи олиш, давлат хизматчиларига турли хизматлар кўрсатиш ёки бошқача диққат-эътибор бериш, масалани ҳал этишдан манфаатдор шериклар ҳисобига чет элга хизмат сафарига, дам олишга ёки даволанишга юбориш, масалаларни тез ҳал қилиш, ҳужжатларни бериш учун яширин тарзда пора ундириш ёки ҳақ беришни талаб қилиш, қариндош-уруғлари, дўстлари, танишларини ишга жойлаштириш, раҳбарлар ўзига бўйсунувчи ходимлар ундирган порадан улуш олиш ва бошқалар.

4. Назарий жиҳатдан, Жиноят кодексининг 205-212-моддаларида назарда тутилган жиноятлардан ташқари, кодекс махсус қисмининг тегишли моддалари диспозициясининг тегишли бандларида мансабдор шахслар томонидан содир этиладиган жиноятларни ҳам айнан ўша бандига кўра мансабдорлик жиноятлари сифатида эътироф этиш мумкин.

5. Юридик адабиётни, бир қанча хорижий давлатлар тажрибасини ва суд амалиётини таҳлил қилиб, биз қуйидаги хулосага келдик: 1) “жиддий зарар” ёки “жиддий зиён” тушунчалари ўртасида сезиларли фарқларни аниқлаш қийинчилик туғдиради.

II. Амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар:

1. Жиноят кодекси 205-208-моддаларидаги “жиддий зиён” тушунчасини аниқлаш ва “жиддий зиён” деб эътироф этиш дастлабки тергов органлари ва судга ҳар хил вазиятлардан бирини танлаш имкониятини беради ва турли суиистеъмолликлар ва таъмагирлик ҳолат учун замин яратиши олдини олиш мақсадида, шунингдек зарар ёхуд кўп миқдорда зарар тушунчасининг ўзи жиддий зиён тушунчасини ҳам қамраб олганлиги сабабли, ушбу нормалардан ёки жиддий зиён тушунчасини

чиқариб ташлаш ёки Олий суд Пленум қарорида “жиддий зиён” деганда тушунилиши мумкин бўлган ҳолатлар мисол тариқасида кўрсатиб ўтишни таклиф қиламиз. Ваҳоланки, бу ҳолат фақатгина ҳарбий мансабдорлик жиноятлари бўйича Пленум қарорида кўрсатиб ўтилган, бироқ бунда ҳам моддий зарар тушунчаси билан бирга қўлланилган.

2. Мансабдорлик жиноятлари билан тўғри квалификация қилинишини таъминлаш учун мансабдорлик жиноятларининг суд амалиёти ҳақидаги Олий Суд Пленуми қарори қабул қилишни таклиф қиламиз. Ушбу Пленум қарорида мансабдорлик жиноятларининг квалификация масалалари баён этилиб, суд амалиётида хато ёки бир хилликда квалификация қилинишини таъминлаб беради.

3. Жиноий жавобгарлик деганда одатда жисмоний шахсларни жазолаш тушунилади. Тўғри, юридик шахснинг ўзи жисмоний шахслардан ташкил топиши, унинг фаолияти бевосита жисмоний шахслар томонидан амалга оширилишини инобатга олган ҳолда айтиш мумкинки, юридик шахс фаолиятида жиноят аломатлари мавжуд бўлганда бундай ижтимоий хавфли қилмишлар тўла ёки қисман муайян жисмоний шахс томонидан ёхуд жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган шахслар ёки бошқа воситалардан фойдаланиб содир этилган бўлади. Жиноят қонунининг айб учун жавобгарлик ҳамда жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига кўра эса шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлиши, шунингдек, қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт. Аммо, жаҳоннинг қатор давлатларида (Буюк Британия, АҚШ, Канада, Австралия, Франция, Австрия ва бошқалар) ҳам жиноий тартибда юридик шахслар ҳам жавобгарликка тортилади ва бу қонунчиликнинг либераллиги элементи ҳисобланади. Бугунги кунда юридик шахс раҳбарлари томонидан ҳам жиноят содир қилинаётганлиги эса аксарият ҳолларда юридик шахс раҳбарлари ва мансабдор шахсларининг жавобгарликдан қутулиб қолишига сабаб бўлмоқда. Мазкур

ҳолатни олдини олиш мақсадида, тегишли мансабдорлик жиноятларига юридик шахсларнинг ҳам жавобгарлигини белгиловчи нормаларни киритишни таклиф қиламиз.

5. Жиноят қонуни ўзбек ва рус тилларида таҳририда айнан бир хил ҳолат учун икки хил термин қўлланилиши каби ҳоллар мавжуд. Жумладан, ЖК 210-моддаси 2-қисми в) банди ўзбек тили ва рус тилидаги матнида термин қўллашда номувофиқлик мавжуд: ўзбек тилидаги матнида **“таъмагирлик”** деб берилган бўлса, рус тилидаги матнида **“вымогательства”** деб берилган. Бу ерда термин рус тилидаги матнда тўғри қўлланилган. Шу сабабли ҳам ЖК 210-моддаси 2-қисми в) банди **“товламачилик йўли билан”** деб баён қилиниши керак.

6. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонуни 73-моддасининг 3-қисмини яъни “Суд қарорининг бекор қилиниши ёки ўзгартирилишининг ўзи, суд қарорини чиқаришда қатнашган суднинг, агар у атайлаб қонун бузилишига ёки жиддий оқибатларга олиб келган виждонсизликка йўл қўймаган бўлса, жавобгар бўлишига сабаб бўлмайди” Қонундан чиқариб ташлаш лозим. Чунки, қонуннинг бу нормаси судлар томонидан содир этилган хатоларнинг жавобгарликка тортилмаслиги учун сунъий замин яратади. Жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги қонунларда мансабдор шахсларнинг содир этган ҳуқуқбузарликлари учун жавобгарлиги назарда тутилган бўлишига қарамай, “Судлар тўғрисида”ги қонунда бундай норманинг белгиланиши қонунлар коллизиясини вужудга келтиради. Қонунларнинг ўзаро бир-бирига мутаносиб эмаслиги ҳуқуқбузарлик ёки жиноятчилик даражасига ҳам ўз таъсирини ўтказди ёки жиноятчилик ҳақидаги умумий ҳолатларнинг аниқ бўлишига ҳам имкон бермайди. Албатта, судларнинг хизмат фаолиятида қилмишни нотўғри квалификация қилиш ёки нотўғри қарорлар қабул қилиш ҳоллари бўлиши мумкин, бундай ҳолатларнинг ҳар бири учун суднинг жавобгарлигини белгилайвериш ҳам тўғри бўлмайди. Лекин, ЖК 207-моддасида мансабдор шахсларнинг мансаб ваколатларига

совуққонлик билан қараганликлари, ЖКнинг 231-моддасида адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқарганлик учун жиноий жавобгарлик белгилангани ҳам инобатга олиниши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

I. Раҳбарий адабиётлар:

1.1. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий кадрият. Т.14. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006. – 280 б. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ – Т.: «Ўзбекистон», 2016. -56 б.

1.2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. – Т.: «Ўзбекистон», 2017.-104 б.

1.3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. 2016 йил 24 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.

1.4. Мирзиёев Ш.М. “Тартиб-интизом ва масъулиятни кучайтириш, жинойтчиликнинг олдини олиш муҳитини мустаҳкамлаш – ҳуқуқбузарлик профилактикаси самарадорлигининг асосий омилidir”. “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашиш борасида белгиланган вазифалар ижроси, бу борада мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш масалалари”га бағишланган 15.11.2017 йилдаги видеоселектор йиғилишидан.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

2.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 39 б.

2.2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. // Ўзбекистон Республикаси кодекслари. – Тошкент: Адолат, 2016 й.

2.3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги “Порахурлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми Қарорлари тўплами. 1991-2006. 2 жилдли. - Т.: Адолат, 2006. Биринчи жилд. - Б. 236.

2.4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги “Иқтисодиёт соҳасида жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида”ги 11-сон қарори, // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми Қарорлари тўплами. 1991-2006. 2 жилдли. - Т.: Адолат. – 124-б.

2.5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2010 йил 29 октябрдаги “Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда кондиришга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 13-сон Қарори. 16-банд// Тўплам, 1-жилд. – 86-б.

2.6. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 232-модда.

2.7. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2001 йил 1-2-сон, 10-модда.

2.8. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 2-модда.

2.9. Ўзбекистон Республикасининг “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 976-модда.

2.10. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-кидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 585-модда.

2.11. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 221-модда; 2015 й., 32-сон, 425-модда.

2.12. Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 3-сон, 21-модда.

2.13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

2.14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 12-сон, 184-модда, 37-сон, 982-модда.

III. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти

И.А.Каримов асарлари

3.1. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.

3.2. Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Т.7. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 410 б.

3.3. Каримов И. А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. – 320 б.

3.4. Каримов И. А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 445 б

3.5. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.

3.6. Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида // Тошкент: “O’zbekiston” НМИУ, 2011.

3.7. Каримов И. А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир // Тошкент: “O’zbekiston” НМИУ, 2015. 251 б

IV. Дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

4.1. Уголовное право Российской Федерации. Особенная часть, Б.В.Здравомыслов, В.Ф.Караулов и др.; Под ред. проф. Б.В.Здравомыслова. – М.: Юристъ, 2000. – С. 18.

4.2. Лопашенко Н.А. Вопросы квалификации преступлений в сфере экономической деятельности. Саратов: 2000 й. 179-185 б.

4.3. Мерзлов Ю.А. Криминологическая характеристика и предупреждение преступлений совершаемых сотрудниками службы криминальной милиции. - Омск, 2002. - С. 115-135.

4.4. Собиров М. Янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг шаклланиши жараёнида иқтисодий жиноятчилик. Т., Янги аср авлоди. 2002.- 67 б.

4.5. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т.5. – Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2003. – 449-б.

4.6. Одилқориев Х.Т., Очилов Б.Э. Ҳозирги замон халқаро ҳукуки. – Т.: ЖИДУ, 2002. – Б. 238.

4.7. Российское уголовное право. Особенная часть / Под ред. Л.В. Иногамовой-Хегай, В.С. Комиссарова, А.И. Рарога. - М., 2003. С.45.

4.8. Жиноят ҳукуки. Умумий қисм. Дарслик. / М.А.Абдухоликов, Б.Д.Ахроров ва бошқ. М.Усмоналиев умумий таҳрири остида. - Т.: Адолат,

2000. - Б.71-83.;

4.9. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Илмий-амалий шарҳлар. / Фуломов З.Х., Зуфаров Р. А. ва бош. - Т.: Адолат, 2000. - Б. 132-148.

4.10. Зуфаров Р.А. Уголовная ответственность за получения взятки.. - Т.: ТГЮИ, 2004. - Б. 42.

4.11. Павлов В.Г. Субъект преступления в уголовном праве (историко-правовое исследование). – М., 2009. – С. 6.

4.12. Пионтковский А.А. Уголовно-правовые воззрения Г. Канта, А. Фейербаха и И. Фихте. – М., 2003. – С. 64.

4.13. Гегель Г. Ҳуқуқ фалсафаси. – М., 2007. Б.89-165.

4.14. Таганцев Н.С. Русское уголовное право. Общая часть. – Т. 1. – М., 2004. – С. 144–145.

4.15. Никифоров А.С. Юридическое лицо как субъект преступления и уголовной ответственности. М.: ЮрИнфоР, 2002;

4.16. Келина С.Г. Ответственность юридических лиц в проекте нового УК РФ // Уголовное право: новые идеи. М., 2004. С. 50, 60;

4.17. Исмоилов И. Жиноятчиликда уюшганлик: назария ва амалиёт муаммолари. – Т.: ИИВ Академияси, 2005.

4.18. Рустамбоев М.Х., Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм). Дарслик. - Т.: ИЛМ ЗИҲО, 2005. - Б. 120-141.

4.19. ; Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм). - Т.: Янги аср авлоди, 2005. - Б. 165-191.

4.20. Под ред. акад. В.Н.Кудрявцева и проф. В.Е.Эминова. Криминология – М., 2005. – С.114.

4.21. Тожибоев Қ. Мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзгалар мулкани талон-тарож қилганлик учун жавобгарлик. – Т., 2004. – Б.36-37.

4.22. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Умумий қисм. - Т.: ИЛМ ЗИҲО, 2006. - Б. 104-118.

4.23. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексига шархлар. Махсус қисм. Т., Илм зиё-2006. 490 б

4.24. Абдураслова Қ., Қурбонов О. Коррупция: асосий тушунча ва шакллари. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2009. – Б. 9.

4.25. Власихин В.А., Николайчик В.М., Определение преступлений, относящихся к коррупции, по американскому законодательству (обзор нормативных актов и литературы) // Проблемы борьбы коррупцией. – М., 2005.- С. 160-185

4.26. Мусаев М. Жиноий уюшма ташкил этишга қарши кураш муаммолари. Т., - Шарқ. 2005. 27 б.

4.27. Ражабова М. Жиноий жазоларни либераллаштириш: илмий ва амалий таҳлил. Т., Адолат. 2005. – 128 б.

4.28. Алауханов Е.О., Турсынбаев Д.Е. Борьба с коррупцией в государствен-ных органах Республики Казахстан: Учебное пособие / Под ред. Е.О.Алауханова. – Алматы, 2008. – С.171

4.29. Мирзаев У.М. Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилганлик учун жавобгарлик. Т. ТДЮИ. 2011.

4.30. Кабулов Р. ва бошқ. Жиноятларни квалификация қилиш: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012.;

4.31. И.Исмаилов, Қ.Р.Абдурасулова ва бошқ. Криминология. Махсус қисм: Дарслик – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 682 б.

4.32. И.Исмаилов, Қ.Р.Абдурасулова ва бошқ. Криминология. Махсус қисм: Дарслик.Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, Т.:2015. – 682 б.

4.33. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарх. (Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашр.) Умумий қисм / Тошкент: “Адолат”, 2016. – 134-б.

V. Автореферат, диссертация ва монографиялар

5.1. Собиров М. Иқтисодий жиноятчиликнинг бозор иқтисодиёти шароитидаги ижтимоий криминологик жихатлари: Юрид. фан. докт. ... дис. автореф. – Т., 2002.

5.2. Гулямов З.Х. Проблемы борьбы с преступлениями против правосудия: теория и практика.: Автореф. дис. ... докт. юрид. наук. - Т., 2002.

5.3. Ситковский И.В. Уголовная ответственность юридический лиц. Автореф. дисс.... канд. юрид. наук. М., 2003, и др.

5.4. Шестак А.Д. Уголовно-правовые и криминологические проблемы борьбы с должностными преступлениями в сфере охраны общественного порядка: Дис... канд. юрид. наук. – М., 2003. – С.45.

5.5. М.Н.Рявкин Уголовно-правовые и криминологические меры противодействия а преступлением, совершаемым должностными лицами. Дис....канд.юрид.наук: 12.00.08:Ростов на Дон,2004.

5.6. Зуфаров Р.А. Порахўрликка қарши қурашнинг жиноят ҳуқуқий ва криминологик жихатлари: назария ва амалиёт.: Юрид. фан. докт. ... дис.автореф. – Т., 2005.

5.7. М.Т.Оздоев Должностные преступления: уголовно-правовой анализи предупреждение. Дис....канд.юрид.наук: 12.00.08: Москва, 2005.

5.8. Зуфаров Р.А. Уголовная ответственность за получение взятки.: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Т., 1994.

5.9. В.Н.Борков Получение взятки: вопросы квалификации. Дис....канд.юрид.наук: 12.00.08: Омск ,2004.

5.10. В.И.Мушев Криминологическая характеристика и уголовно-правовые меры противодействия взяточничеству. Дис....канд.юрид.наук: 12.00.08: С-Петербург, 2004.

5.11. Н.В.Бугаевская. Должностное лицо как субъект преступления. Дис....канд.юрид.наук: 12.00.08: Рязань, 2003.

5.12. Ю.В.Портнова. Должностное лицо как специальный субъект преступления: Дис....канд.юрид.наук:12.00.08: Москва, 2004.

5.13. М.Н.Хачатурян, Специальный субъект с признаками государственного должностного лица и государственного гражданского служащего.: Дис. ... канд.юрид.наук : 12.00.08: Ростов на Дону, 2005.

5.14. Абдукодиров Ш.Ё. Қонунга хилоф тадбиркорликка қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминалогик муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Т., 2007.

5.15. Ахраров Б.Дж. Бошқарув тартибига қарши мансабдорлик жиноятлари учун жавобгарлик муаммолари: Юрид. фан. докт. ... дисс. автореф. – Тошкент: ТДЮИ, 2008. 4 б.

5.16. Крюков В.В. Методика расследования должностных преступлений коррупционной направленности: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Челябинск: 2011.

VI. Илмий журналлар ва даврий нашрлар

6.1. Маскимов С.В. Коррупция. Закон. Ответственность. - М., Юринформ, 2000.

6.2. Зуфаров Р. Порахўрлик – коррупция негзи//Давлат ва ҳуқуқ. – 2000. № 4. – 41б.

6.3. Таджиханов У. Закон. Человек. Государство. - Ташкент. 2001. 61-64-бетлар/

6.4. Ходжаев Р. Мансаб ваколати ва жавобгарлик //Ҳаёт ва қонун. – Тошкент, 2001. – № 2-3. – Б.74-75.

6.5. Ашурова. М. Мансабдорлик жиноятлари ва коррупция. “Ҳуқуқ ва бурч”, 2010.

6.6. Юридик энциклопедия – Тошкент: Шарқ – 2001. – 258 б.

6.7. Мельник Н.И. Особенности развития коррупционных процессов и осуществления антикоррупционной деятельности в странах

СНГ, Коррупция в органах государственной власти: природа, меры противодействия, международное сотрудничество: Сборник статей / Под редакцией д.ю.н. П.Н. Панченко, к.ю.н. А.Ю.Чупровой, к.ю.н. А. И. Мизерия. – Н. Новгород, 2001. – С.116–125.

6.8. В.И.Динека Должностные и служебные преступления: субъект, полномочия, ответственность//Криминологический журнал. 2002.№2.

6.9. Абдурасулова Қ.Р. Коррупция жиноятчилиги ва унинг олдини олиш чоралари ҳақида // Суд ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар фаолиятидаги коррупция: унинг ўзига хос хусусиятлари ва унга қарши курашиш усуллари. Илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: ТДЮИ, 2003.

6.10. Тогонидзе Н.В. Государство и право №3, 2003. стр. 111-112

6.11. Абдурасулова Қ. Коррупцияга қарши кураш. Бу борада чет эл қонунларида нималар белгиланган? // Ҳаёт ва қонун, № 3 2003 йил.

6.12. Ахбаров Б.Дж. Мансабдорлик жиноятлари учун жиноий жавобгарлик муаммолари. Т. “Адолат” 2007.

6.13. Иргашев Р. Проблемы государственной службы и правового статуса государственных служащих //Ҳуқуқ ва бурч. – Тошкент, 2007. – № 7. – Б. 44.

6.14. Н.Х.Ахметшин, “Политико-правовые аспекты борьбы с коррупцией в КНР”. – С. 56-63. Государство и право № 8, 2008

6.15. Антикоррупционные реформы в Узбекистане. 3-ий раунд мониторинга в рамках Стамбульского плана действий по борьбе с коррупцией. Организация Экономического сотрудничества и развития. 2015

6.16. Хаттобов Н. Юридик шахслар: уларнинг жавобгарлигига оид айрим мулоҳазалар// №02(122)/2016, “Ҳуқуқ ва бурч”. Б.61.

6.17. Мухторов Н. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси янги қонуннинг мазмуни ва ўзига хос жиҳатлари. “Ҳуқуқ ва бурч”, 2017, 29-сон.

VII. Интернет ресурслари

- 7.1. www.lex.uz
- 7.2. www.press-service.uz
- 7.3. www.lex.justice.md
- 7.4. www.zakon.ru
- 7.5. www.online.zakon.kz
- 7.6. www.elibrary.ru
- 7.7. www.books.google.co.uz
- 7.8. www.huquqburch.uz

ЎЗБЕКИСТАН РЕСПУБЛИКАСИДА БОШҚАРУВ ХОДИМЛАРИ РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 августдаги 363-сонли “Бошқарув ходимларининг сонини тартибга солиш ва уларга сарфланадиган харажатларни мақбуллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорига илова.

Мазкур қарорга асосан Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг бошқарув, хизмат кўрсатувчи ва техник ходимларининг лавозимлари рўйхати мулк шаклидан ва молиялаш манбаидан қатъи назар давлат ва хўжалик бошқаруви органларидаги бошқарув, хизмат кўрсатувчи ва техник ходимларнинг лавозимларини ўз ичига олади.

I. Бошқарув ходимлари лавозимларининг рўйхати:

1. Давлат бошқарув органларининг раҳбарлик таркиби (маъмурий-бошқарув ходимлари):

а) республика даражасида:

- вазир, давлат қўмита раиси ва унинг ўринбосарлари;
- Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги республика муассасасининг раҳбари ва унинг ўринбосарлари;
- ҳисоб палатасининг раиси ва унинг ўринбосари;
- Фанлар академиясининг президенти, вице президентлар, бош илмий котиб;
- Бадий академия раиси, раис ўринбосарлари, бош илмий котиби;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академиясининг ректори, проректорлари;
- миллий олимпия қўмитасининг раиси, бош котиби;
- республика давлат инспекцияларининг раиси, раис ўринбосарлари;

— республика вазирликлари, идоралари, ташкилотлари ва муассасаларининг таркибий бўлинмалари, департамент, бош бошқарма, бошқарма, бўлим, секторнинг бошлиғи, бошлиқ ўринбосарлари;

— вазир, давлат қўмита раиси, республика муассасасининг раҳбари ва уларнинг ўринбосарларининг ёрдамчиси;

б) ҳудудий даража (вилоят, шаҳар, туман):

— Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоят ҳокими, Тошкент шаҳар ҳокими ва уларнинг ўринбосарлари;

— Ўзбекистан Республикаси вазири, давлат қўмитасининг раиси, муассаса раҳбари, вилоят ҳокимиятининг, Тошкент шаҳар ҳокимиятининг мустақил бошқарув бошлиғи ва уларнинг ўринбосарлари;

— Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимияти, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг котибияти, бўлим ва бошқа таркибий бўлинма бошлиғи (мудир), бошлиқ ўринбосари (мудир ўринбосари);

— Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокими ва Тошкент шаҳар ҳокимининг ва уларнинг ўринбосарларининг ёрдамчиси;

— Қорақалпоғистон Республикаси вазирлиги, давлат қўмитаси, муассаса, вилоят, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг мустақил бошқарув бўлими, сектори ва бошқа таркибий бўлинмасининг бошлиғи (мудир), бошлиқ ўринбосари (мудир ўринбосари);

— шаҳар, туман ҳокими ва унинг ўринбосарлари;

— шаҳар, туман ҳокимлигининг бўлими, сектори, бошқа таркибий бўлинма котибиятининг бошлиғи (мудир), бошлиқ ўринбосари (мудир ўринбосари);

— шаҳар, туман ҳокимининг ёрдамчиси;

— шаҳар, туман ҳокимининг мустақил бўлими ва унинг таркибий бўлинмаларининг бошлиғи (мудир), бошлиқ ўринбосарлари (мудир ўринбосарлари).

2. Хўжалик бошқаруви органларининг раҳбарлик таркиби (маъмурий-бошқарув ходимлари):

а) республика даражасида:

— ассоциация, агентлик, корпорация, концерн, компания, бирлашма ва бошқа хўжалик бошқаруви органларининг раҳбари (раис, бош директор, директор, бошлиқ бошқарувчи ва бошқалар);

— ассоциация, агентлик, корпорация, концерн, компания, бирлашма ва бошқа хўжалик бошқаруви органларининг бўлим, сектор ва бошқа таркибий бўлинмасининг бошлиғи (раҳбари), бошлиқ ўринбосари (раҳбар ўринбосари);

— ассоциация, агентлик, корпорация, концерн, компания, бирлашма ва бошқа хўжалик бошқарув органлар раҳбарининг (унинг ўринбосарини) ёрдамчиси;

б) ҳудудий даража (вилоят, шаҳар, туман):

— ассоциация, агентлик, корпорация, концерн, компания, бирлашма ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари ҳудудий (вилоят, шаҳар, туман) бўлинмасининг (бўлими, шохобчаси ва бошқалар) раҳбари, раҳбарнинг ўринбосари;

— ассоциация, агентлик, корпорация, концерн, компания, бирлашма ва хўжалик бошқаруви бошқа органларининг ҳудудий (вилоят, шаҳар, туман) бўлинмаси (бўлими, шохобчаси ва бошқалар) бошқармаси, бўлими, сектори ва бошқа таркибий бўғинининг бошлиғи (мудири).

3. Барча даражалардаги давлат ва хўжалик бошқарув органларининг бошқарув ходимлари, мутахассислари:

— бош мутахассислар, етакчи мутахассислар, 1, 2, 3 тоифали мутахассислар ва тоифасиз мутахассислар, жумладан, маркетинг ва менежмент бўйича мутахассислар;

— маъмурий бошқарувчилар (савдо ва умумий овқатланиш корхоналари) томоша кўрсатувчи муассасаларнинг маъмурий бошқарувчилари, навбатчи маъмурий бошқарувчилар, маълумот базаси,

тармоқлари, заллар ва бошқаларнинг маъмурий бошқарувчиларидан ташқари);

— агрономлар, аудиторлар, археографлар, археологлар, архитекторлар, лойиха ва режалаштириш ишлари бажарувчиларидан ташқари;

— брокерлар, диллерлар;

— барча номдаги бухгалтерлар;

— геологлар, гидрологлар;

— хужжат юритувчилар;

— мухандислар;

— конструкторлик, лойихалаш ва технологик ишларни бажарувчилар;

— лойихалар, математик таъминот, алгоритмлар ва ахборотларнинг машинада ишлаш дастурларини ишлаб чиқаришда банд бўлганлар;

— патент, ихтиролар, рационализаторлик ишлари билан, илмий-техника ахборотлари билан банд бўлганлар;

— ишлаб чиқариш лабораторияларидаги;

— метрология ва стандартлаштиришда банд бўлган мухандислардан ташқари;

— инструкторлар, жисмоний тарбия ва спорт, маданий-оммавий ишлар, ишлаб чиқариш ва меҳнатни илғор усуллари бўйича инструкторлардан ташқари;

— инспекторлар пенсия ва нафақаларни тайинлаш, тўлаш, нафақахўрларга, қарияларга ва ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатиш бўйича инспекторлардан ташқари;

— фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаруви бўйича ҳудудларга бириктирилган органлари, меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича туманлар, шадар бўлинмаларининг ишчилари;

— санъатшунослар;

— картографлар, колористлар;

— назоратчилар, назорат, сақлаш қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо металлларни навларга ажратиш ва бериш бўлимларининг назоратчилари ва мутахассисларидан ташқари;

— маркшейдерлар;

— методистлар, ўқув муассасалари, маданий-маърифий муассасалар, методик кабинетлар (методик хоналар)нинг методистларидан ташқари;

— механиклар, асбоб-ускуналарни ишлатиш, созлаш ва таъмирлашда банд бўлган механиклардан ташқари;

— нормировшиклар (нормачилар, меъёрчилар);

— тафтишчилар, муҳаррирлар;

— фармакологлар, фармацевтлар (доришунослар);

— барча номдаги иқтисодчилар, лойихалар ва конструкторлик ташкилотларининг ишлаб чиқариш бўлинмаларида лойихаларни техник-иқтисодий асослашда банд бўлганлардан ташқари;

— статистикачилар, меҳнатни ташкил қилиш бўйича социологлар, технологлар, меҳнат бўйича физиологлар;

— энергетиклар, эпидемиологлар, экспертлар, олимлардан ташқари;

— маслахатчилар, жумладан, иқтисодий маслахатчилар, референтлар;

— юрисконсультлар ва бошқарув ходимларининг бошқа мутахассислари.

II. Барча даражалардаги давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг хизмат кўрсатувчи ходимлари лавозимлари:

Хизмат кўрсатувчи ходимларнинг лавозимлари:

— ҳайдовчилар (бошқарув ходимларига хизмат кўрсатувчи);

— устки кийим бошни қабул қилиб олувчи (гардеробшик);

— худудни йиғиштирувчилар;

— комендантлар;

— лифтерлар;

— дурадгорлар (давлат ва хўжалик бошқарув органларида);

— бинолар ва иншоотларга жорий ва мукамал таъмирлаш хизматларини кўрсатувчи ишчилар;

— чилангар-сантехниклар;

— қоровуллар (вахтерлар);

— боғбонлар;

— фаррошлар;

— электр монтёрлар, навбатчи маъмурий бошқарувчилар, юк ташувчилар, ёрдамчи ишчилар, кузатувчилар, швейцарлар ва бошқалар.

III. Барча даражалардаги давлат ва хўжалик бошқаруви органлари техник ходимларининг лавозимлари:

1. Техник ходимларнинг лавозимлари:

— агентлар, буюртмалар бўйича, ташишларга хизмат кўрсатишни ташкил қилиш бўйича, юкларни ташиш бўйича агентлардан ташқари;

— архивариуслар;

— кутубхоначилар;

— рухсатнома бюросининг навбатчилари;

— иш юритувчилар;

— диспетчерлар;

— хўжалик мудирлари;

— иш ҳақини берувчи ва пул хужжатларини банк ташкилотларига етказиб берувчи кассирлар;

— омборчилар (кладовщик);

— машинисткалар;

— кўпайтирувчи, нусха кўчирувчи техниклар, ЭХМ операторлари;

— раҳбарларнинг котиблари, котиб-референтлар;

— ҳисобчилар;

— телефонистлар;

— ҳисоблаш техникасига хизмат кўрсатиш бўйича техниклар ва муҳандислар;

— экспедиторлар, код кўювчилар, корректорлар, курьерлар (фельдегерлар), паспортистлар (паспорт берувчилар), маълумот ва ахборот материалларини йиғувчилар ва ишлов берувчилар; хизмат кўрсатиш соҳасидаги буюртмалар. товарларни қабул қилиб олувчилар, радиотехниклар, регистраторлар, хўжалик ходимаси (сестрахозяйка), сметачилар, почта жўнатмаларини ва босма асарларни навга ажратувчилар, табель тўлдирувчилар, таксировкачилар, тарификаторлар, телеграфистлар, ҳисобчилар, хронометраж қилувчилар, шифр қилувчилар ва бошқалар.